O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2009 йил, **3** июль, жума № **27** (2310). | Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, **3** июля, **2009** год, № **27** (2310). | Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу – цена договорная

...ШУ ЮРТ МЕНИКИ, ШУ ЗАМИНДАГИ ЮТУҚ ВА ЎЗГАРИШЛАР ҲАМ МЕНИКИ, ЛЕКИН ҲАЁТИМИЗ, ТЕЗКОР ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ЙЎЛИДАГИ ТЎСИҚЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШГА БИРИНЧИ НАВБАТДА МЕН ДАХЛДОР ВА МАСЪУЛМАН, ДЕГАН ЭЗГУ ИНТИЛИШ МАТБУОТ АҲЛИГА ЯРАШАДИГАН ЭНГ МУНОСИБ ФАЗИЛАТДИР.

Ислом КАРИМОВ

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Аввалambор, сиз азизларни, ўзини матбуот соҳасига бағишлаган заҳматкаш ва фидойи инсонларни мамлакатимиз ривожи, Ватанимиз тараққиётини таъминлаш, жамиятимиз олдида турган юксак мақсадларга эришиш, яъни, ҳар томонлама обод, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида қилаётган олижаноб меҳнатингизни муносиб баҳолаб, барчангизни бугунги касб байрамингиз билан миллионлаб мухлисларингиз, бутун халқимиз қатори чин қалбимдан табриклашга ижозат бергайсиз.

Албатта, Ўзбекистонимизни янада равнақ топтириш учун юртимиз кундан-кунга қандай катта ютуқ ва марраларни қўлга киритаётган бўлса, оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳам ғоят муҳим янгиланиш ва ривожланиш жараёнлари юз бераётганини, матбуотимизнинг ҳаёт билан ҳамнафас бўлиб бораётганини муштарийлар, жамоатчилигимиз чуқур ҳис этмоқда ва ана шу ўзгаришларнинг амалий самарасига гувоҳ бўлмоқда.

Бунинг тасдиғи тариқасида баъзи бир рақамларни олиб келиш ўринли, деб ўйлайман.

Агар бундан ўн беш йил олдин республикамизда 475 та оммавий ахборот воситаси бўлган бўлса, бугунги кунда бу рақам 1110 тани ташкил этмоқда. Хусусан, уларнинг 600 дан зиёди вилоятларда фаолият кўрсатмоқда. Шу билан бирга, мавжуд 90 та нашриёт, 1300 дан ортиқ матбаа корхонасининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, маҳсулот сифати юксалиб бораётгани, ҳеч шубҳасиз, истиқлол йилларида мамлакатимиз бу соҳада катта тараққиёт йўлини босиб ўтганидан далолат беради.

Шуни қайд этиш керакки, бугунги кунда ахборот тарқатишнинг тезкор усули бўлмиш интернет журналистикасини ривожлантириш бўйича ҳам кенг имкониятлар яратилмоқда. Бунинг исботини юртимиздаги юздан ортиқ оммавий ахборот воситаси интернетда ўз веб-сайтига эга экани, олий ўқув юртларида интернет журналистикаси бўйича махсус фанлар ўқитилаётгани, шу йўналишда ижод қилаётган журналистлар сони тобора кўпайиб бораётгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси кўрсатувларининг сунъий йўлдош орқали тарқатилиб, Ватанимизнинг бой тарихи, бетакрор маданияти, бугунги сермазмун ҳаётини дунёга тараннум этишга хизмат қилаётгани мамлакатимизда энг замонавий электрон воситалар ва телекоммуникация тизимини жадал ривожлантириш бўйича олиб бораётган кенг кўламли ишларимизнинг амалий натижасидир.

Шулар қаторида барча ҳудуд ва минтақаларимизда нодавлат оммавий ахборот воситалари тармоғи ва уларнинг қамров доираси тобора кенгайиб бораётганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Одамни қувонтирадиган, ҳайратда қолдирадиган бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Бугунги кунда матбуот соҳасида ана шундай миқдор ўзгаришлари билан бирга, жиддий сифат ўзгаришлари ҳам юз бераётгани, газета ва журналлар, радио ва телеканалларнинг мазмун-мундарижаси, мавзу доираси замон талаблари билан ҳамоҳанг бўлиб, журналистларнинг дунёқараши, билим ва тажрибаси, касб маҳорати юксалиб бораётгани айниқса эътиборлидир.

Айтиш жоизки, барчамиз кундалик ташвишлар билан банд бўлиб, бу соҳадаги муҳим ўсиш-ўзгаришларни баъзан сезмай ҳам қолмоқдамиз. Бугунги байрам муносабати билан оммавий ахборот воситалари эришаётган ютуқлар ҳақида сўз юритиш, ўз ишининг чинакам устаси бўлган минг-минглаб журналистларнинг фаолиятига муносиб баҳо бериш ҳар томонлама тўғри бўлади. Ҳаётимизда амалга оширилаётган бундай ўзгаришларни сезиш, кўриш, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини чуқур англаш матбуот аҳлига, табиийки, ўз касбидан ғурурланиш, ўз меҳнатидан фахрланиш учун ҳақли равишда асос беради.

Мен ўз фаолиятим давомида журналистларнинг ишини яқиндан билиб, кузатиб келаётган бир инсон сифатида бу соҳанинг қандай нозик ва масъулиятли эканини, таъбир жоиз бўлса, баланд тоғ чўққисига чиқиш нечоғлик қийин бўлса, ҳақиқий журналистнинг меҳнати ҳам шундай оғир ва машаққатли эканини ўзимга яхши тасаввур қиламан.

(Давоми 2-бетда).

ВАТАН МАНФААТИ ҲИМОЯСИ – ОЛИЙ БУРЧ

27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда эркин, адолатли ва фаровон ҳаёт қуриш жараёнида миллий матбуотимизни янада ривожлантириш, унинг жаҳон андозалари даражасида фаолият кўрсатиши учун зарур барча шароит ва имкониятлар яратилди. Бундай ғамхўрлик ва эътибор соҳа ходимларидан жамият олдидаги ўз маънавий бурчини астойдил ҳис этишни, касбга янада масъулият ва фидойилик билан ёндошувни, миллий манфаатларимизнинг том маънодаги ҳимоячисига айланишни талаб этади.

27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан Ўзбек миллий академик драма театрида бўлиб ўтган тантанали йиғилишда ана шулар ҳақида сўз борди.

Тадбирга оммавий ахборот воситалари ходимлари, матбуот соҳасида кўп йиллар самарали ва ҳалол меҳнат қилган кекса журналистлар, олий таълим даргоҳларининг журналистика факультети профессор-ўқитувчилари, ёш ижодкорлар, жамоатчилик вакиллари таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

(Давоми 2-бетда).



Бахром АБДУРАҲИМОВ сурата олган.

Ватаним қўрийман ҳар лаҳза, ҳар он!

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 июнь куни Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши раҳбарининг ўринбосари Ли Кэцянни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон–Хитой муносабатлари изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

– Ташрифингиз мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга интилишлари муштарак эканидан яна бир ёрқин далолатдир, – деди Ислом Каримов. – Биз ривожланиб бораётган Ўзбекистон–Хитой муносабатларини юксак қадрлаймиз.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги алоқалар ҳақида сўз юритганда, аввало, икки мамлакат раҳбарлари ўртасидаги ўзаро ишончли, дўстона муносабат қарор топганини таъкидлаш жоиз. Ўзбекистон ва ХХР раҳбарларининг учрашувлари мунтазамлик тусини олган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва ХХР Раиси Ху Цзиньтао Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг яқинда бўлиб ўтган Екатеринбург саммити доирасида ҳам учрашиб, ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболини муҳокама қилдилар.

Икки давлат раҳбарларининг дўстлиги Ўзбекистон–Хитой ҳамкорлигини кенгайтириш учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар ўзаро манфаатдорлик, ҳурмат ва ишонч тамойиллари асосида ривожланиб бормоқда. Хитой доимо Ўзбекистоннинг ўзи танлаган тараққиёт йўлини қўллаб-қувватлаб келган. Ўзбекистон Хитой учун муҳим ва долзарб масалаларда ушбу мамлакат нуқтаи назарини ёқлаб келади.

Мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва гуманитар йўналишларда ҳам алоқалар фаол ривожланмоқда. 2008 йилда ўзаро савдо ҳажми қарийб 50 фоиз ўсиб, 1 миллиард 296 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Ислом Каримов ва Ху Цзиньтаонинг 2008 йилдаги Пекин учрашувида 2010 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини 1,5 миллиард АҚШ долларига етказиш ҳақида сўз борган эди.

(Давоми 2-бетда).

4 МАЛАКА

ИЛҒОР ТАЖРИБА БИЛАН ЯНА САФЛАРГА

5 МАСТЕРСТВО

ВЕНЕЦ БОЕВОЙ УЧЕБЫ

20 МАЪРИФАТ

НУР, ЗИЁГА ЙЎҒРИЛГАН МАСКАН

24 МАДАНИЯТ

ШУНҚОРЛАР БЕЛЛАШГАНДА

ЖАРАЁН

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистонга жалб этилаётган Хитой сармояси ҳажмини ошириш мақсадида икки мамлакатнинг етакчи фирма ва компаниялари ўртасида мулоқотлар давом этмоқда. Муҳокамадаги лойиҳаларнинг умумий қиймати 1 миллиард АҚШ долларидан ошади.

Мамлакатимизда енгил саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш каби соҳаларда иш юритувчи 247та Ўзбекистон–Хитой қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг сони йилдан-йил кўпаймоқда. Ўтган йили Қашқадарёда «Temur-Chin», Фарғонада «FarBaytexnoteks» қўшма корхоналари ишга тушгани бунга яхши мисолдир. «Temur-Chin» бир кеча-кундузда 3800 дона шифер ишлаб чиқарса, «FarBaytexnoteks» йилига 90 тонна пиллани қайта ишлаш қувватига эга.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасида нефть-газ соҳасидаги ҳамкорлик айниқса фаол ривожланмоқда. Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси Орол денгизи акваториясида, Устюрт, Бухоро, Хива ва Фарғона сармоявий блокларида геология-разведка ишларини олиб бормоқда. Мингбулоқ конида нефть қазиб олиш бўйича қўшма корхона тузилган.

2007 йилда «Ўзбекистон–Хитой» газ қувурини барпо этиш ва ишлатиш тамойиллари тўғрисидаги ҳукуматлараро шартнома имзоланган. Қурилиш ишларини жорий йил охиригача якунлаш режалаштирилган.

Маданият ва санъат, илм-фан ва таълим соҳаларидаги алоқалар ҳам жадал ривожланмоқда. Фестиваль, кўргазма, маданият ҳафталиклари, турли кечалар ва бошқа маданий тадбирлар изчил давом этмоқда. Олий таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг ёрқин ютуқлари сифатида Тошкентда Конфуций номидаги институт, Пекиндаги Миллатлар марказий университетида Ўзбек тили бўлими очилганини таъкидлаш жоиз.

Оқсаройдаги учрашувда Ли Кэцян самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Хитой Ўзбекистон билан барча соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Суҳбат чоғида икки томонлама муносабатларга доир ҳамда халқаро ва минтақавий ривожланиш йўналишлари билан боғлиқ масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

(ЎзА).

ВАТАН МАНФААТИ ҲИМОЯСИ – ОЛИЙ БУРЧ

27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш. Ғуломов давлатимиз раҳбари ташаббуси билан юртимизда оммавий ахборот воситаларини замон талаблари асосида ривожлантириш, матбуот ва сўз эркинлиги тамойилларига амал қилиш, халқимизнинг холис ва ҳаққоний ахборот олиш ҳуқуқини таъминлашнинг изчил механизми яратилганини таъкидлади.

Бугунги кунда матбуотнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, том маънодаги эркин фикр минбарига айлантиришдаги ролини ошириш, оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий технологиялар ва ускуналар билан жиҳозлаш борасидаги ишлар кўлами тобора кенгаймоқда.

Йиғилишда таъкидланганидек, жаҳонда кечаётган бугунги мураккаб вазиятда журналистларнинг масъулияти ва мажбурияти ҳар қачонгидан ҳам ортиши шубҳасиз. Жамиятни турли ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш баробарида замондошларимизнинг қувонч ва ташвишларини холис ёритиб бориш, навқирон авлодни умрбоқий эзгу қадриятларимиз руҳида тарбиялаш, улуғ аждодларимизнинг бой маънавий меросини асраб-авайлашга даъват этиш ҳам бугунги кунда журналистларнинг асосий бурчига айланди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Йилнинг энг фаол журналисти» республика кўрик-танлови ғолибларига мукофотлар топширилди.

Шу билан бирга, спорт соҳасини оммавий ахборот воситаларида фаол ва тезкор ёритиб бораётган бир гуруҳ ижодкорларга Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг мукофотлари топширилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар миллий матбуотимизни янада равнақ топтириш, соҳа ходимларининг машаққатли меҳнатини қадрлаш ва эъзозлаш йўлида кўрсатаётган эътибори ва ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирдилар.

Тантанали маросимда санъат усталари ва ижрочи ёшлар ижросида концерт намойиш этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Қосимов иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу иш ҳамманинг ҳам қўлидан келмаслигини, бунинг учун истеъдод, тинимсиз заҳмат чекиш, қунт ва изланиш зарурлигини инобатга оладиган бўлсак, ўзбек матбуоти бугунги кунда жаҳон ахборот майдонида ўз ўрнини топишга интилаётгани, журналистларимиз чет эллик ҳамкасблари билан мулоқот ва баҳсларда ҳеч кимдан кам бўлмасдан ўзининг профессионал малакасини намоён этаётгани барчамизга мамнуният етказади.

Айни вақтда оммавий ахборот воситаларидаги ижобий ўзгаришларни эътироф этган ҳолда, фаолиятимизга танқидий кўз билан қараб, бугун замон талаб қилаётган вазифаларни ўз олдимизга қатъий қилиб қўймасак, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш устида аввало ўзимиз, шу касбнинг ҳақиқий фидойилари бош қотирмасак, ўйлайманки, биз учун бу ишни бошқа ҳеч ким қилиб бермайди.

Ўзингиз айтинг, журналист меҳнатининг қадрини, бу борада қобилият ва ижодий маҳоратнинг қанчалик зарурлигини яхши биладиган, ҳар бир мақола, ҳар бир эшиттириш ёки кўрсатув учун кўз нури, юрак қўрини бағишлаб яшайдиган инсонлар соҳадаги ютуқ ва камчиликларга холисона ва танқидий баҳо бермаса, бошқа ким ҳам баҳо бериши мумкин?

Шунинг учун ҳам журналистларимизнинг ўз фаолиятини юксак талаб ва мезонлар нуқтаи назаридан баҳолаб, миллий матбуотимизни дунёдаги ривожланган оммавий ахборот воситалари даражасига кўтариш масаласи энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Шу борада биз эскидан қолган, қўл-оёғимизни кишандек боғлайдиган баъзи бир қолиплардан, овозимизни баралла қўйишга халақит бераётган номаъқул қарашлардан, мухтасар қилиб, ўзбекона қилиб айтганда, андишани нотўғри тушуниш, ўзини ўзи назорат қилиш каби ҳолатлардан воз кечишимиз зарур.

Ҳақиқатан ҳам, матбуотнинг энг муҳим вазифаси бугун мамлакатимизда олиб борилаётган ташқи ва ички сиёсатни оддий фуқаролар кўзи билан, яъни, турли-туман нуқтаи назарлардан баҳолаб ифодалаш, шу билан бирга, йўлимизда тўсиқ бўлиб турган иллатларга – бу коррупция ёки амалпарастлик бўладими, маҳаллийчилик, одамларнинг дардини кўрмаслик бўладими – буларнинг барчасига қарши муросасиз кураш олиб, бир сўз билан айтганда, адолатни қарор топтириш, жамиятимизни янада эркинлаштириш учун ўзини аямасдан, виждон амри билан яшаш журналист деган касбни танлаган инсонлар учун доимий ҳаёт мақсади бўлишини истардим.

Шу борада ҳаётимизда учраб турадиган яна бир масалага тўхталиш жоиз: бизда раҳбарга ва мансабда ўтирган кишига итоатгўйлик билан, муте бўлиб қараш ҳолатлари ҳам йўқ эмас.

Хизмат вазифасини ўзига умрбод мерос қилиб берилгандек тушунадиган, амал гўёки менга савлат, ақл бағишлайди, буйруқбозлик қилиш учун асос беради, деб ўйлайдиган ва шундай иш тутадиган мансабдорлар ҳам, афсуски, бугун оз эмас.

Савол туғилади: мана шундай раҳбарларни фош қиладиган, кўзини очиб қўядиган, лўнда қилиб айтганда, уларни қулоғидан тортиб офтобга чиқарадиган ким бўлиши керак?

Албатта, қонун, жамоатчилигимиз, тегишли идоралар, лекин бу борада энг таъсирчан куч – бу матбуот, десак, ўйлайманки, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Мустаҳкам ирода ва ўткир қаламга эга бўлган журналисттина бундай салбий иллатларга нисбатан кенг жамоатчилик фикрини шакллантириш, ноқобил раҳбарларнинг ички дунёсини, уларнинг кирдикорларини очиб беришга қодир бўлади.

Агарки менга буюрса, эл-юрт манфаати учун ўз шахсий манфаатидан, ҳузур-ҳаловатидан воз кечиб, ҳатто ўз ҳаётини хавф остига қўйиб яшайдиган жонкуяр журналистларнинг ижодий жасоратини алоҳида тақдирлаган бўлардим. Чунки матбуотда бундай кескин мавзуларни кўтариб чиқиш, уларни холис ва ҳаққоний ёритиб бериш учун инсонда аввало катта юрак, воқеликка фаол муносабат, қатъий ҳаётий принциплар бўлиши керак.

Масалага янада чуқурроқ қарайдиган бўлсак, юқорида билдирилган барча фикрларни мужассам этадиган юксак бир тушунча борки, у ҳам бўлса, журналистнинг гражданлик позициясидир. Яъни, шу юрт меники, шу заминдаги ютуқ ва ўзгаришлар ҳам меники, лекин ҳаётимиз, тезкор тараққиётимиз йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга биринчи навбатда мен дахлдор ва масъулман, деган эзгу интилиш матбуот аҳлига ярашадиган энг муносиб фазилатдир.

Шу борада қалбимда, юрагимда бўлган бир фикрни сиз азизларга айтмоқчиман – бу ҳаётда адолат учун, ҳақиқат учун курашадиган, "Биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва кам бўлмаймиз", деган эътиқод ва ғурур билан яшайдиган одамларни, журналистлар, қалам аҳлини мен ўзимга энг яқин инсонлар деб биламан. Бугунги имкониятдан фойдаланиб, уларни доимо қўллаб-қувватлашга, керак пайтда ёрдам ва кўмак беришга тайёр эканимни, уларни ўзимнинг ҳамфикр ва маслакдошларим, деб билишимни яна бир бор изҳор этмоқчиман.

Азиз дўстлар, муҳтарам матбуотимиз фидойилари ва фахрийлари!

Сизларни бугунги қутлуғ байрамингиз билан самимий табриклар эканман, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахту саодат, янги ижодий ютуқлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Дала-ўқув машғулотларида

ИЛҒОРЛИККА ЕТАКЛАЙДИ ШИЖОАТ

Маълумки, Мудофаа вазирлиги қисм ва бўлинмаларида янги ўқув йили машғулотлари кўтаринки руҳда давом этмоқда. Бу каби дала-ўқув машғулотлари посбонларнинг назарий жиҳатдан ўзлаштирган билим ва маҳоратларини амалиётда синовдан ўтказиб, уларнинг қанчалик бой тажрибага эга эканликларини кўрсатиб беряпти.

Биз қуйида батальонда «Энг илғор гуруҳ» дея эътироф этилган жамоа ҳақида сўз юритмоқчимиз.

… Кичик сержант Илҳом Мирзаев етакчилигидаги гуруҳ посбонлари дала-ўқув машғулотларини ўтказмоқда. Белгиланган ҳудудда ўз позицияларини эгаллаган посбонлар жанговар вазифани бажаришга, яъни шартли душман ҳаракатланаётган йўлда пистирма ташкиллаштиришга тайёрланишмоқда. Барча маскировкага жиддий эътибор қаратиб, кўзга ташланмасликка ҳаракат қилган. Оддий аскар Хайрулло Чориев алоқа воситаси орқали гуруҳ командирига шартли душман яқинлашаётганлиги ва уларнинг сони ҳақидаги маълумотни етказди. Гуруҳ командири шахсий таркибни уч қисмга бўлиб, уларнинг ҳар бирига алоҳида топшириқ қўйган. У яна бир бор посбонларнинг тайёргарлигини текшириб, керакли кўрсатмаларни берди. Шартли душман пистирма учун танланган жойга етиб келди. Шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Муҳаммадсалим Тўхташевнинг гуруҳи душман ортига ўтиб, позицияларни эгаллашди. Кичик сержант Фарҳод Мусаевнинг гуруҳи эса командирнинг буйруғи янграши билан душманга қўққисдан ҳужум уюштиришга шай турибди. Буйруқ янгради. Посбонлар ўз вазифаларини аъло даражада бажаришиб, берилган вазифани уддалашди.

– Қўл остимдаги посбонларнинг барчаси ўз вазифаларини жуда яхши билишади, – дейди кичик сержант И.Мирзаев. – Ҳар қандай топшириқни ўз вақтида бажариб ўрганишган. Шу сабабли дала-ўқув машғулотлари мобайнида ҳам белгиланган вазифани аниқ бажардик.

Кичик сержант Мирзаев 2005 йилдан буён Қуролли Кучларимиз сафида шартнома асосида хизмат қилиб келмоқда. У ҳақида устоз офицерлардан илиқ фикрларни эшитдик.

– Кичик сержант Мирзаев соҳасининг билимдонларидан ҳисобланади. Унинг қалбида касбига бўлган чексиз меҳр бор. Ана шу меҳр уни юртга муносиб посбон бўлишга ундаса, ажабмас. Унинг жамоаси барча тайёргарликларда фаол иштирок этиб, доимо илғорликка интилади. Янги ўқув йили машғулотларига ҳам жиддий тайёргарлик кўришди. Шу кунларда дала-ўқув машғулотларини кўтаринки руҳда ўтказишиб, илғорлар сафидан жой олишга ҳаракат қилишяпти, – дейди офицер Музаффар Ҳамдамов.

Илҳом муддатли ҳарбий хизматни ўтаб юрган кезларидаёқ, келажакда шу соҳада фаолият юритишни мақсад қилган эди.

– Вазифамни, касбимни жуда яхши кўраман, – дейди кичик командир. – Соҳага оид адабиётларни мутолаа қилиб, қўл остимдаги посбонларга ҳарб илмини ўргатяпман. Янги ўқув йили режасига мувофиқ шу кунга қадар кўплаб дала машқларини ўтказдик. Ҳар бир машғулотдан сўнг шахсий таркиб билан йиғилиб, қўлга киритган ютуқларимиз ва камчиликларимизни таҳлил қиламиз. Шу тариқа машқдан-машққа тажрибамиз ва маҳоратимиз ошиб бормоқда.

Ҳа, жанговар шайлик, посбон маҳорати ва тажрибаси сарҳадларимиз тинчлигини ишончли кафолатлайди. Буни чуқур ҳис этган посбонлар янги режалар ва улкан ютуқларни кўзлаб, билим ва кўникмаларини янада ошириб боришга интилишмоқда.

Кичик сержант Аҳрор ОЧИЛОВ.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

ҚУТЛУҒ САНА

Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллиги олдидан

ОЗОД ЮРТИМИЗНИНГ УЛУҒ БАЙРАМИ

Мустақиллик биз учун – ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлиги, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир.

Истиқлол – энг улуғ ва энг азиз неъмат. Озодлик – муқаддас калом. Ҳуррият, эркинлик – таърифга сиғмайдиган туйғу. Бу буюк тушунчаларни ҳис қилиб, англаб яшаш – катта саодат. Мустақиллик – ҳар қандай халқнинг тарихидаги шонли воқеа. Миллат шаъни, қадр-қиммати, юрт тараққиёти, эл обрўсининг юксалиши, жаҳон ичра тенг бўлиши унинг истиқлолига бевосита боғлиқ.

1991 йилда жонажон Ўзбекистонимиз Юртбошимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақилликка эришгач, халқимиз ҳаёти, турмуш тарзи тубдан ўзгарди. Жамиятнинг барча соҳалари ривожланиш сари юз тутди, биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди, даъватлари ҳаётимизнинг устувор шиорига айланди.

Истиқлол эл-юртимиз учун ўз тақдирининг ҳақиқий эгаси бўлиб, ўз қадр-қимматини англаб, муносиб ҳаёт кечириш имкониятини яратди. Айни пайтда у ҳар бир одамнинг иқтисодий-ижтимоий соҳаларда истеъдод ва қобилиятини тўла намоён этиши, ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришининг мустаҳкам заминидир.

Мустақиллик йилларида кўҳна тарихимиз, бой меросимиз, муқаддас динимиз, урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланди. Бугунги кунда меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат, Ватан тақдири ва келажагига дахлдорлик туйғуси юрагимизнинг туб-тубидан ўрин олди.

Вақт югурик. Ўтаётган ҳар бир кун, ҳар бир дақиқа барчамизни энг улуғ ва энг азиз байрам – мустақиллигимизнинг ўн саккиз йиллик айёмига тобора яқинлаштирмоқда. Мана шу шукуҳли дамларда ҳар биримиз истиқлолнинг буюк моҳияти ва аҳамиятини, саховатли заминимизда яшайдиган жамики ватандошларимиз ҳаётида тутган ўрнини, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги оламшумул воқеа эканини янада теран англаймиз.

Куни кеча Президент Ислом Каримовнинг Ватанимиз ва халқимиз ҳаётидаги буюк сана – мустақиллик байрамининг 18 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича қарори қабул қилинди. Унда жойларда, меҳнат жамоалари, ўқув муассасаларида, маҳаллаларда **«Мустақиллик биз учун – ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлиги, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир»** деган эзгу ғояни ифода этадиган ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориш борасидаги кенг кўламли вазифалар белгилаб берилди.

Дарҳақиқат, мустақиллик озод юртимизнинг энг улуғ байрами, халқимизнинг улкан тўйидир. Тўйга тўёна билан келиш – азалий одатимиз. Пойтахтимизда, вилоятларда, қишлоқларда бугун-эрта фойдаланишга топшириладиган замонавий ва муҳташам иншоотлар, таълим масканлари ва тиббиёт муассасалари, равон йўллар ва муаззам кўприклар қурувчи-бунёдкорларимизнинг тўёнаси бўлса, халқаро мусобақаларда давлатимиз мадҳияси янграб, байроғимиз кўтарилаётгани, жамиятимизнинг таянчи ва суянчи бўлган ёшларимизнинг кўксига шода-шода медаллар тақилаётгани спортчиларимизнинг байрам туҳфасидир.

Мустақиллик бўлмаса, бундай ютуқлар, ўсиш-ўзгаришлар қаерда эди?!

1988 йилнинг кузи. Газетада Ўзбекистондан тўққиз киши Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрига, Олимпия ўйинларига жўнаб кетгани ҳақида хабар босилди. Оддий хабар. Бу 9 киши тўққизта йўлланма дегани эмасди, албатта. Шунда ҳам улардан шоҳсупага кўтарилганлар бўлди. Лекин яна жимлик. Яна ўша даврдаги газетани варақлаймиз. «Тошкентликларнинг ҳиссаси» деган хабардан нарига ўтилмаган. У ҳам бўлса, тўртинчи саҳифанинг охирги устуни, энг пастга жойлаштирилган. Сабаби жуда оддий – тоталитар тузум «Ўзбекистон фарзанди», «халқимиз вакили», «бизнинг спортчимиз» деб ғурурланишга йўл қўймасди. Боиси эркимиз ўз қўлимизда эмасди.

2008 йилнинг ёзи. Ватанимизнинг 57 нафар фарзанди Пекинда бўладиган Олимпия ўйинларига жўнаб кетди. Улар жуда катта тантана билан кузатилди. Халқимизнинг муносиб вакиллари эканлиги баралла, миллий ғурур билан айтилди, ёзилди, намойиш этилди. Шулардан олти нафари шоҳсупага кўтарилди. Жонажон Ўзбекистонимизнинг мадҳияси янгради, эркин элнинг музаффар туғи баланд кўтарилди. Бутун мамлакат бўйлаб катта байрам қилинди.

Истибдод тузуми даврида ўзбек ўғил-қизларининг хорижда ўқиши, улар ўзининг интеллектуал салоҳияти билан барчани ҳайрон қолдиришини тасаввур қилиш мумкинмиди?! Ҳозир ёшларимизнинг фан, таълим, тиббиёт, маданият ва санъат соҳасидаги ютуқлари ҳақида деярли ҳар куни янгилик эшитамиз.

Мустақиллик туфайли биз ўзлигимизни англадик, озод халқ, мустақил давлат сифатида Ўзбекистоннинг бор бўй-бастини, улкан салоҳиятини бутун дунёга намоён қила олдик.

Озодлик боис бизни жаҳон таниди, халқимизнинг фидокорона меҳнати, ёшларимизнинг ғайрати, азму шижоати ила Ватанимизнинг шон-шуҳрати олам узра яна кенгроқ ёйилмоқда.



Ҳуррият берган беқиёс имкониятлар негизида эртанги кунимиз – эркин ва фаровон келажагимизни ўз қўлимиз билан бунёд этмоқдамиз.

Тарихан қисқа вақтда ғалла, энергетика мустақиллигига эришилгани, Андижон ва Самарқанддаги автомобиль йиғлаб чиқариш, Бухородаги нефтни қайта ишлаш, Кўкдумалоқдаги компрессор, Қўнғиротдаги сода заводлари, Шўртангазкимё мажмуи каби энг илғор технологиялар жорий этилган замонавий иншоотларнинг ишга туширилиши, Навоий ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатлари, "Ўзметкомбинат", Фарғона нефтни қайта ишлаш каби саноатимизда етакчи ўрин тутадиган заводларнинг бир маромда узлуксиз маҳсулот бериши таъминлангани, Навоий халқаро аэропорти ҳудудида эркин иқтисодий зона ташкил этилаётгани мамлакатимиз салоҳиятини янада юксалтирди, одамларимизнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлади. Ўзбекистонимизнинг жаҳон иқтисодий тизимида, дунё ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллашида муҳим омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг сиёсат майдонидаги жасоратли ташаббуслари, хусусан, нафақат Марказий Осиё минтақаси, балки глобал кўламда хавфсизликни сақлаш, терроризм ва экстремизм, гиёҳванд моддалар ва қурол-яроғ савдосига қарши биргаликда курашиш, айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини Ўзбекистон шароитида бартараф этишнинг йўллари хусусидаги таклифлари бутун дунёда эътироф этилди.

Бугун юртимизнинг қай бир ҳудудига борманг, таъбир жоиз бўлса, истиқлол йилларида яхши ниятлар билан экилган ниҳоллар мева бераётганига – кенг кўламли ислоҳотлар натижасида иқтисодиётимиз барқарор ривожланиб, мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган муҳим ижтимоий дастурларнинг ижобий самараларига гувоҳ бўласиз. Олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари натижасида она диёримизнинг қиёфаси тубдан ўзгариб, шаҳар ва қишлоқларимиз янада обод бўлиб бораётганидан кўзингиз қувонади. Йилдан-йилга кўлами ва миқёси кенгайиб бораётган, одамларнинг оғирини енгил қилишга, аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигини оширишга қаратилган бу ишлар истиқлол берган имкониятларнинг амалдаги ифодаси эканини дилдан ҳис этасиз.

Ватанимизнинг янада обод, халқимиз ҳаётининг фаровон бўлиши ва олдимизда турган юксак вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан қишлоқларимизнинг тақдири ва келажаги билан боғлиқ. Шунинг учун қишлоқ аҳлининг ҳаётини замонавий мезонларга жавоб берадиган даражага кўтариш, аграр соҳа ривожига ривож қўшиш, унинг самарадорлигини ошириш айни кундаги долзарб масалалардандир.

Президентимиз томонидан 2009 йилнинг Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилиниши ва бу борада қабул қилинган давлат дастури қишлоқда турмуш даражасини ошириш, қишлоқ аҳлининг манфаатларини янада тўлиқ таъминлашга қаратилган ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, қишлоқ инфратузилмасини янада ривожлантириш, бир сўз билан айтганда, амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиётимизни модернизация қилиш ва замонавийлаштириш, қишлоққа саноатни олиб кириш йўналишида узоқни кўзлаб олиб борилаётган ишларимизни жадаллаштириш, қишлоқ ҳаётининг савияси ва маданиятини янги поғонага кўтаришга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мустақиллик ва ислоҳот тушунчаларига муштарак сўзлар сифатида қарашимиз табиий, албатта. Чунки фақат мустақил давлат, мустақил жамиятдагина ислоҳотларни амалга ошириш мумкин. Мустақиллик ҳам, ислоҳотлар ҳам инсоннинг яхши яшаши, муносиб турмуш даражасига эришиши учун зарур шароит яратади.

Мамлакатимиздаги изчил ислоҳотлар босқичма-босқичлик тамойилига асосланганини, ушбу тараққиёт йўли нечоғли тўғри ва ҳаётий эканини хорижий эксперт ва мутахассислар, сиёсатчилар ҳам эътироф этди. Бошқалар намуна сифатида ўрганаётган бу яхлит жараён – том маънодаги ислоҳотларнинг дебочаси аслида қишлоқдан бошланган, десак, муболаға бўлмайди. Зеро, ҳали мустақилликка эришмасдан олдин, собиқ "марказ"нинг фақат пахта хомашёсини кўпайтириш тўғрисидаги кўрсатмаларига қарамасдан, пахта майдонлари ҳисобидан қишлоқ аҳлига томорқа ажратилгани чинакам ислоҳот, таъбир жоиз бўлса, жуда катта шижоат ва мардликни талаб қиладиган фавқулодда ҳодиса эди.

Ўша пайтдаги вазият қанчалик қалтис бўлишига қарамай, фақат Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаати, ер деҳқонни боқади, деҳқон эса ҳаммамизни, деҳқончилик тараққиёти – фаровонлик манбаи, деган эзгу даъватлар ила бошланган ислоҳотлар туфайли бугун аграр соҳада улкан ютуқларга эришмоқдамиз.

Қишлоқда хўжалик юритишнинг янгича шакллари кенг кўламда жорий этилиши боис деҳқонлар нафақат ўзи ишлаётган ернинг, балки шу ерда етиштирилаётган маҳсулотнинг ҳам эгаси эканлигини ҳис қилиб, янада кўпроқ даромад олиш учун изланадиган бўлди. Бу эса, ўз навбатида, қишлоқда ихчам саноат корхоналари ва цехлар бунёд этиш, касаначилик, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига хизмат кўрсатадиган сервис тармоғини ривожлантиришга, қўшимча иш ўринлари яратишга замин ҳозирлади.

Озиқ-овқат экинлари, аввало, дон етиштиришни кўпайтиришга қаратилаётган улкан эътибор сабаб ғалла мустақиллигига эришганимиз, миннатсиз нонимизга эга бўлганимизнинг аҳамиятини бутун дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи муттасил ошиб бораётган бир пайтда янада теранроқ англаб етмоқдамиз. Буларнинг барчаси Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган машҳур беш тамойилдан бири – давлатнинг ўзи бош ислоҳотчи сифатида амалга оширилаётган ишларнинг амалдаги намоёндир.

Президентимиз таъкидлаганидек, озодлик, эркинлик шундай буюк неъматки, уни биров ҳадя қилолмайди, озодликка фақат курашиб эришилади. Аждодларимиз асрлар давомида ҳуррият орзу-умиди билан яшаган ва курашган. Бугунги озодлик ва эркинлик халқимизга қанот бағишлади, унга ўз салоҳияти ва куч-қудратини тўла намоён этиш имконини бермоқда. Бу буюк салоҳият ва имконият ўз истиқлолининг 18 йиллигини нишонлаётган Ватанимиз равнақига хизмат қилмоқда.

Озод РАЖАБОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

МАЛАКА

18 **«Мустақиллик биз учун – ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлиги, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир»**

ИЛҒОР ТАЖРИБА БИЛАН ЯНА САФЛАРГА

Ватанимиз мустақиллиги шарофати билан 1994 йил 15 июлда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси ўзининг навбатдаги битирувчиларини миллий армиямиз сафларига йўллади. Шу муносабат билан 27 июнь куни Қуролли Кучлар Марказий офицерлар саройида тантаналар бўлиб ўтди.



Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Каримов бошчилигида барча бўғиндаги командирларнинг юқори профессионал қобилияти ва малакасини ошириш, уларнинг интеллектуал савиясини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган офицер кадрларни тайёрлашнинг мукаммал тизими яратилди. Бу Қуролли Кучларимиз таркибини сифат жиҳатидан бутунлай ўзгартириш ва уларни бугунги кун талабларига жавоб берадиган, пухта тайёргарликка, замонавий фикрлаш қобилиятига эга бўлган командирлар билан тўлдириш имконини бераяпти. Жумладан, Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган Қуролли Кучлар Академияси офицер кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича нафақат юртимизда, балки Марказий Осиёда ягона ва етакчи таълим муассасаси бўлиб, замон талабларига жавоб берадиган офицер кадрларни танлаб олиш, кўп босқичли тизимда тайёрлаш ва малакасини ошириш, уларда юксак ватанпарварлик, маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш, офицер кадрларни тайёрлашга қаратилган илмий тадқиқотларни ташкил этиш, ҳарбий назария ва амалиёт соҳасида фундаментал тадқиқотлар ўтказиш, мувофиқлаштириш, илмий ҳамда амалий алоқаларни ривожлантириш каби устувор вазифаларни оғишмай амалга ошириб келмоқда. Бу фикрлар Қуролли Кучлар Академияси ўзининг навбатдаги битирувчиларини миллий армиямиз сафларига кузатишига бағишланиб ўтказилган тантанада сўзга чиққанлар томонидан яна бир бор таъкидланди.

Битирув тантанасида Мудофаа вазирлиги ва Қуролли Кучлар Бирлашган штаби раҳбарияти, ҳарбий округлар қўмондонлари, академия ўқитувчилари, битирувчилар ва уларнинг оила аъзолари иштирок этди.

Мудофаа вазири генерал-майор Қ. Бердиев ўз сўзида Президентимиз бошчилигида юртимизда ҳарбий кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва тарбиялашнинг ўзига хос тизими яратилгани боис, миллий армиямизнинг қўмондонлик таркиби бугунги кунда профессионал тайёрланган, интеллектуал савияси юксак, дунёқараши кенг кадрлар билан деярли янгиланиб, шаклланиб бораётганини ва у амалда ижобий самара бераётганини таъкидлади. Академиянинг навбатдаги битирувчилари икки йил давомида олган назарий билимларини қўшинлар жанговар фаолияти ва Қуролли Кучларда олиб борилаётган ислоҳотларни изчил давом эттиришга, Президентимизнинг Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 17 йиллик байрамига бағишланган Мурожаатидан келиб чиқадиган устувор вазифалар ва кўрсатмаларга узвий боғлаб амалга оширувчи янги кучлар бўлиб улар сафига қўшилишига умид билдирди. Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва куч-қудратини юксалтириш, мудофаа тизимини мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий, сиёсий тайёргарлигини янада такомиллаштириш ва бу борада эришилган муваффақиятларни бойитиш, тарбиявий ишлар самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш каби кенг кўламли вазифаларни ҳал қилишда илм-фаннинг илғор тажрибаларига таянувчи фаол офицерлар бўлишга ундади ва бу хизматларида уларга муваффақият тилади.

Шундан сўнг Мудофаа вазирининг Қуролли Кучлар Академияси навбатдаги битирувчиларини лавозимларга тайинлаш тўғрисидаги буйруғи ўқиб эшиттирилди. Битирувчиларга дипломлар тантанали равишда топширилди. Жумладан, таҳсил жараёнларида фаол иштирок этиб, давлат имтиҳонларини фақат аъло баҳоларга топширган саккиз нафар битирувчига имтиёзли дипломлар берилди.

Тантанада сўзга чиққанлар битирувчиларни қутлаб, тингловчиларнинг чуқур билим олиши ва малакаларини оширишида муҳим аҳамиятга эга бўлган моддий-ўқув базани мустаҳкамлаш, ўқитувчилар таркибини тажрибали ва профессионал тайёргарликка эга бўлган мутахассислар билан тўлдириб бориш масалаларига мунтазам эътибор қаратиб келаётган мамлакат ва Мудофаа вазирлиги раҳбариятига чуқур миннатдорчилик билдирди. Бу йилги битирувчилар миллий армиямизга янги билим ва юксак малакага эга офицерлар бўлиб қўшилиши ҳамда академияда олган билимларига таянган ҳолда Қуролли Кучларимиз фаолиятини янада такомиллаштириш, жанговар қобилияти ва жанговар шайлигини ошириш ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишига ишонч билдирди.

Академиядаги таҳсилни аълочилар сафида якунлаган ва имтиёзли диплом олган битирувчи майор Шуҳрат Холмуҳаммедов битирувчилар номидан сўзга чиқиб икки йил давомида кенг кўламда замонавий билимларни эгаллаб, малакаларини оширганликларини таъкидлади.

Тантанали маросим сўнгида битирувчилар эсдалик учун суратга тушишди.

– Академиядаги икки йиллик таҳсил жараёни аввало бизларни замон билан ҳамнафас яшашга, билим ва маҳоратларимизни мунтазам такомиллаштириб боришга, бу борада ўзимизга нисбатан янада талабчан бўлишга ўргатди, – дейди майор Зоҳид Абдураҳимов. – Ўқитувчилар муайян дастур ва йўналишлар бўйича бизларга замонавий ҳарбий билимларни беришди. Академияда Ватан хавфсизлиги, юрт тинчлиги, барқарорликни сақлаш борасида касбий ва ҳаётий тажрибага эга ўқитувчилар кўпчилик. Улардан масъулиятни англаш ва шахсий таркибга етказа билиш борасида ҳам жуда кўп нарсаларни ўргандик, малакамиз ошди. Бу ерда олган билимларимизни ҳаётга татбиқ этишга, қўшинларнинг жанговар ва сиёсий тайёргарлиги самарадорлигини оширишга, қисқача айтганда, Ватанимизнинг ишончли ҳимоясини таъминлашга сарфлаймиз.

– Бугунги тантаналар, бу ерда айтилаётган фикрлар мени ғоят тўлқинлантирди, – дейди битирувчининг отаси Нормат ака. – Юртимиз тинчлиги ва ҳимояси учун камарбаста инсонлар сафида ўғлим ҳам борлигидан фахрландим. Ўғлим қатори билим ва малакаларини ошириб, Ватан ҳимоячилари сафига янги куч бўлиб қўшилаётган барча битирувчиларни бугунги айёмлари билан қутлайман.

Майор Расул ЖУМАЕВ.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

В Школах подготовки сержантов

УКРЕПЛЯЯ ПЕРВИЧНОЕ ЗВЕНО АРМИИ

На днях в Школе подготовки сержантов Ташкентского военного округа состоялся первый выпуск специалистов, подготовленных по воинской специальности командиров боевых групп. Этим самым сделан реальный шаг на пути выполнения большого спектра важных задач, поставленных в праздничном Обращении к защитникам Родины Президента Республики Узбекистан, Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами нашей страны И.А.Каримова.

В Обращении Президента есть такие строки: «Неослабное внимание должно быть уделено работе по дальнейшему совершенствованию организационно-штатной структуры соединений и частей, сокращению и оптимизации дублирующих, малоэффективных структур и офицерских должностей в подразделениях тылового и технического обеспечения, **укомплектованию должностей командиров групп в соединениях и частях сержантским составом.**

Все это должно способствовать кардинальному улучшению организационной структуры, прежде всего в первичном звене армии, усилению роли сержантов в организации качественной боевой подготовки личного состава, повседневной деятельности подразделений, а также повышению эффективности служебной деятельности младшего офицерского состава, системы управления соединениями и частями».

– Выполнение наказа главы государства стало делом чести для всего личного состава, – говорит заместитель начальника ШПС майор Улугбек Ахмедов, – были внесены соответствующие изменения и уточнения в учебные планы и программы, в войсках отобраны наилучшие кандидаты на замещение должности командира группы.

Естественно, среди тех младших сержантов, которые в этот торжественный день получали сертификаты об окончании ШПС, было очень трудно назвать лидеров из лидеров. Но такие военные профессионалы есть – это младшие сержанты Бекмурод Шойматов, Комил Файзиев, Жонибек Тухтаев, Шухрат Соатов, Шокир Нишонов и Музаффар Машарипов, которые получили в день выпуска сертификаты с отличием.

– Я испытываю ни с чем несравнимое чувство гордости за свою Родину и ее трудолюбивый народ, готовящийся скоро торжественно отпраздновать восемнадцатилетнюю годовщину Независимости, – говорит один из выпускников ШПС младший сержант Музаффар Машарипов. – Свои отличные оценки в боевой учебе мы считаем нашим воинским подарком к самой дорогой для каждого гражданина Узбекистана дате.

Преподавательский состав Школы подготовки сержантов вносит весомый личный вклад в укрепление первичного звена армии.

– Не сомневаемся в том, что наши выпускники оправдают высокое доверие Родины, станут настоящими лидерами в своих подразделениях, – говорит начальник цикла ШПС подполковник Ильхом Сагинбаев. – За то время, которое они провели в стенах нашего учебного заведения, мы вложили в дело их обучения и воспитания частицу своей души. И с большим нетерпением будем ждать первых отзывов командования войсковых частей.

В этом есть и чисто прикладной момент. Дело в том, что именно на основе отзывов и пожеланий из войск в преддверии нового набора идет корректировка учебных планов и программ. В вопросе обучения командиров боевых групп из числа сержантского состава своевременные отзывы из частей и подразделений будут очень кстати.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».

МАСТЕРСТВО

ВЕНЕЦ БОЕВОЙ УЧЕБЫ

Учебно-боевые пуски являются венцом боевой подготовки подразделений Войск противовоздушной обороны. Их результат – аттестат зрелости воинов-зенитчиков. Он завоевывается общими усилиями коллектива, его напряженной и систематической работой. Совершение марша в горно-пустынной местности, оборудование полевого лагеря, подготовка к применению в полевых условиях сложной боевой техники потребовали от военнослужащих большого труда и высокого профессионализма.

В ПОСТОЯННОЙ ГОТОВНОСТИ

Главным содержанием всей службы воинов частей и подразделений противовоздушной обороны является их постоянная готовность к немедленным действиям по отражению как пытающихся незаконно проникнуть в воздушное пространство страны отдельных самолетов, так и массированных внезапных налетов авиации. Высокий уровень боевого мастерства и специальной подготовки является важнейшим условием боевой готовности воинов ПВО.

При подготовке к учениям воинов ПВО особое внимание было обращено на личную специальную выучку офицеров, их умение руководить людьми, обнаруживать и устранять неисправности, обеспечивать строгое соблюдение правил техники безопасности. Было организовано изучение требований руководящих документов, изучение опыта эксплуатации техники в полевых условиях, отработаны все необходимые для проведения стрельб карты и документы.

Чтобы умело эксплуатировать и сберегать ракетную технику , приборы управления, различные агрегаты и системы, воины ПВО должны быть подлинными мастерами своего дела, знать основы физики, электроники, математики и информатики постоянно повышать свои знания и научно-технический кругозор. В ходе занятий личный состав всесторонне изучал ракетную технику, осваивал наиболее эффективные способы ее применения, изыскивал пути повышения точности, надежности и сокращения времени подготовки ракет к пускам, добивался безукоризненной слаженности и четкого взаимодействия боевых расчетов.

Каждый военнослужащий понимал, что предстоящие учения будут проходить в условиях реально приближенных к боевым, и всю работу будет необходимо проводить в максимально сжатые сроки. Вот почему решающее значение придавалось глубокому овладении сложной боевой техникой, передовыми приемами и методами подготовки ракет к пуску.

Теоретическая учеба, индивидуальные и комплексные тренировки, занятия на тренажерах дополнялись большой работой командиров и офицеров воспитателей по разъяснение задач предстоящих учений, формированию у воинов высоких морально-боевых и психологических качеств, чувства ответственности за выполнение своего воинского долга.

В ПОЛЕВОМ ЛАГЕРЕ

Проведенное на полигоне, в штабе учений, предварительное заслушивание старшим начальником всех должностных лиц, показало, что всеми подразделениями ПВО проделана большая работа по подготовке к выполнению пусков по воздушным целям. А поскольку проходить они должны в сложных тактических условиях, в обстановке, приближенной к боевой, то и вопросов к командирам и начальникам было немало. И только после того, как все детали предстоящих действий были обсуждены, все неясные вопросы выяснены, подразделения приступили к выполнению учебно-боевой задачи.

Подготовку к пуску ведет весь воинский коллектив, она складывается из различных операций, из которых нет ни одной второстепенной, каждая может оказаться на своем этапе решающей. Необходима равномерная хорошая подготовка во всех звеньях подразделения, при всех, без исключения операциях. Высокая морально-политическая и психологическая подготовленность воинов, их личная боевая выучка и закалка, умение в любых условиях сохранять ракетную технику и оружие в постоянной готовности к действию, дисциплина и организованность - все это обеспечивает успешное выполнение учебно-боевых задач.

Большую роль в подготовке ракет к пуску сыграл личный пример и высокий уровень технических и специальных знаний офицера службы ракетно-артиллерийского вооружения капитана Алексея Вагнера. Не раз показывал высокое мастерство при оборудование позиции водитель инженерной спецмашины младший сержант Атабек Халимов.

В ходе учений высокую оценку получили действия стартовой батареи старшего лейтенанта Дильмурада Бойназарова. На каждом занятии командир старался создать сложную обстановку, практиковал неожиданные вводные, развивая у воинов инициативу, решительность и смелость.

Внесли свой вклад в дело мобилизации личного состава на успешное выполнение учебно-боевых задач майор Фарход Эгамбердыев и капитан Эргаш Курбаниязов и другие офицеры-воспитатели. В полевом лагере была развернута комната общественно-политической информации, своевременно доставлялись газеты, проводились беседы, организовывался показ художественных и документальных фильмов.

С благодарностью вспоминают участники учений и труд повара рядового по контракту Туйчи Абдунабиев, который вместе с остальными работниками тыла прилагал все мастерство, чтобы каждое приготовленное на учениях блюдо было вкусным и сытным.

И вот наступил долгожданный день.

ЕСТЬ ПОПАДАНИЕ!

Приняв сообщение от системы воздушного предупреждения о появлении воздушного «противника», боевой расчет приступил к работе. Офицер наведения старший лейтенант Ойбек Алиев, офицер старта старший лейтенант К. Хатамов, оператор сержант Гайрат Абдумаликов и другие офицеры и сержанты делали все, чтобы поставить победную точку на важнейшем этапе боевой учебы воинов ПВО. Установленные на пусковую установку ракеты, чутко откликались на самое небольшое движение антенны локатора. Они двигались синхронно с ним, словно ощупывая заданный сектор небесного свода.

Самолет сбросил мишень. Светящаяся яркими огнями авиабомба, повисла на парашютах в воздухе, словно переливающаяся гигантская елочная игрушка. На полигоне все замерло. Только порывы ветра нарушали ее, словно природа не торопилась создавать для воинов-зенитчиков идеальные условия для стрельбы.

Стартовая позиция окуталась облаком пыли, и первая ракета серебряной стрелой устремилась к цели. Сначала показалось, что она уходит чуть выше и правее. В самый последний момент, описав замысловатую петлю, грозное творение рук человеческих устремилось в самый центр светящихся огней. Вспыхнувшее белое облачко стало свидетельством, что «противник» поражен.

Через несколько секунд в воздух взлетела вторая ракета. Она поднялась чуть повыше и словно сокол с высоты поразила цель. Есть второе попадание!

ДО СВИДАНИЯ, ПОЛИГОН!

Еще не развеялись в голубом небе белые облачка от взрывов боевых элементов ракет, еще по исчезающему дымному следу можно было проследить их траекторию. А на земле уже вовсю кипела работа: зенитчики получили распоряжение на убытие к местам постоянной дислокации.

На глазах исчезали, словно их здесь никогда и не было, командные и наблюдательные пункты. Только отлично выровненные дороги показывали места, где еще недавно находились технические службы и ракетные огневые позиции. В полевом лагере сворачивались палатки. На мощные машины грузились материально-техническая база и военное имущество. К вечеру протянувшиеся к железнодорожной станции колонны автомашин в последний раз подняли огромные пыльные столбы.

Конечно, в небольшом материале трудно рассказать о всех, кто отличился при проведении стрельб. Чуть позже, при подведении итогов учений старшим начальником было отмечено, что все предъявленные цели были поражены, а всему личному составу, участвовавшему в пусках, была объявлена благодарность. В числе поощренных старшими начальниками командир стартовой батареи старший лейтенант Д Бойназаров, командир секции младший сержант Х. Жумаев, отлично проявивший себя на марше водитель младший сержант Б. Мардонов и многие другие военнослужащие.

С отличным настроением покидали полигон участники учений. Каждый предвкушал радостную встречу с родными и близкими. Им есть что рассказать, вспоминая те радостные минуты, когда их труд завершался мощным разрывом боеголовки ракеты в самом центре мишени.

Они с честью выполнили свой воинский долг, наглядно доказав, что мирное небо над Узбекистаном находится под надежной защитой.

В. НИКОЛАЕВ
Фото **Бахрома АБДУРАХИМОВА.**

АБИТУРИЕНТ – 2009

ҲАРБИЙ КАСБГА МУНОСИБЛАР САРАЛАНМОҚДА

Шу кунларда жойларда келажагини ҳарбий касб билан боғлашни ихтиёр этган йигитлар орасидан муносибларини саралаб олишнинг сўнгги босқичи – касбий-руҳий танлов жараёни кечмоқда. Бу босқичдан ҳам муваффақиятли ўтган номзодлар олий ҳарбий билим юртларига ҳужжат топширган абитуриентлар сифатида 10 июлда амалга ошириладиган тест синовларига қўйилади.

Офицерлик – шарафли ва ўз навбатида масъулиятли касб. У кишидан соғломлик, баркамоллик, қатъият, матонат талаб этиши боис, бу касбни эгаллаш учун фақат истак-хоҳишнинг ўзи камлик қилади. Олий ҳарбий билим юртларига ўқишга кирмоқчи бўлганлар жисмоний, тиббий, руҳий кўрик, текширув ва танловлардан ўтиши зарур.

Маълумки, олий ҳарбий билим юртларига ўқишга кирмоқчи бўлганлар орасидан энг сара, муносиб ўғлонларни танлаб, саралаб олиш жараёни йил бошиданоқ жойлардаги мудофаа ишлари бўлимларида йўлга қўйилган эди. Тегишли синов шартларидан муваффақиятли ўтган номзодлар сўнгра мудофаа ишлари бошқармаларида кўрикдан ўтказилди. Улар бу босқичларда жисмоний, тиббий, руҳий кўрик-танловларда сараланди. Айни кунларда олий ҳарбий билим юртлари базасида ўтказилаётган касбий-руҳий танловларда эса номзодларнинг, яъни бўлажак курсантларнинг руҳий сифатлари, ҳолати, ўзи танлаган ҳарбий йўналиш талабларига қанчалар мос келиши аниқланиб, улар сараланмоқда. Касбий текширувни турли округлардан келган округ ҳарбий касбий-танлов бўлинмалари вакиллари – мутахассис-руҳшунослар олиб бормоқда. Биз Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртида бўлиб, касбий-руҳий танлов жараёни билан танишдик.

– Аввалги босқичлардан ўтиб келган номзодлар бу босқичда ҳам аввало қисқа профилли, яъни шу босқич шартларига узвий боғлиқ равишдаги тиббий ва жисмоний кўрикдан ўтказилмоқда. Ундан ўтган номзодлар касбий-руҳий танловга қўйилаяпти, – дейди Тошкент ҳарбий округи касбий-танлов бўлинмаси офицери Нигматулла Аралов. – Ушбу текширувда номзодлар Мудофаа вазирлигининг тегишли мутахассислари томонидан тайёрланган тест усулидаги тўртта қисмдан иборат вазифани бажариши лозим. Унинг натижалари бизга номзодларнинг дунёқараши, ростгўйлиги, фикрини аниқ ва равшан ифодалай билиш қобилияти, ўзи танлаган ҳарбий йўналишга қанчалар мослиги ва лаёқати, турли хил вазиятларни англаши ва тўғри хулосага кела билиши каби кўп жиҳатларни аниқлаб олиш имконини беради. Бу услубият ўзидан-ўзи пайдо бўлгани йўқ, балки жаҳонга машҳур бир қатор психологлар томонидан қўлланилган ва амалиётда синаб кўрилган илғор тажрибаларга таянилган ҳолда, мазкур тест усулидаги вазифалар ишлаб чиқилди. Касбий-руҳий танловдан ўтганлар 10 июлда амалга ошириладиган тест синовларига қўйилади.

– Касбий-руҳий танловгача етиб келган номзодларга аввало танлов шартлари ва уни бажариш бўйича кераклича тушунтириш берилаяпти, – дейди мутахассис-руҳшунос капитан Акбар Бекмирзаев. – Номзодлар тезда вазифаларни бажаришга киришиб кетишаяпти, бу уларнинг офицерлик касбини эгаллашга бўлган иштиёқи баландлигидан далолат. Биз бундан хурсандмиз, қолаверса вазифа моҳиятини зудлик билан англай билиш ҳам бўлғуси офицер учун зарурий сифат.

Бу фикрлар ҳақиқатга қанчалик яқинлигини билиш мақсадида касбий-руҳий танлов бўйича шартларни бажариб бўлган номзодларни суҳбатга чорладик.

– Мен оддий ишчи оиласида вояга етдим. Оиламизда ёки яқин қариндошларимдан ҳеч бири ҳарбий касб эгаси эмас, – дейди иштихонлик Феруз Эрназаров. – Мактабда ўқиб юрган пайтларимда «Ватанимга хизмат қиламан» деган кўрсатувни қолдирмай кўриб борардим. Ўша пайтларда ҳарбий касбга пайдо бўлган қизиқиш ва ҳавас, чегарачилар қисмида аскар бўлиб хизмат қилганимда орзуга айланди ва қатъий қарорга келдим – мен, албатта, офицер бўламан. Бугунги синов ва текширув шартларини бажариш офицер бўлишни ўз олдига аниқ мақсад қилиб қўйганлар учун мураккаб эмас.

– Отам – тракторчи, онам – уй бекаси. Отам ҳарбий касбни танлаганимни эшитиб, «Болам, яна бир ўйлаб кўр. Ўзбекнинг нимаси кўп – тўй, маъракаси кўп. Ҳарбий бўлсанг, тўй-ҳашамларнинг барчасида қатнашолмайсан, бизлардан узилиб қоласанми? Онанг ҳар замонда бир келишингга чидармикин?» дедилар. Отамни яхши биламан, у киши менинг қарорим нечоғли қатъийлигини билиш учун ҳам атайлаб илмоқ ташладилар. Мен эса, «Ахир ўзингиз, ҳаётда нимагадир эришиш учун нимадандир воз кечиш керак, дер эдингиз-ку», дедим. Шунда отам мени бағрига босиб, қарорим билан қутлади. «Баракалла ўғлим, сендан шу жавобни кутган эдим», деб суюндилар. Буни сизга айтишимга сабаб, мен кураш бўйича, каратэ бўйича вилоят, республика босқичларида совриндор бўлганман. Бу муваффақиятларга тинмай шуғулланиш, ўз устимда мунтазам ишлаш орқали эришганман. Аскарлик бурчимни ўтаган пайтларим, мен кўп нарсани тушундим. Ватан тинчлиги, унинг ишончли ҳимояси – бу халқ тинчлиги, оила хотиржамлиги ва хурсандчилиги эканлигини, Ватан равнақи – бу турмуш фаровонлиги, дастурхонимиз тўкин-сочинлиги эканлигини янада чуқурроқ, теранроқ англадим. Шунинг учун ҳам офицерликни шарафли касб дейишар экан. Офицерлик – мардлар касби. Мен бу орзумга, албатта, етишаман.

Ватан ҳимоячиси бўлиш истагидаги ёшларнинг суҳбати, аниқроғи орзуси рўёбга ошиши учун улардаги интилиш, қатъий фикрлилик... тўғриси бизни ҳайратга солди. Улар танлов ва тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, курсантлар сафига қўшилишига, келгусида Ватанимизнинг муносиб офицерлари бўлиб камол топишига тилакдошмиз.

Майор Р. ЭРМУҲАММАД.
Шуҳрат ШОДИЕВ олган суратлар.

КЕЧА АСКАР ЭДИ, ЭРТАГА ОФИЦЕР

Ҳарбий хизматнинг нуфузи ортиб, тобора фахр-ифтихорли соҳага айланиб бормоқда. Бугун армия сафларига йигитлар турли кўрик-танловлар асосида саралаб олинянти. Шу боис муддатли ҳарбий хизматга бориш учун ёшлар пухта тайёргарлик кўришмоқда. Саралар ичра сара, жисмонан ва маънан етук, интеллектуал савияси юксак, ҳар томонлама муносибларгагина посбон бўлиш насиб этяпти. Бу эса мустақилликдан кейин юртимизда ҳарбий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бераётганидан далолат. Ҳарбий хизматга чоғланаётган ҳар бир ёш бугун ўз халқи ва мамлакатининг тинчлиги, осойишталигини таъминлаш учун хизмат қилишини чуқур ҳис этади. Қолаверса, ҳарбий хизмат йигитларнинг чиниқиб, ўз билим ва ҳаётий тажрибаларини оширишда ҳам муҳим рол ўйнайди. Айнан шу омиллар йигитлар ўртасида армиянинг нуфузи ошиб бораётганлигининг сабабларидандир.

Дониёрбек Ҳабибуллаев ҳарбий хизматни артиллериячилар қисмида ўтаган. У дўстларига, укаларига армия ҳаёти ҳақида кўп гапиради. Чунки у ҳам ҳарбий хизматни йигитларни маънан ва жисмонан чиниқтирувчи ҳаёт мактаби деб билади. Дониёрбек ҳарбий қисмда нафақат ҳарб илмидан сабоқ олди, балки жисмонан ва маънан катта синовдан ўтди. Энг асосийси, қалбида шарафли соҳага нисбатан кучли қизиқиш пайдо бўлди. Шу боисдан ҳам ўз келажагини ҳарбийлик билан боғлашга қарор қилди. У эндиликда Чирчиқ олий танк қўмондонлик муҳандислик билим юртига ўқишга киришни мақсад қилиб қўйган.

– Киндик қонимиз томган жонажон Ватанимизни ҳимоя қилиш ҳар бир йигит учун катта шараф ва масъулиятли вазифа ҳисобланади, – дейди Дониёрбек биз билан суҳбатда. – Армия сафларида хизмат қилиб жуда кўп нарсани ўргандим. Тартиб-интизом, бурчга садоқат, масъулият ҳисси каби жиҳатлар жанговар ҳаётда мени тоблади. Ҳарбий хизматни ўташ олдимда турган энг олий мақсадларимдан бири эди. Ушбу ниятимга етдим. Энди эса ҳарбий билим юртига ўқишга кирмоқчиман. Шунинг учун армияда ҳам билимимни бойитиб бордим. Ҳарбий хизматда қўлга киритган тавсияномам ҳам курсантлар сафига қўшилишимга катта ёрдам беради. Келажакда офицер бўлиб, тинчлик ва осойишталикни таъминлашга ўз ҳиссамни қўшишдан асло толмайман.

Ҳарбийликка иштиёқи баланд Дониёрбек ўз навбатида устозларнинг ишончини оқлаш, қолаверса, эзгу мақсадига эришиш йўлида астойдил ҳаракат қилмоқда. Шу боис мустақил тайёргарликка ҳам алоҳида эътибор бермоқда.

Дониёр оиланинг кенжа фарзанди. Ота-онаси унинг бу қарорини хушнудлик билан қабул қилишди, улар ўғилларининг мамлакатимиз учун керакли инсон бўлишидан бошлари кўкка етди.

– Армия фарзандимнинг камолотида катта рол ўйнади, унда мардлик, шижоат каби фазилатларни шакллантирди, – дейди Жамила опа Ҳабибуллаева. – Буни унинг хатти-ҳаракатларидан, ундаги ўзгаришдан сезиш мумкин. Дониёржонининг ҳарбий хизматчи бўлмоқчи эканлигини эшитиб, жуда хурсанд бўлдик. Энг муҳими, унга берган тарбиямиз беиз кетмаганидан мамнунмиз.

Оилада ўғил фарзанд туғилса, отанинг боши осмонга етади, наслим давомчиси туғилди, деб қувонади. Она эса қўрғонимнинг яна бир ҳимоячиси, оила ориятини баланд тутувчи паҳлавоним дунёга келди, дея кўкси осмон қадар юксалади. Маҳалла-кўй, ёру биродар, қариндош-уруғлар эса юрт ўғлони туғилди, дея ота-она қувончига шерик бўлишади. Дарҳақиқат, ўғил фарзанд юрт боласи. У юртнинг ҳимоячиси, эл тинчлиги, ҳаёт фаровонлиги, қалъа бутунлиги учун доимо хизматга шай бўлиб туради. Токи бола қалбида Ватан туйғуси, унга бўлган муҳаббат ва садоқат аланга олса, тинчлик ва осойишталик ҳам барқарор бўлади. Ана шу туйғуни ҳис этган ўғлон ҳар қандай вазиятда ҳам юрт учун кўксини қалқон қилади. Биз Дониёрбекнинг юртнинг ишончли посбони бўлишига тилакдошмиз ва бу йўлда унга омад ва муваффақият ёр бўлсин, деб қоламиз.

Гулнора МУРОДОВА.

ASKAR

«ASKAR ONALARINI SHARAFLAYMIZ»

Tunlari kipriklariga uyqu qo‘nmay farzandining tepasida alla aytgan, beshikda shirin uxlayotgan bolakay tushida jilmayganda unga qarab quvongan ayolning chehrasidagi shodlikni ko‘rganmisiz? Yoki bo‘lmasa, kamolga yetgan jigarbandlaridagi qat’iyatga mahliyo bo‘lgan ayol tabassumidagi haroratni his qila olasizmi? Ha, shu daqiqalarda ayolning baxtini, quvonchini hech bir narsaga qiyoslab bo‘lmaydi. Chunki ayol uchun farzand kamolini ko‘rishdan ortiq baxt yo‘q dunyoda. Markaziy ofitserlar saroyida bo‘lib o‘tgan tadbirga yig‘ilgan onalarga, ularning mehr balqib turgan yuzlariga boqib mana shunday beqiyos baxt sururini sezish qiyin emas.

Ayol deganda ko‘z oldimizda, avvalo, Ona siymosi namoyon bo‘ladi. Barchamizni dunyoga keltirgan, o‘zining mehr-muhabbati bilan qalbimizga ezgulik urug‘ini qadagan munis onalarimizni qancha ko‘p ulug‘lasak arziydi. «Askar onalarini sharaflaymiz» deb nomlangan mazkur tadbir Toshkent harbiy okrugi hamda Toshkent shahar va viloyati xotin-qizlar qo‘mitasi bilan hamkorlikda tashkil qilingan bo‘lib, unda askar onalari, harbiy xizmatchilar, davlat va jamoat tashkilotlari vakillari ishtirok etdilar.

Tadbir avvalida Toshkent harbiy okrugi mas’ul ofitseri A. Muinov so‘zga chiqib, jumladan shunday dedi:

– Vataniga, xalqiga xizmat qilish har bir inson uchun muqaddas va sharafli burch sanaladi. Bu ezgu tuyg‘uning yigit kishi qalbida shakllanishida oilaning, ota-onaning tarbiyasi muhim ahamiyat kasb etadi. Sizning bag‘ringizda o‘sib-ulg‘aygan farzandlaringiz bugun el koriga yaraydigan, yurt yukiga yelka tutadigan yoshga yetishib, ayni paytda yurtimizning turli hududlarida Vatan oldidagi muqaddas burchlarini ado etishmoqda. Bunda esa sizning mehringiz, muhabbatingiz ularga ulkan qanot bo‘layapti, desak mubolag‘a bo‘lmaydi. Harbiy qismlarda ularning xizmatni a’lo darajada ado etishlari uchun barcha sharoitlar muhayyo. Ko‘rsatilayotgan bunday e’tiborga javoban ular ham xizmat davomida mardlik, jasurlik fazilatlarini namoyon qilishmoqda. Mana shunday farzandlarni kamolga yetkazganingiz uchun sizlarga minnatdorchilik bildiramiz.

Toshkent viloyati xotin-qizlar qo‘mitasi raisining o‘rinbosari Muhabbat Shoyusupova hamda Toshkent shahar mudofaa ishlar boshqarmasi mas’ul ofitseri Doniyor Begaliyevning Qurolli Kuchlarimizda amalga oshirilayotgan islohotlarning mazmun-mohiyati, harbiy qismlarda askarlar uchun yaratilayotgan shart-sharoitlar shu bilan birga armiya hayotining er yigit hayotida tutgan o‘rni xususidagi fikr-mulohazalari ham yig‘ilganlarda katta taassurot qoldirdi.

Shundan so‘ng okrug harbiy qismlaridan biridagi muddatli harbiy xizmatchilarning yashash sharoiti, ijtimoiy-siyosiy va jangovar tayyorgarlik mashg‘ulotlari, oziq-ovqat, kiyim-kechak ta’minoti, askar oshxonasidagi shart-sharoitlar aks ettirilgan videolavhalar namoyish etildi.

Respublikamizning turli hududlarida yigitlik burchini o‘tayotgan askarlarning ekran orqali o‘z volidai muhtaramalariga yo‘llagan tabriklari esa ular uchun kutilmagan sovg‘a bo‘ldi, desak yanglishmaymiz. Ekranda harbiy libos kiygan o‘g‘lonining sog‘inchli salomini eshitgan onalarning quvonchini so‘z bilan ta’riflash mushkul.

Havoniso Rahimboyeva o‘g‘li Davronbekni xizmatga kuzatayotib, uning qaddi-qomati, shijoat yog‘ilib turgan harakatlarini ko‘rib quvongandi. Garchi, bir yil uzoq muddat bo‘lmasa ham ota-ona uchun farzandidan, jigarbandidan yiroqda bo‘lgan har kun yanada uzaygandek tuyiladi. Shunday bo‘lsada, Havoniso opa farzandining tinchligimizga posbon bo‘layotganidan faxrlanib, unga oq yo‘l tilagandi. Bugun u muddatli harbiy xizmatni o‘tayotgan farzandini ekranda ko‘rib, qalbida iftixor hissini tuydi.

– Judayam xursandman, – deydi u biz bilan suhbatda. – O‘g‘limning jangovar xizmatda toblangan yuz-ko‘zlariga, kuch-g‘ayrat yog‘ilib turgan bo‘yi-bastiga qarab ko‘zlarim to‘ymadi. Nazarimda, yanayam ko‘rkamlashib, salobatli bo‘lgandek. Harbiy xizmatga qadar o‘g‘lim Toshkent iqtisodiyot kollejida tahsil olgandi. Lekin uning yoshlikdan harbiy xizmatga mehri bo‘lakcha. Yoshlikdagi havas bugun qat’iy maqsadga aylandi. Shu boisdan ham xizmatni tamomlab, harbiy bilim yurtiga o‘qishga kirmoqchi. Oila a’zolarimiz bilan uning maqsadini qo‘llab-quvvatlaymiz. Zero, Vatan himoyasiga otlanish har bir er yigitning eng oliy va muqaddas burchidir. Burchga sodiqlik Vataniga, xalqiga sodiqlikdan dalolat. Shunday ekan, men o‘g‘lim bilan faxrlanaman.

– Bahorda o‘g‘lim Farruh Eshmatov muddatli harbiy xizmatga chaqirildi, – deydi yana bir askar onasi Lola opa Eshmatova. – Bundan men ham, barcha oila a’zolarimiz ham behad xursand bo‘ldik. Chunki har bir ota-ona o‘z farzandi el-yurt koriga yaraydigan bo‘lganidan sevinadi, albatta. Biroz vaqt o‘tib, uning Harbiy qasamyod qabul qilish tantanalarida ishtirok etdik. Bu voqeaga ham uch oydan ortiq vaqt bo‘ldi. Bugun katta ekranda o‘g‘limning o‘z yaqinlariga yo‘llagan salomini eshitib, to‘lqinlanib ketdim. Qarang, qisqa vaqt ichida o‘g‘limda katta o‘zgarish bo‘libdi. Farzandimning harbiy libosi o‘ziga yarashibdi, gap-so‘zlaridan o‘ziga ishonch aks etib turibdi. Ekran orqali farzandlarimiz uchun yaratilgan shart-sharoitlarni ko‘rib, rostini aytsam, ko‘nglim tog‘dek ko‘tarildi, xursand bo‘ldim. Ko‘rkam va shinam yotoqxonalar, maishiy xizmat ko‘rsatish, dam olish xonalaridagi qulayliklar men kabi boshqa askar onalarining ham ko‘nglini shod etdi. Bir so‘z bilan aytganda, farzandlarimiz ham ma’nan, ham jismonan kamol topishlari uchun barcha imkoniyatlar muhayyo ekan.

Tadbir nihoyasida Qurolli Kuchlar Markaziy ashula va raqs ansambli tomonidan tayyorlangan musiqiy dastur yig‘ilganlar e’tiboriga havola etildi. Sho‘x kuy-qo‘shiqlar, raqslar barchaga ko‘tarinki ruh bag‘ishladi.

Shartnoma bo‘yicha xizmat oddiy askari Gulnora HOJIMURODOVA.
Bahrom ABDURAHIMOV suratga olgan.

UNUTILMAS TANTANA

Kuni kecha safarbarlik chaqiruvi rezervi xizmatining navbatdagi oylik yig‘iniga jalb etilgan fuqarolar Harbiy qasamyod qabul qilishdi. Yigitlarning sodiqlikdan ont ichishiga bag‘ishlangan shunday marosimlardan biri Toshkent harbiy okrugida ham bo‘lib o‘tdi.

Harbiy qism qo‘mondonligi, davlat va jamoat tashkilotlari vakillari, ota-onalar ishtirok etgan tadbirda so‘zga chiqqanlar qasamyod qabul qilganlarni qutlar ekan, o‘zlarining eng ezgu tilaklarini bildirdilar.

– O‘g‘lim hayotidagi hayajonli voqeaga guvoh bo‘ldim, – deydi Oysanam Raimova. – Uning xursandchiligini, yigit kishi sifatida yanada ulg‘aygani va kamol topganini ko‘rib, nihoyatda sevinyapman.

– Farzandlarimizning ko‘ngildagidek xizmat qilishi, jismonan kamol topishi va bilimlarini oshirishi uchun yaratilgan shart-sharoitlar barcha qatori biz – ota-onalarni ham quvontirdi, – deydi Tog‘ay Abdurasulov.

Ofitser Sherzod Ataxanovning ta’kidlashicha, harbiy xizmatning ushbu turi o‘ziga xosligi va qulayligi sabab, xalqimiz orasida nufuzi ortmoqda. Qolaversa, oylik yig‘iniga jalb etiluvchi fuqarolarga qo‘yilayotgan yuqori talablar ham xizmat sifatini oshiryapti.

– Oylik yig‘in menda katta taassurot qoldirmoqda, – deydi Toshkent moliya instituti bitiruvchisi Ikrom Boqiyev. – Ayniqsa, harbiycha tadbirlarda bevosita ishtirok etish kishini ruhlantirish barobarida unga kuch bag‘ishlaydi ham. Masalan, bugungi tantanani har birimiz uzoq vaqtgacha yodga olishimizga shubham yo‘q.

– Bu yerda ko‘p narsalarni o‘rgandim va harbiylik kasbiga, Vatan himoyachilariga hurmatim oshdi, – deydi Sherzod Xudoynazarov. – O‘tilgan har bir mashg‘ulotning o‘z o‘rni va ahamiyati borligini tushungan holda ularda faol qatnashishga, ilg‘orlar qatorida bo‘lishga intildim. Komandirlar bergan yo‘l-yo‘riqlar sabab, bunga erishdim. O‘ylaymanki, harbiy xizmatda orttirilgan ko‘nikmalar kelgusi faoliyatimda asqotadi.

Katta leytenant To‘lqin JUMANAZAROV,
«Vatanparvar» muxbiri.

ОИЛА ГУЛШАНИ

МУҲАББАТ БИРЛАШТИРГАН УМРЛАР

Саҳнада ёқимли мусиқа янгради. Миллий либос, ҳарир ёпинчиқда даврага чиққан гўзал келинчак, оқ яктагу шоҳи белбоғда, бошдаги дўпписи ўзига ярашган норғул йигит тадбир иштирокчиларига тавозе билан таъзим бажо келтирди. Бу кўриниш «Намунали ҳарбий оила» кўрик-танлови республика босқичининг «Саломлашув» шартидан бир лавҳа. Танловда «Юрт учун умримиз, жонимиз фидо» шиори остида қатнашган сержант Сарвар Ғаниевлар оиласи ушбу нуфузли беллашувда ҳар томонлама ўзига хослиги билан ажралиб турди. Айниқса, оила бекаси Шоҳистахоннинг ҳаётда учраб турадиган муаммоларни саҳнада ўта таъсирли ҳолатда талқин этиши, ўзи ижод қилган шеърларини маҳорат ила ўқиши, барчанинг диққатини тортди.

Саҳардан очилган ҳар остонага,
Кўкдан фаришталар тушади меҳмон.
Қуёшга тик боқиб турибди ҳамон.
Отамнинг кифтида кексайган кетмон…
Қишлоқ ҳовучингда улғаяди бахт,
Болаларинг султон, ўзингдирсан тахт.
Пойдеворинг метин, синчларинг сабр,
Сенда ҳар мавжудлик топади қадр.

Кўрик-танловда ёш оила ўнта рақобатчи билан беллашиб III ўринни қўлга киритгани ҳам уларнинг қай даражада иқтидорли эканлигидан далолат.

Инсон яралибдики, ишқ савдоси у билан бирга. Бу сеҳрли туйғу сиздан ижозат сўрамай қалбингизга ташриф буюради-ю, кўнгил мулкингизни, туйғуларингизни ўзиники қилиб олади. Сизни хоҳлаган кўйига солади. Шимоли-ғарбий ҳарбий округда хизмат қилаётган қашқадарёлик ўғлон водий гўзалига ишқи тушди-ю, тинчини йўқотди.

– Ўшанда мустақиллик байрами эди, – дея эслайди Шоҳистахон илк учрашувлари ҳақида сўз кетар экан. – Фарғона шаҳрининг гавжум хиёбонига байрамни нишонлаш учун чиққан эдик. Сарвар акам билан мана шу илк учрашув тақдир йўлларимизни белгилади.

Шоҳистахон «тақдир» сўзига енгилгина урғу бериб ўтган бўлса-да, аслида тақдир йўлларининг бирлашиши осон кечмади. Ўғилларининг суйган қизини олиб беришга аҳд қилган Ёрбобо ака ва Ҳиматой опалар Қашқадарёнинг Китобидан Фарғонанинг Риштон туманига икки йил давомида астойдил қатнашларига тўғри келди. Ниҳоят Муроджон ака ва Санобархон опалар тўйга рози бўлишди.

Аслида, Муроджон аканинг «енгилишига» ҳарбий касбнинг ҳурмат ва нуфузи сабаб бўлди, десак янгилишмаймиз. Яъни, юрагининг парчаси бўлган севимли қизини бағридан йироқлатишни истамаган ота ҳузурига Сарвар хизмат қилаётган ҳарбий қисм командири ташриф буюрди. Командирнинг қўл остидаги ҳар томонлама ишончли, тоғни урса талқон қиладиган йигит ҳақидаги таърифу тавсифи таъсир қилди чоғи, бу масала ижобий ҳал этилди. Шундай қилиб воҳаю водий удумлари бирлашган ҳолда икки ёшнинг тўйи бўлиб ўтди. Айни дамда оилани қувончга тўлдирган Шоҳназарбек уч ёшни қаршилаяпти.

Фарзандларига ўз ўрнида таянч, масъулиятли кунда бирга бўлиш учун Қашқадарёдан кўрик-танловга етиб келган Ҳиматой опани суҳбатга тортаман:

– Беш нафар ўғлимиз бор. Сарварбек ҳарбий соҳани танлаганида қувондик. Юрт тинчлигига камарбаста бўлган фарзандинг борлигига нима етсин. Шоҳистахонни эса келиним эмас, қизим дейман доим. У Қашқадарё удумларини жуда тез эгаллади. Расм-русум яъни, маҳаллий анъаналар дейсизми, каштачилик, тикувчилик дейсизми, барчасини меҳр билан ўрганиб келаяпти. Ҳозирда икки ёш Фарғона шаҳрида истиқомат қилишаяпти. Уларнинг бахтини кўриб дилдан қувонаман. Чунки фарзандининг бахти ота-онанинг бахтидир.

Ҳа, кўз ўнгида ўғил-қизларининг униб-ўсиши ҳар бир инсон учун катта бахт. Айни дамда сержант Сарвар Ғаниев ҳарбий қисмнинг намунали ҳарбий хизматчиларидан бўлса, Шоҳистахон Толипова вилоят телерадиокомпаниясининг ижтимоий-сиёсий масалалар бўлими муҳаррири. Яқинда у вилоят миқёсида йилнинг энг яхши журналисти мақомига эга бўлгани намунали ҳарбий оила бекасининг ижодкорлик бобида ҳам катта имкониятларга эга эканлигидан далолат.

Юқорида келтириб ўтганимиздек, унинг ижодкорлик қирралари кўрик-танлов давомида барчанинг эътиборида бўлди. Биз Сарвар билан дилдан суҳбатлаша олмадик. Акс ҳолда, у севимли оиласи, суйган ёри ҳақида фақат дилга яқин фикрлар билдириб ўтган бўлармиди.

Сўзимизни Шоҳистахоннинг гўзал шеъри ила якунлашни лозим топдик.

Йўқ, мени тошларга тенгламанг,
Тунларга тенглашиб йиғламанг.
Термулиб жонимни тиғламанг,
Мен сизни абадий севаман.
Йилларнинг тортиғи ҳижрондир,
Ҳижроннинг тортиғи армондир.
Сизсизлик азобдир, ёмондир,
Мен сизни абадий севаман …
Юзингизнинг тафти юзимда мангу,
Бир жуфт оташ нигоҳ кўзимда мангу,
Исмингиз юрагим, сўзимда мангу,
Мен сизни абадий севаман …

ҲАРБИЙ ОИЛАЛАРГА МУНОСИБ ТАЯНЧ

Ҳарбий қисм ва муассасаларда фаолият юритаётган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлинмалари бугун ўз ўрни, мавқеига эга. Чунки бўлинма етакчилари ҳар бир хонадон билан яқиндан мулоқотда бўлиб, оила муҳитини яхши тушунган ҳолда, уларга ҳар томонлама таянч бўлиб келмоқда.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини, яшаш шароитларини яхшилашга доир таклифлар билан чиқиш ҳам уларнинг зиммасидаги вазифалардан бири. Бўлинма етакчиларига юклатилган бундай вазифалар борасида узоқ тўхталиш мумкин.

«Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тизимидаги ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлимлари фаолияти тўғрисида»ги низомда буларнинг барчаси белгилаб қўйилган. Энг асосийси, эса ишлар самарадорлигидир. Биз Шимоли-ғарбий ҳарбий округда бўлганимизда ҳарбий қисм ва муассасаларда ташкил этилган бўлинмалар фаолияти билан ҳам яқиндан танишдик.

Азира Бекембетованинг қисм ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлинмасига етакчилик қилаётганига кўп бўлгани йўқ. Бироқ ҳарбий қисмда фаолият юритаётган қайси бир Ватан ҳимоячисининг оиласи ҳақида тўхталмайлик, етарли даражада фикр билдириб ўтиши бизни эътиборсиз қолдирмади. Шундан кўриниб турибдики, бўлинма бошлиғи ўз йўналишида астойдил фаолият юритаяпти. Бу борадаги ишлар билан яқиндан танишар эканмиз, юртимизнинг турли ҳудудларидан ҳарбий хонадонлар сафига келиб қўшилган ёш оилаларга шароитга мослашишлари учун яқиндан ёрдам кўрсатиш, руҳий мадад бериш, қўни-қўшничилик муносабатларини шакллантириш, ҳаёт тажрибасига эга, чевар ҳарбий оила бекаларини оила, бола тарбияси бобида уларга маслаҳатгўй ва етакчи қилиб қўйишга муҳим эътибор қаратилаётганини ҳис қилдик.

– Ҳарбий хизматчиларимизнинг деярли барчаси ҳарбий шаҳарчада истиқомат қилишади. Айтмоқчиманки, уларнинг хонадонлари билан яқиндан танишиш, мулоқотда бўлиш, зарурат туғилганда уларни дарҳол йиғиб суҳбат ўтказиш учун етарли шароит ва имконият мавжуд, – дейди Азира фаолияти ҳақида сўз юритар экан. – Ватан ҳимоячилари аввало, қатъиятли, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган инсонлар. Оилалари ҳам шунга мос албатта. Оила бекаларини эгаллаган касб-ҳунарлари бўйича ишга жойлаш ёки ҳунар эгаллашлари учун замин яратиш, фарзандларини спорт тўгаракларига жалб этиш каби бир қатор йўналишларда уларга яқиндан ёрдам беришга ҳаракат қилаяпмиз. Ҳар қандай оилада муаммолар туғилиши бор гап. Уни ўз ўрнида, ижобий ҳал этиш шубҳасизки оила бошлиқларининг қўлида. Бироқ шундай ҳоллар бўладики, уларга ўгит ва маслаҳат беришимизга тўғри келади. Бундай пайтда тажрибали ҳарбий оила бекалари менга яқиндан ёрдамчи, кўмакдошлар. Тадбирлар ҳақида тўхталадиган бўлсам, ҳар бир байрамда тантаналарни ҳарбий оилалар иштирокида ўтказишга ҳаракат қилаяпмиз. Шунингдек, оила нуфузини асраш, хонадонда аёлнинг ўрни, бола тарбиясига эътибор, қўни-қўшничилик муносабатларини тўғри йўлга қўйиш каби бир қатор йўналишларда тадбирлар, давра суҳбатлари ташкил этишни режалаштирганмиз ва буларни навбати билан амалга ошириб келаяпмиз. Ҳарбий шаҳарчамизда намунали, иқтидорли оилалар кўпчиликни ташкил этади. Мана, яқинда кичик сержант Пердебай Қаипназаровлар оиласи «Намунали ҳарбий оила» кўрик-танловининг республика босқичида II ўрин ғолиблигини қўлга киритди.

Умуман олганда, бўлинмамиз томонидан олиб борилаётган ишлар самараси, ҳар бир саъй-ҳаракатимиз ҳарбий оилаларга яқиндан таянч бўлишга қаратилган.

Оила – жамият кўрки, юрт таянчи. Ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлинмалари зиммасига эса янада салмоқлироқ вазифалар юкланган. Бу вазифалар бўлинма етакчиларидан билим ва иқтидор, тинимсиз ҳаракат ва ўз ўрнида тадбиркорлик талаб этади. Азира Бекембетованинг кенг қанровли фаолияти эса бунга яққол мисолдир.

Саҳифани "Ватанпарвар" мухбири Зулфия ЮНУСОВА тайёрлади.

МАСЛАҲАТ

СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин бошқа соҳаларда бўлгани каби суд-ҳуқуқ тизимида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилди. Кечаётган ушбу ислоҳотлар замирида адолат тамойилларига асосланган демократик ҳуқуқий жамият қуриш, халқ фаровонлигини ошириш, инсон манфаатларини олий қадрият даражасига кўтариш, ҳар бир фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашдек эзгу мақсадлар мужассам. Бугун фуқаролар суд ҳокимиятини фақат жазолаш, жазога тортиш институти сифатида эмас, балки ўз ҳаётий муаммоларини одил баҳоловчи орган сифатида билишмоқда. Бу эса суд ҳокимиятининг борган сари кишиларнинг ҳуқуқий таянчига айланишига сабаб бўлмоқда. Қуйида биз суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида жиноят қонунчилигига киритилган ўзгартиришлар хусусида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида жиноят қонунчилигига киритилган ўзгартишлар тўрт босқичга бўлиниб, биринчи босқичда (1991–1995 йиллар) суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг миллий стратегияси белгилаб олинди, ҳуқуқий асослари яратилди. Шунингдек, жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, биринчи марта мамлакатимизда Конституциявий суд таъсис этилди. 1995 йил 1 апрелдан Жиноят кодекси кучга кирди. Янги амалга киритилган Жиноят кодексида ўлим жазосини кўзда тутувчи 33 та модда 13 та моддагача қисқартирилди.

Ислоҳотларнинг иккинчи босқичида (1996 – 1999 йиллар) мавжуд тажриба ва қонунчиликни таҳлил қилиш асосида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасидаги ишлар янада чуқурлаштирилди. Бу жараёнда, яъни 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида ўлим жазоси 8 та моддада қолдирилди.

Суд-ҳуқуқ тизимининг янада такомиллаштирилиши (2000–2004 йиллар) учинчи босқични ўз ичига олди. Бу жараёнда жиноий жазоларни либераллаштириш натижасида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида жиноятларнинг туркумларига ўзгартиришлар киритилиб, унда ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига қатор жиноятлар ўтказилди, 7 турдаги ўта оғир жиноятлар оғир жиноятлар туркумига, 12 турдаги оғир жиноятлар унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига ўтказилди. Ўз ўрнида бу ўзгартишлар жазони ўташ режимига таъсир кўрсатиб, жазони енгилроғи билан алмаштириш, уни ўташдан шартли озод қилиш имконини берди. Шунингдек, иқтисодий жиноятлар содир қилган шахсларга нисбатан иқтисодий таъсир чораларини қўллаш кенгайтирилди, Жиноят кодексининг 5 та моддасига моддий зарар тўлиқ қопланган тақдирда судлар томонидан озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўлламасликлари ҳақида меъёр киритилди. Жиноят кодексининг 8 та моддасида кўзда тутилган ўлим жазоси фақат 4 та моддада қолдирилди. Бундан ташқари, жиноий жазо сифатида мол-мулкни мусодара қилиш тартиби жиноят қонунчилигидан чиқариб ташланди.

Яна шу даврда вояга етмаганлар, аёллар ва кексаларга нисбатан қўлланиладиган жазо тизими янгиланиб, бир қатор ўзгаришлар жорий қилинди. Жиноят процессуал кодексида жиноий ишларни тергов қилиш ва судда кўриш тартиби бир мунча соддалаштирилди, тергов қилиш ва қамоқда сақлаш муддати 9 ойдан ошмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига яна бир янгилик, яъни ярашув институти алоҳида 61-боб сифатида киритилди. Унда ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган шахс, агар муқаддам судланмаган бўлса, ўз айбига иқрор бўлса, етказган зарарни тўласа, жабрланувчи билан ярашса, суд ишни ҳаракатдан тўхтатади. Бу ҳолатда ўша шахс судланган ҳисобланмайди.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг тўртинчи босқичида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги (2005 йил 1 август) ҳамда «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги (2005 йил 8 август) Фармонлари қабул қилинди. 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси батамом Жиноят кодексининг жазо тизимидан чиқариб ташланди.

Амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўриниб турибдики, юртимизда жиноят қонунчилиги тобора мустаҳкамланмоқда. Зеро, суд ҳокимияти, одил судлов ва қонун устуворлигини таъминлаш мамлакатимиз ривожи, халқимизнинг фаровон турмуш тарзи кафолатидир.

Жамшид ВАСИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма прокурори.

«ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИМИЗ»

«Биз фарзандларимизни табиатимизга ёт ва зарарли бўлган таъсирлардан ҳимоя қилишимиз, уларни ҳаётга, ён-атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган, мустақил фикрлайдиган, ийманэътиқодли, баркамол инсонлар этиб тарбиялашимиз лозим», деган эди Президентимиз ўзининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида. Зеро, ёш авлодни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, уларнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан дахлдорлик ҳиссини ошириш орқали келажаги порлоқ юрт пойдевори учун мустаҳкам тамал тоши қўйилади. Шу боисдан ҳам бугун барча ўқув муассасалари, маҳаллалар, корхона ва ташкилотларда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни бугунги кунниинг глобал муаммоларидан бири бўлган гиёҳвандлик балосидан сақлаш мақсадида турли тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Тошкент ҳарбий округидаги ҳарбий қисмлардан бирида бўлиб ўтган «Гиёҳвандликка қарши курашнинг долзарб вазифалари» мавзуидаги маънавий-маърифий тадбир ҳам ана шундай эзгу мақсадга йўналтирилганлиги билан қимматлидир. Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида ташкил қилинган мазкур тадбирда ҳарбий хизматчилар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар.

Тадбир аввалида Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази илмий услубий бўлими мудири Убайдулло Олтинов сўзга чиқиб, гиёҳвандлик, унга ружу қўйишнинг мудҳиш оқибатлари, бугунги кунда ушбу муаммога дунёдаги барча давлатлар дуч келаётгани, гиёҳвандликнинг мамлакат хавфсизлиги ва барқарорлиги учун нечоғлик катта хавф эканлиги хусусида гапирди. Шу билан бирга мамлакатимизда гиёҳвандликка қарши олиб борилаётган ишлар, уларнинг мазмун-моҳиятига ҳам атрофлича тўхталиб ўтди. Шундан сўнг гиёҳвандликнинг олдини олиш ва унга қарши курашнинг профилактик йўллари ҳақида Тошкент шаҳар наркология диспансери шифокори Жўра Тоировнинг «Гиёҳвандликка қаршимиз – соғлом турмуш тарафдоримиз» мавзусидаги маърузаси тингланди. У ўз маърузасида гиёҳвандлик моддаларининг организмга кучли таъсир этувчи заҳар эканлиги, уни кўп истеъмол қилиш оқибатида ОИТС, гепатит ва бир қанча қон билан юқадиган касалликларнинг келиб чиқаётгани, нима учун бу иллатга кўпроқ ўсмир ёшидаги болаларнинг чалиниб қолаётгани ҳақида фикр юритиб, ўз мулоҳазаларини ҳаётий мисоллар билан тўлдирди.

Республика ОИТСга қарши кураш маркази шифокори Абдувоҳид Норматов ҳамда Республика Маънавият тарғибот маркази ижтимоий-сиёсий тарғибот бўлими мудири, шоира Ҳалима Жуманиёзованинг «ОИТС профилактикаси» ва «Маънавият – инсонни комилликка етаклайдиган беқиёс куч» мавзуларидаги маърузалари ҳам йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Маънавий-маърифий тадбир қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлди. Иштирокчилар томонидан берилган саволларга мутахассислар атрофлича жавоб беришди. Тадбир ниҳоясида гиёҳвандлик домига тушиб қолган инсонларнинг аянчли тақдиридан ҳикоя қилувчи «Қил устида» видеофильми намойиш этилди.

Г. МУРОДОВА.

Табиат ва биз

ЯШИЛ БОЙЛИК – УМУМХАЛҚ МУЛКИ

Ҳозирги пайтда сайёрамизнинг 30 фоиз қисмини ўрмонлар ташкил этади. 4 млрд. гектар майдондан иборат бўлган бу табиат бойлиги асосан 5 та давлат: Бразилия, Ҳиндистон, Россия, Канада, Америка ҳудудларида жойлашган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, дарахтлар тарқатаётган ифор ва улар ишлаб чиқараётган тоза кислород кишиларга қувват бағишлаб, мия фаолиятини тетиклаштиришга ёрдам беради.

Дунё ўрмонлари! Инсонлар ҳаётига чамбарчас боғлиқ бўлган, уларнинг кундалик эҳтиёжлари учун озиқ-овқат, бошпана етказиб берувчи беминнат табиат инъоми. Афсуски, одамзотнинг табиатга шафқатсиз муносабати натижасида ўрмонлар ҳам йилдан-йилга қисқариб бораяпти. БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ташкилоти (FAO)нинг маълумотларига кўра, ўрмонлар ҳар йили 1 миллион 800 минг гектарга қисқарятти. Мисли кислород манбаи бўлган ўрмонларни сақлаб қолиш ва қайта тиклаш, уларни келажак авлодларга етказиш бугуннинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб турибди.

Ўрмон хўжалиги бош бошқармасининг маълумотларига қараганда, бугун мамлакатимизда 8,7 миллион гектар ўрмонзорлар мавжуд бўлиб, бу юртимиз умумий ер майдонининг 19,8 фоизини ташкил этади. Ўзбекистон ўрмонлари асосан табиий мувозанатни сақлаш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш вазифасини бажаргани боис давлат ҳимоясига олинган.

– Ўзбекистонда ўрмонзорларни ривожлантириш ҳаракати ўтган асрнинг 80-йилларидан бошланган, – дейди Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Муродбек Ғаниев. – Мамлакатимиз мустақилликка эришиб, бозор муносабатларига ўтиши, табиий бойликларимиздан оқилона фойдаланиш ва уларни такрор ишлаб чиқариш давлатимиз олдидаги муҳим вазифалардан бирига айланди. Юртимиз ҳудуди асосан сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик воҳаларидан иборат бўлгани сабабли ҳам сув мувозанатини тартибга солиш, иқлим ва атмосфера таркибини шакллантириш, тупроқ унумдорлигини ошириш ва уни эрозиядан сақлашда ўрмонларнинг аҳамияти катта.

Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси таркибига кирувчи 67 та ўрмон хўжалиги, 6 та қўриқхона, 6 та овчилик хўжалиги ва Зомин миллий табиат боғи ходимлари томонидан бугун тез ўсувчи, ёғочбоп дарахтлар етиштириш йўлга қўйилди. Ҳозирги вақтда республикамиз бўйича 42 минг гектардан ортиқ майдонда янги ўрмонлар барпо этилмоқда, уларнинг 80 фоизидан ортиғи чўл ҳудудларидадир. Оролнинг 2,5 миллион гектардан иборат қуриган тубида ҳар йили 18-20 минг гектар майдонда ихота ўрмонлари барпо этилаяпти. Кейинги 13-14 йил ичида 300 минг гектар майдонда ана шундай экинзорлар пайдо бўлди. Натижада чанг, туз ва қумнинг зарарли зарралари ҳавога кўтарилишининг қисман олди олинди. Мавжуд жами ўрмонзорларнинг 563,9 минг гектари сунъий равишда яратилган.

Республикамиз аҳолисининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиб, ҳозирги кунда ўрмон хўжалиги тизимида 500 хилдан ортиқ озиқ-овқат маҳсулотлари ва доривор гиёҳлар етиштирилмоқда. Ихтисослаштирилган ўрмон хўжаликларида 35 турдан ортиқ: кинза, базилик, шивит, зира, анзур пиёзи, каврак, наъматак сингари бир йиллик ва кўп йиллик доривор ўсимликлар тайёрланаётган бўлса, 36 минг гектар ёнғоқзор ва 30 минг гектар пистазорларда қуруқ мевалар етиштирилмоқда. Ўрмонларимиз асосан ҳимоялаш вазифасини бажарганлиги боис саноатда аслида ёғоч-тахта тайёрлаш амалга оширилмайди. Шунга қарамай, ҳар йили турли кўринишдаги кесишлар ҳисобидан 40 минг куб метр ёғоч-тахта тайёрланади. Шунингдек, улардан 60 турдан ортиқ маиший ва хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Айни пайтда ўрмончилик соҳасида ҳам талай муаммолар мавжуд. Энг асосийси инсоннинг табиатга ваҳшиёна муносабатда бўлаётганидир. Жойларда ўрмонларимизнинг ноёб дарахти, тоғларимиз кўрки – арчаларни аёвсиз кесиш, ўрмонда ишлаш, дам олиш вақтида хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик натижасида келиб чиқувчи ёнғинлар бот-бот такрорланиб турибди. Статистик маълумотларга кўра, 10 та ўрмон ёнғинидан 3 тасига одамлар айбдор бўларкан. Бундай ҳолатларга баъзи ўрмончиларимизнинг ўзлари ҳам сабабчи эканликлари ачинарли ҳол. Ушбу муаммоларнинг олдини олиш мақсадида кейинги йилларда ўрмончилик соҳасида қатор қонун ва қарорлар қабул қилиндики, бу марказлашган режали тизимдан бозор муносабатларига ўтиш ҳамда иқтисодий ва молиявий барқарорликка эришиш йўлида ўрмон хўжалигида вужудга келган иқтисодий қийинчиликларни бартараф этишга ёрдам бермоқда.

Юртимизнинг қайси бир гўшасига борманг, шаҳар кўчаларини айланар экансиз, бир текисда экилган турли хилдаги дарахтларни кўриб, кўзингиз қувнайди. Бу ўрмончилик соҳасининг яна бир тури, шаҳар ўрмончилиги маҳсулидир. Республикамиз ўрмон фондининг 24,83 минг гектарини шаҳар ўрмонлари ва боғлар ташкил этади. Аксарият йирик шаҳарларимизда боғлар, дам олиш масканлари, санаторийлар ташкил этилиб, уларда иложи борича манзарали дарахтлар барпо этишга ҳаракат қилинаяпти. Чунки улар шаҳарларда шовқин даражасини камайтиради, атроф-муҳитга тарқалаётган турли микробларга қарши фитонцидлар ишлаб чиқаради, инсон саломатлиги ва ўзини бардам ҳис қилиши учун муаттар ҳидлар таратади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, дарахтлар орасида арча энг кўп фитонцид ишлаб чиқарар экан. 1 гектардаги арча 30 килограммгача фитонцид етказиб беради. Бу йирик шаҳарлар ҳавосидаги микробларни йўқ қилишга етарлидир.

– Кейинги йилларда шаҳарларимизни кўкаламзорлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги таҳсинга сазовор, – дейди Республика манзарали боғдорчилик илмий-ишлаб чиқариш марказининг илмий ходими Ёқубжон Мусаев. – Кўчаларимизда, хиёбонларимизда бир текисда ўсган турли манзарали дарахтлар баҳридилингизни очади. Дарахтларнинг бу каби кўкка бўй чўзишида соҳада хизмат қилаётган инсонларнинг меҳнати беқиёс. Аммо айрим шаҳарларимизда дарахтларга шакл бериш ишлари тўғри йўлга қўйилмаган. Оқибатда дарахтларнинг тўғри келган томонини, ўзига қулай бўлган жойини кесиш ҳоллари учрамоқда. Аслида дарахт ҳам тирик организм. Унинг "ошқозон"ини бузиб қўйсак, у қандай қилиб озиқланиши мумкин. Дарахтларнинг ҳар бир шохи маълум бир функцияни бажаради. Шу боис шакл беришда ниҳоятда эҳтиёткор бўлиш даркор. Акс ҳолда зарарланиб, қуриб қолиши ҳеч гап эмас.

Хулоса қилиб айтганда, тобора глобаллашиб бораётган озиқ-овқат муаммоси ва озон қатламининг емирилиб бориши бизга беминнат кислород ва кундалик эҳтиёж моллари етказиб бераётган ўрмонзорларимизни асрашни даврнинг ўзи тақозо этаяпти. Фарзанд кўрса, ният қилиб қирқ туп кўчат экиш каби халқимизга хос эзгу фазилатларни ўсиб келаётган ёш авлод онгига янада чуқурроқ сингдириш, ёшларни табиатга оқилона муносабатда бўлишга ўргатиш бугун ҳар қачонгидан ҳам зарур бўлиб турибди. Зотан, қилаётган ишимизга табиатнинг қаҳри келмасин.

Қаҳрамон САЙДАЛИЕВ.

ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИ

ЎТГАН КУНЛАР АРМОНИ

(воқеий ҳикоя)



Сафарбой умрининг сўнгги кунларини яшаяпти. Уни олти ой аввал кўрган одам бирдан таний олмаслиги аниқ. Вужудини эгаллаган бедаво дард туфайли чўпи-устихонга айланган гавдаси кейинги икки-уч кун ичида тўшакка бутунлай михланиб қолди. Бироқ яшашга бўлган интилиш, яшашга бўлган иштиёқ унинг тийрак кўзларини тарк этмаган. Аммо беҳоллик енгиб, кўзи юмилди дегунча, вилоят раҳбарининг ранги кўкарган қиёфада «буни тезда қамоққа тиқинг», деган сўзи қулоғи остида жаранглаб, чўчиб уйғониб кетар, ўтган воқеаларни эслашга юраги безиларди. У нимада хато қилди? Нимада, ҳамон англай олмасди.

Сафарбойнинг суяги меҳнатда қотган. Қишлоқ боласи бўлганлиги учун ерга эрта меҳр қўйган йигит шу соҳада сиртдан таълим олиб, дастлаб жамоа хўжалигида табелчи, кейинчалик бригадирлик вазифасида ишлади. Пахтачилик илмининг миришкори, меҳнаткаш ва фидойилиги сабаб тез орада туманга танилди. Унинг етакчилигидаги жамоа пахта топшириш режасини вилоятда ҳам биринчи бўлиб бажарганлиги учун номи республика газеталаридан тушмасди. Жамоа хўжалигининг қолоқ бригадасига бошчи қилиб қўйса ҳам тажрибаси ва тиниб-тинчимаслиги омад келтирарди унга. Хотини Ҳайитгулнинг:

– Фақат далани ўйлаб, уйингизни эсдан чиқариб қўйманг, дадаси, – деган нолишига:

– Халқимиз фаровон ҳаёт қуришга ҳаракат қиляпти-ю, сен уй, бола-чақа, дейсан-а. Давлатимизга бунинг учун бизнинг меҳнатимиз, бизнинг пахтамиз зарур, – дея қатъий жавоб қайтарарди Сафарбой.

Ўн битта болага бош бўлиб турган аёлини ҳам даладан қолмаслигини истарди у.

Шундай кунлардан бирида унинг бригадасига жамоа хўжалиги раиси келди. Сафарбой билан далаларни айланиб чиқди. Охирги чопиқдан чиққан шода-шода кўсакли ғўзалар тўкин хирмондан далолат бериб турарди. Бу мўл ҳосилда ўзининг ҳам катта ҳиссаси борлигини эслатиб қўйгиси келдими ёки раиснинг пахтачиликдаги тажрибаси бригадирникидан юқори эканлигини исботлашни истадими, ҳар қалай раҳбар ғўзаларга янги ишлов бериш юзасидан Сафарбойга буйруқ берди:

– Мана бу ўн гектарликни бир ҳафта суғоришдан тўхтатинглар. Ғўзаларнинг кўсагидан кўра барги ривожланиб кетибди.

– Бу ер намни ўзида узоқ сақлолмайди. Агар бир ҳафта сувдан қолса, ғўзаларнинг янги шоналари тўкилиб кетиши мумкин, – эътироз билдирди бригадир.

Ўн беш йил давомида жамоа хўжалигини барча бригадаларига бошчилик қилиб чиққан Сафарбой ҳамма ернинг ўзига хос хусусиятларини яхши билишини раис англаб турган бўлсада, раҳбар сифатида сўзидан қайтгиси келмади. Ўртада тортишув бўлиб ўтди, раис буйруғи бажарилмади.

Тез орада, қаҳрамонга айланиб «бурни осмонга кўтарилиб кетган» бригадирнинг муҳокамаси туман раҳбари ва унинг яқин одами бўлмиш жамоа хўжалиги раиси ўртасида кўриб чиқилди. Ўзбошимча бригадирнинг попугини пасайтириб қўйиш чораси белгиланди.

– Узоғи билан ўн кун ичида вилоят раҳбари туманимизга келади. Албатта, колхозингизга олиб бораман. Сиз у ёғини тезда тўғрилаб қўйинг.

– Буйруғингизни шу бугуноқ қойиллатаман, – қўлини кўксига қўйиб, таъзим қилди раис.

Эртасигаёқ Сафарбой минг бир сабаб билан энг қолоқ бригадага бошчи қилиб ўтказилди. Куз яқинлашиб, ҳосил тақдири ҳал бўлиб қолган бир пайтда, яхши ишлов берилмаган, баъзи пайкаллардаги ўт босиб кетган нимжон ғўзаларни ўнглаб олиш осон иш эмасди. Бироқ ўтган иш учун раиснинг шу усулда ўч олганлигини ўзича тушунган йигит ортга чекинмади. Меҳнатда пишган, полвонсифат, кенг яғринли гавдасига мос шижоатини ишга солди. «Ҳукуматимиз ўн беш йилдан буён ордену медаллар билан тақдирлайди мени. Бу ҳурмат, бу ишончга, албатта лойиқ бўлишим керак», ўзининг хаёлларидан руҳланиб, тун билан куннинг фарқига бормай меҳнат қиларди, бригадир.

Ўша кунги машъум воқеа ҳамон эсида. Колхозга, шунингдек, Сафарбойнинг бригадасига ҳам вилоят раҳбарининг келиш хабари етказилди. Қолоқ бригадада эндигина иш бошлаган йигит бир оз шошиб қолди. Дала шийпони тартибга келтирилди, шийпонга келиш йўлларига сув сепиб чиқилди. Ҳарқалай шу атрофдаги ерларга биринчи бўлиб ишлов беришни унутмаганди, у. Шунинг учун кўнгли бир оз хотиржам тортди. Аммо ҳаммаси ўйлаганидан ўзгача бўлиб чиқди. Тушга яқин шошилиб келган раис ҳайдовчиси:

– Тез бўлинг, вилоят раҳбари бошчилигидаги комиссия аъзолари бригадангизнинг энг чекка ерини текширишаяпти, – дея уни олиб кетди.

Сафарбой етиб борганида бир қатор енгил машиналар дала йўлида тизилиб турар, ўн-ўн беш чоғлик қора шляпалигу милиция формасида раҳбар ҳамроҳлари пайкал ичида ғўзаларнинг аҳволини кўздан кечиришарди. Бу ер бригаданинг энг оғир аҳволдаги пахта майдони эканлиги, ишлов бериш навбати ҳали бу ерга етиб келмаганлигини ўйлаб, унинг оёқ-қўллари бўшашиб кетди. Бригадирга кўзи тушган вилоят раҳбари ундан изоҳ ҳам талаб қилмай нафратини тўкиб солди:

– Далани қай аҳволга келтириб қўйдинг, нонкўр?

Салом-алик ўрнида айтилган бу заҳарханда гапга жавобан Сафарбой ҳолатни тушунтирмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган ҳам эдики, жамоа хўжалиги раиси унга «гап қайтарма» ишорасини қилди.

– Пахтанинг душмани давлатимиз душмани, халқимиз душмани. Тезда қамоққа тиқинг бу мунофиқни, – қатъий буйруқ берди раҳбар...

Сўроқсиз, жавобсиз яқин беш ой маҳкумликда ўтирган Сафарбойни яқинлари минг бир ҳаракату югур-югур билан оғир дардга чалинган ҳолатда қамоқдан чиқариб олишди. Бироқ йигит учун ўн йилга татиган бу жазо ўзининг шафқатсиз ҳукмини бажариб улгурган эди.

Сафарбойнинг хаёлини ташқаридан бир-бирини қувалашиб, чопқиллаб кириб келган ўғилчалари бўлиб юборди. Иккови қандайдир ўйинчоқни талашиб, тортиша кетишди. Оналарининг:

– Дадаларингнинг олдида шовқин қилманглар, кўряпсизлар-ку, мазалари йўқ, – дея ҳай-ҳайлашига ҳам парво қилмасди улар.

Болаларига тинмай дакки бераётган хотинини Сафарбой олдига чақирди.

– Болаларни уришаверма, улар ҳали гўдак-ку. Шуларнинг суннат тўйини қилиб бериш ҳам бўйнимда қарз кетадиганга ўхшайди, – беҳол гап бошлади у.

– Дадаси, ёшингиз ҳали қирққа бормай туриб, чолларнинг гапини гапирасиз-а. Бу дардларни кўрмагандек бўлиб кетасиз ҳадемай, – ўпкаси тўлиб унинг сўзини бўлди Ҳайитгул.

– Сандиқдаги сенга берган омонатимни ол, – хотинининг сўзига эътибор қилмай гапини давом эттирди Сафарбой. – Ўша тугунча ичида болаларбоп ўйинчоқлар бор эди.

Ҳайитгул бир оз ўйланиб турди-да, эрининг нима ҳақда гапираётганлигини тушунди. У сандиқ устини кўрпалардан бўшатиб, Сафарбой учун ниҳоятда азиз ва қимматбаҳо бўлган тугунчани олди ва эрининг ишораси билан уни ечди. Тугунча ичидаги ордену медалларни кўрган тўрт ва уч ёшдаги ўғилчалари тортишиб турган ўйинчоқларини ҳам ташлаб, оналари ёнига шошилишди.

– Уларни болаларимнинг ўртасига қўй, ўйнашсин, – деди аста Сафарбой.

Бир ҳовуч бу «ялтироқ ўйинчоқ»ларни кўрган болаларнинг кўзлари чақнаб кетди. Улар тенг бўлишиб олган орден ва медалларни кўкракларига тақиб кўришга ҳаракат қилишар, бир-бирларига тинмай мақтанишарди.

– Мана, меникида расми бор.

– Сеникидан барибир меники чиройли, қуёш билан пахтанинг расми ялтираяпти...

Сафарбой ётган жойида уларнинг ҳаракатини кузатиб, маъюс жилмайди. Фарзандларига охирги марта қачон ўйинчоқ олиб берганлигини эслашга ҳаракат қилди. Йўқ, эслай олмади. Ортида қолаётган, каттаси эндигина ўн еттига ўтган ўн бир фарзандининг келажагини ўйлаб, кўксида нимадир узилгандек бўлди, гўё. Аччиқ ёшга тўлган кўзларини маъюс юмди...

ҲАР ДАҚИҚАГА МИНГ ШУКРОНА

– Бувижон, қаранг сизнинг чокингизга оз бўлса-да ўхшадими? – Шоиста ая эндигина ўн ёшни қаршилаётган набираси Назокатнинг меҳр билан тўн қавиётганини кўриб, майин жилмайди. Керакли маслаҳатлар бериб, бошини аста силаб қўйди. «Қонда бори юзага чиқади, деб шуни айтишар экан-да», хаёлидан ўтказди у. «Бу тенгқур қизалоқлар ҳозир енгил-елпи уй юмушлари-ю дарс қилиш билан банд. У эса қўли бўшади, дегунча тўн тикишга ҳаракат қилади. Ахир ўзи ҳам шу ёшда онасидан тўнчиликнинг кўп қирраларини эгаллаб улгурган эди-ку, фақат у замонлар бошқа эди», оғир хўрсинди ая. Унинг хаёли беихтиёр ўтган қайғули кунларга уланди...

– Қизим, эҳтиёт бўлгин. Чинор тагига бориб, тўпларни очишингдан аввал атрофга яхшилаб назар сол, ҳадик билан қайта-қайта тайинлади Меҳри хола қизига.

– Яна текширувчиларнинг қўлига тушиб қолмагин, кўнглим нимагадир жуда ғаш.

– Ойижон, намунча битта сўзни такрорладингиз? Нима, мен сизга ёш боламидим? Яқинда ўн саккизга тўламан, – онасининг сўзини бўлди Шоиста. – Буюртмачилар кутиб турган бўлса керак. Ҳар галгидек тўпларни топшираман-у пулини олиб, тезда ортга қайтаман, – у тугунни кўтардию ташқарига шошилди. Меҳри хола ортидан «эҳтиёт бўл, жон қизим, эҳтиёт бўл», деганча қолаверди.

Шоиста гавжум бозорни оралаб, чеккадаги чинор тагига қараб юрди. «Буюртмачилар шу атрофда бўлса керак», атрофга аланглади у. «Чунки тўпларни айнан белгиланган вақтда олиб чиқишимизни улар билади».

Кўп ўтмай келишган йигит онаси билан бирга унинг олдида пайдо бўлди.

– Келдингизми, қизим? Сал эртароқ келган эканмиз, бироз кутиб қолдик. Куёв тўнни мана шу ўғлимга «заказ» қилган эдимда. Қани, бир кийиб кўрсин-чи!

Ниҳоятда бежирим тикилган банорас тўн йигитга қуйиб қўйгандек яраша. Аёлнинг беихтиёр чиройи очилди.

– Онангизнинг чеварлигини таърифлаганларича бор экан. Қўллари дард кўрмасин, топганлари яхшиликка буюрсин, – аёл қайта-қайта миннатдорчилик билдириб, Шоистага тўпнинг пулини тутқазди.

Кўп ўтмай қолган учта буюртмачи ҳам олдинма-кетин етиб келишди. Тўпларни шошилиб, эгаларига танлаб бераётган қиз эҳтиётсизликни унутди.

– Бу ерда нима бўлаяпти ўзи? – дўриллаган ёқимсиз товушдан Шоиста сергак тортди. Атрофини ўраб турган уч-тўрт чоғлик ички ишлар ходимини кўриб, вужудини титроқ босди. – Хусусий мулкчилик жиноят эканлигини била туриб, неча бор огоҳлантиришимизга қарамай яна шу иш билан шуғулланаяпсанларми? Энди жарима билан қутулиб бўпсанлар. Тўн сотиб олаётганлар ҳам гувоҳлик беришади. Қани, ашёвий далил сифатида мана бу эскилик сарқитларини олиб, биз билан маҳкамага юр, – тўпларни оёғи билан титиб, текшириб кўрган бўлди улардан бири.

Ҳозиргина чеварлиги сабаб мақтов эшитиб, кўзлари чақнаб турган қиз бу муомаладан бир зумда ўзини йўқотиб қўйди, кўзлари ёшга тўлди. Шу онда кўкдан тушгандек олдида онаси Меҳри хола пайдо бўлди.

– Қизимнинг бу ишга дахли йўқ, уни қўйиб юборинглар. Бунга мана мен жавоб бераман, – қизини аста орқага суриб, унга «бу ердан тезда кет», ишорасини қилди она.

Хаёли шу ерга етганда кўксида оғриқ сезди, Шоиста ая. Мана, неча йиллар ўтса ҳам ўтган ишларни эслади, дегунча кўксида оғриқ туради. Чунки ўша кунги машъум воқеадан сўнг онасига олти ойлик қамоқ жазоси белгиланди. Таниш-билиш, қариндош-уруғлар ҳам бу ишнинг ўртасига туша олишмади.

– Бу ишга ҳеч ким аралаша олмайди, – илтимос қилиб борганларни ҳатто хонасига яқинлаштирмади ҳудудий милиция бўлими бошлиғи. – Улар юқоридан келган буйруққа асосан қўлга олинган. Хонадонларида хусусий мулкчилик билан шуғулланишаётгани аниқланиб, юқорига етказилган. Ким ўртага тушса, у ҳам жиноятга шерик ҳисобланади.

Шу орада суд бўлиб ўтди. Онасининг судда айтган илтижоли сўзлари ҳамон ёдида:

– Турмуш ўртоғим ногирон. Тўққизта болани ногиронлик нафақаси билан боқиш осон эмас. Рўзғорга таянч бўлиш учун шу ишга қўл урган эдим. Наҳот, тўн тикиб сотиш гуноҳ бўлса, яхшилар...

Онасининг гапини ўзгача тушунган, яъни замондан норозиликка йўйган суд ҳайъати бошқаларга ўрнак бўлиш учун Меҳри опага жазо муддатини белгилади.

Онаси олти ойда қамоқдан озод этилди. Аммо ўтган мана шу вақт онла ҳаётида энг оғир кунлар бўлди. Меҳри опа эса яқин ўн ёшга қариб қайтди.

Шоистани севиб, еру кўкка ишонмай совчи қўйиб турган йигит хонадони улардан бутунлай юз ўгирди. Маҳалла-қўйда ҳам майда-чуйда, фисқу фасод гаплар кўпайгач, улар бошқа жойга кўчиб кетишга мажбур бўлишди...

«Мана, шундай замонлар ҳам келар экан-ку. Бу ҳур, дорулмон кунларнинг ҳар дақиқаси учун минг шукурона келтирсак, арзийди», бенхтиёр чиройи очилди Шоиста аянинг ва «Ўзингга беадад шукур», деди овоз чиқариб. Афсуски, бу даврларни онаси кўра олмай кетди. Аммо унинг сеҳрли бармоқларидаги қудрат бугун қизлари, набираларида бўй кўрсатиб турибди. Бугун уларнинг тиккан тўну чопонларига ҳар бир харидору буюртмачи онасига билдирилган илиқ гапларни айтиб кетишади. Шоиста ая ҳаёллардан бўшаб, ўрнидан қўзғалди. Ахир бозордаги хусусий дўконларига қизлари, келинлари ва шогирдлари билан бирга яна қанча тўн тайёрлаши керак ҳали...

Зулфия НОСИРЖОН қизи.

ҲАРБИЙ ТЕХНИКА

ҲАМОН ЖАНГОВАР САФДА

Австриянинг қуруқликдаги қўшинлари ҳарбий техникаси таркибига кирувчи M88A1 русумли зирҳли таъмирлаш-эвакуация машинаси (ЗТЭМ) АҚШнинг BMY компанияси мутахассислари томонидан M60A1 танки ҳамда M88 русумли зирҳли машина асосида яратилган. 1975 йилдан 1989 йилгача бўлган давр мобайнида M88 ва M88A1 модификациясидаги машиналардан 3500 та ишлаб чиқарилган. Мазкур машина жанг майдонидан шикастланган ҳарбий техникани эвакуация қилиш (шу жумладан, душман ўт очиб турган вақтда ҳам), дала шароитларида уни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш, шунингдек, юк ортиб-тушириш ва бошқа шу каби ишларни бажариш учун мўлжалланган.

M88A1 русумли зирҳли таъмирлаш-эвакуация машинасининг асосий техник-тактик тавсифлари қуйидагича: экипаж 4 кишидан иборат, машинанинг жанговар оғирлиги 50,8 тонна, максимал ҳаракатланиш тезлиги (шоссе бўйлаб) соатига 42 км, шоссе бўйлаб юриш захираси 450 км, ёқилғи баклари сиғими 1514 литр. Машина 6 тоннадан 40 тоннагача юкни кўтара оладиган кранга эга. ЗТЭМ қуввати 750 от кучига тенг бўлган дизель двигатели билан жиҳозланган. Қуввати 11 от кучига тенг бўлган ёрдамчи дизель двигатели машинанинг асосий двигатели ўчирилган вақтда турли ишлар бажарилишини таъминлайди. Мазкур машинага 12,7 мм.ли зенит пулемёти ўрнатилган бўлиб, у 500-1000 м узоқликдаги ер усти ва 1500 м узоқликдаги ҳаво нишонларига қарата самарали ўқ узишга мўлжалланган. Машина ўқ ва снаряд ҳамда мина парчаларига қарши зирҳланган. M88A1 1988 йилдан буён Австрия қуруқликдаги қўшинлари ҳарбий техникаси таркибида.

ДЛЯ ПОВЫШЕНИЯ ОГНЕВОЙ МОЩИ

Германская компания «Рейн-Металл Дефенс» разрабатывает двухместную модульную башенную установку с электрическим приводом, которая получила название «Ланс». По мнению ее экспертов, она может быть использована для повышения огневой мощи существующих БМП при их модернизации. На ней могут монтироваться пушки различного калибра (от 25- до 40- мм) основных фирм-производителей, выпускающих такое вооружение. В частности, на опытном образце, проходящем испытания, разместили новую полностью стабилизированную 30-мм пушку с двухсторонней подачей боеприпасов «Маузер МК 30-2АВМ», а также спаренный 7,62- мм пулемет MG3. При стрельбе из пушки возможно применение снарядов с программируемым взрывателем и готовыми поражающими элементами. Для наведения оружия командир применяет стабилизированный оптоэлектронный прицел (с левой стороны башни спереди), а наводчик-оператор использует перископ, включающий стабилизированную цветную камеру с высоким разрешением и тепловизор. Имеется также конструктивная возможность размещать на башне пусковые установки ПТУР и дымовых гранат.



ИККИТА СТВОЛДАН ИБОРАТ

«Денел» компанияси мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган NTW-20 русумли йирик калибрли снайпер милтиғи 1998 йилдан буён Жанубий Африка Республикаси қуролли кучларида фойдаланиб келинмоқда. У енгил зирҳли нишонлар, душманнинг тирик кучига қарши кураш олиб бориш, шунингдек, аэродромлардаги самолёт ва вертолётларни сафдан чиқариш учун мўлжалланган. Милтиқ комплектига иккита алмашинувчи ствол киради. Улардан биринчиси 20х83,5 мм ҳамда 20х110 мм калибрли ўқ-дорилар (оддий, зирҳтешар-ёндирувчи) билан ўқ узишга мўлжалланган. Максимал отиш узоқлиги 1300 м, ўқнинг бошланғич тезлиги 720 м/с. Иккинчи ствол 14,5х114 мм калибрли ўқ-дори билан ўт очишга мўлжалланган бўлиб, бунда отиш узоқлиги 1800 м, ўқнинг дастлабки тезлиги 1080 м/с.ни ташкил этади. Бир стволни иккинчи ствол билан алмаштириш учун 30 сония вақт кифоя. Снайпер комплектининг жанговар оғирлиги 31,5 кг, жанговар расчёт – 2 киши. Оптик нишонга олгич 8^x катталаштириш каррасига эга, кўриш майдони бурчаги 56 даражага тенг.

ПРЕДСТАВЛЕН МАКЕТ НОВОГО БЛА

Британская компания «БАэ системз» представила на авиасалоне в Фарнборо (Великобритания) макет беспилотного летательного аппарата «Мантис» (Mantis). Согласно заявлениям разработчиков, этот БЛА должен составить конкуренцию американскому многоцелевому аппарату MQ-9A «Рипер», который используется в настоящее время ВВС США и Великобритании в Афганистане и Ираке для ведения разведки и поражения различных наземных целей. «Мантис» будет также способен нести ракетно-бомбовое вооружение. Осуществляемая совместно с министерством обороны Великобритании программа создания БЛА призвана продемонстрировать потенциал аэрокосмической промышленности страны в этой сфере, достаточный для реализации будущих военных проектов и операций.



САККИЗ ТОННАГАЧА ЮК БИЛАН

Хитой ҳарбий ҳаво кучлари жанговар техникаси таркибига кирувчи J-11 русумли тактик қирувчи самолёт Су-27СК самолётининг лицензия асосида ишлаб чиқарилувчи вариантидир. У Шэньян шаҳридаги самолётсозлик корхонасида тайёрланади.

J-11 нинг асосий техник-тактик тавсифлари қуйидагича: экипаж 1 киши, максимал кўтарилиш оғирлиги 34500 кг, максимал учиш тезлиги баландликда соатига 2120 км (ерга яқин учганда соатига 1350 км, M=1,14), амалий кўтарилиш нуқтаси 17300 м, жанговар ҳаракатланиш радиуси 3000 км, учиш учун тезлашиш узунлиги 550 м, парашют билан қўниш узунлиги – 750 м. Кучланиш қурилмаси максимал тортиш кучи 73,43 кН (форсажда 122,58 кН) бўлган иккита АЛ-31Ф русумли турбо-реактив двигателдан иборат. 2004 йилда ўтказилган модернизациялаш жараёнида самолёт кўп вазифаларни бажарувчи H-001BE русумли радиолокация тизими билан жиҳозланган бўлиб, у бир вақтнинг ўзида иккита ҳаво нишонига қарата ракета отиш имконини беради. Нишонларни аниқлаш узоқлиги 100 км.гача. Самолётга «Гардения» русумли фаол тўсиқлар қўйиш станцияси жойлаштирилган. Ташқи илгичнинг 12 та узелида 8000 кг.гача жанговар юк жойлашиши мумкин. Унинг таркибига «ҳаво-ҳаво», «ҳаво-ер» типидаги турли русумли бошқарилувчи ракеталар (P-27, P-73, P-77, R 550 «Мажик», AIM-9 «Сайдвиндер», PL-5, PL-8 («Питон-3») ва ҳ.к.), бомбалар, бошқарилувчи авиабомбалар, шунингдек, 250 ва 500 кг калибрли авиабомбалар, СППУ-22 русумли тўп қурилмаси кириши мумкин. Самолётнинг ўнг қанотида бир стволли, 30 мм.ли ГШ-301 русумли тўп ўрнатилган. Самолётнинг узунлиги 21,9 м, баландлиги 6,4 м, қанот кўлами 14,7 м, қанот майдони 62 кв.м.

М. САЙДИВАЛИЕВ.
(«Зарубежное военное обозрение» журнали асосида тайёрланган).

ИССЛЕДОВАНИЯ ПРОДОЛЖАЮТСЯ

В Германии ведутся НИОКР по созданию зенитной управляемой ракеты (ЗУР) нового поколения LFK NG (Lenkflugkorper Neue Generation), которая, как предполагают немецкие военные специалисты, станет одним из главных элементов перспективной наземной системы ПВО ближнего действия «СисФла» (Sys-Fla – System Flugabwehr). По заявленным тактико-техническим требованиям LFK NG должна поражать весь спектр воздушных целей, в том числе БЛА и управляемые ракеты, на дальности до 10 км. Данную ЗУР планируется размещать на различных платформах: колесных и гусеничных ББМ, вертолетах типа «Тигр» , а также в стационарных установках вертикального пуска. Окончание работ намечено на 2014-2015 годы.



TV ДАСТУР

6 ИЮЛЬ, ДУШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

ҲУРМАТЛИ ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР! ПРОФИЛАКТИКА МУНОСАБАТИ БИЛАН. ДУШАНБА, 6 ИЮЛЬ «O'ZBEKISTON» ТЕЛЕРАДИОКАНАЛИ». ЎЗ КЎРСАТУВЛАРИНИ СОАТ 14.55ДАН БОШЛАЙДИ.
14.55 Кўрсатувлар дастури.
15.00 «Таҳлилнома».
15.40 «Қирол Сежонг». Т/с.
16.15 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили. «Қишлоқ ҳаёти».
16.35 «Бир кун».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ-анонс.
17.15 «Ҳаёт ва қонун».
17.35 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.00 «Олтин мерос».
18.05 Миллий сериал: «Меҳробдан чаён».
18.50 «Очун».
19.00 «Агар сиз...»
19.20 «ТВ - шифокор».
19.25, 19.55, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». /рус/.
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «Қирол Сежонг». Т/с.
20.45 «Ватанимни куйлайман».
20.50 ТВ-анонс.
21.00 «Ахборот».
21.30 Тошкент — 2200. «Боқий Тошкент».
21.50 «Оқшом». Б/ф. 1-қисм.
22.45 «Иқлим».
22.50 ТВ-анонс.
22.55 «Шаҳарлик фариштa». Т/с.
24.00 «Хонатлас афсонаси».
00.45 «Юртим бўйлаб» дастури: «Дутор сирлари».
01.00 «Ахборот». /рус/.
01.30 «Ёшлар майдони».
02.00 «Маънавият» дастури.
04.00 «Ахборот».
04.30 ТВ-анонс.
04.35 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
05.35 «Очун».
05.45 Тонгги наволар.

ЁШЛАР

07.00 «Ёшлар майдони».
07.30 «Ёз ҳангомаси». В/ф.
08.20 «Тасвир ва таассурот».
08.40 «Умр баҳори».
09.00 «Шерюрак». Т/с.
09.50 «Тошкент музейлари».
10.00 «Давр». Ҳафта якуни.
10.30 «Кавинтон Крос». Б/ф.
11.20 «Чемпион».
11.40 Тошкент — 2200 ёшда: «Шарқ гавҳари».
12.10 «Диёнат». В/ф.
12.55 «Истиқлол шукуҳи».
13.00 «Камолот».
13.30 «Тошкент таронаси».
13.40 «Самарқанд жавоҳири».
15.00 «Ҳаётбахш наволар».
15.15 «Камалак йўли». Ҳ/ф.
15.55 «Истиқлол шукуҳи».
16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
16.20 «Қувноқ ўрмонча».
16.50 «Афсона ва ҳақиқат».
17.45 «Ҳаёт завқи».
18.10 «Меҳмонжонлардан айланай». Т/с.
18.50 «Ватан меҳри».
19.30 «Ҳаққуш». Т/с.
20.20 «Автопатруль».
20.40 «Ўткан кунлар».
21.05 «Шерюрак». Т/с.
22.30 Киноклассика: «Биринчи Қалдирғоч».

ТОШКЕНТ

7.25 «Салом, Тошкент!»
8.25 «Спирит-Симоррон оти». М/ф.
9.40 «Карвонсарой».
9.50 «Қўғирчоқ театри сирлари». Т/ф.
10.25 Ёзги таътил кунларида: «Кўк қуш». Б/ф.
12.05 «Замона дурдонаси». Ҳ/ф.
12.35 «Саргузаштлар ороли».
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.55 «Ягонамсан, Тошкентим!»
15.00, 18.30, 21.30 «Пойтахт».
15.20 «Кусто командаси». Ҳ/ф.
16.10 Ёзги таътил кунларида: «Осмондаги болалар». Б/ф.
17.45 «Карвонсарой».
18.15 Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига: «Тошкентнинг илм масканлари».
18.50 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
19.40 Бизнес-«Пойтахт».
19.50 «Саломат бўлинг». /рус/.
20.00 «Пойтахт». /рус/.
20.25 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
21.00 «Аёл қалби».
22.20 «Выкуп». Ҳ/ф.

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Талқин». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
9.30 «Версия».
10.05 «Фазовий футбол». Мультсериал.
10.30 Бокс. Ўзбекистон биринчилиги.
11.35 «Вилоят спорти».
12.35 «Профринг».
13.30 Волейбол. Мировая лига.
18.10 «Баркамол авлод».
18.30 «Хабарлар» (рус тил)
18.55 «Кири масхарабоз». Мультфильм.
19.10 «АЗИЯ ЛОТО».
19.55 Стендовая стрельба.
20.25 Велоспорт «Тур де Франс».
20.55 «Футбол шарҳи».
21.30 «Хабарлар» (узб. тил)
21.55 Теннис. Уимблдон турнири. Аёллар. Финал.
23.30 Биринчи Осиё ёшлар ўйинлари кундалиги.

7 ИЮЛЬ, СЕШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
07.00 «Иқлим».
07.05 «Изҳор».
07.10 ТелеТеатр: «Девона».
07.50 «Рақснинг сеҳрли олами».
08.00 «Ахборот».
08.30 «Олам ва одам» дастури: «Экспедиция».
10.20 «Бизнинг кутубхона».
10.35 Самарқанд вилоят телерадиокомпанияси намойиш этади: 1. «Добус қалъа». 2. «Омонқўтон мўъжизаси».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Қирол Сежонг». Т/с.
11.50 «Ахборот». /инглиз/.
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Иқлим».
12.55 Миллий сериал: «Меҳробдан чаён».
13.40 «Ака-ука Гримм эртаклари». М/с.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
15.05 «Олам ва одам» дастури: «Фантастик ҳайвонлар овловчилари».
16.00 «Тезкор хабарлар».
16.10 «Опера хонандалари куйлайди».
16.25 Тошкент — 2200. «Тошкент фавворалари».
16.40 «Икки дарё оралиғида».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Ҳудудлар ҳаёти».
17.35 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
17.55 «ТВ — бизнес хабарлари».
18.00 «Олтин мерос».
18.05 Миллий сериал: «Меҳробдан чаён».
18.55 «Минг бир ривоят».
19.00 «Навоийни англаш».
19.30 «Ахборот». /рус/.
20.05 «Қирол Сежонг». Т/с.
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.00 «Ахборот».
21.30 «Одамлардан бири».
21.50 «Оқшом». Б/ф. 2-қисм.
22.45 «Иқлим».
22.55 «Шаҳарлик фариштa». Т/с.
24.00 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
00.45 «Юртим бўйлаб» дастури: «Чуст пичоқлари».
01.00 «Ахборот». /рус/.
01.30 «Ёшлар майдони».
04.00 «Ахборот».
04.30 ТелеТеатр: «Девона».
05.10 «Икки дарё оралиғида».
05.30 «Навоийни англаш».

ЁШЛАР

06.55 «Yoshlar» саломи».
07.00 «Ёшлар майдони».
07.30 «Меҳмонжонлардан айланай». Т/с.
08.20 «Тасвир ва таассурот».
08.40 «Бугундан эсдалик».
09.00 «Шерюрак». Т/с.
09.55 «18 ёшинг муборак!»
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.30 «Кавинтон Крос». Б/ф.
11.20 «Автопатруль».
11.40 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили: «Қишлоқ тараққиёти».
12.10 «Ҳаққуш». Т/с.
12.55 «Истиқлол шукуҳи».
13.30 «Тошкент таронаси».
13.40 «Ватанпарвар».
14.30 «Ёшлар майдони».
15.00 «Ҳаётбахш наволар».
15.15 «Камалак жилваси». Ҳ/ф.
15.55 «Истиқлол шукуҳи».
16.10 «Даврнинг боласи».
16.20 «Павоий набиралари».
16.50 «Афсона ва ҳақиқат».
17.40 «Зулфия издошлари».
17.50 «Ёшлар ва таълим».
18.10 «Меҳмонжонлардан айланай». Т/с.
18.50 «Ватан меҳри».
19.30 «Ҳаққуш». Т/с.
20.30 «Навбатчи».
20.40 «Ёткан кунлар».
21.05 «Шерюрак». Т/с.
21.55 «Ватан меҳри».
22.30 Киноклассика: «Олмазор».

ТОШКЕНТ

7.25 «Салом, Тошкент!»
8.25 Бизнес-«Пойтахт».
8.30 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
9.30 «Пойтахт».
9.45 «Тошкентда латифа».
10.30 «Пойтахт». /рус/.
10.40 «Милагрос». Т/с /рус/.
11.10 «Аёл қалби».
11.40 «Бошпана излаб». Б/ф.
13.00 «Салом, Тошкент!»
15.00, 18.30, 21.30 «Пойтахт».
15.20 «Кусто командаси». Ҳ/ф.
16.10 «Осмондаги болалар-2». Б/ф.
18.15 «Ҳимоя».
18.50 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
19.40 Бизнес-«Пойтахт».
19.45 «Истеъдод».
20.00 «Пойтахт». /рус/.
20.25 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
21.10 Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига: «Менинг маҳаллам».
22.20 «Укол зонтиком». Ҳ/ф.

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус. тил).
9.30 «Хабарлар» (ўзб. тил).
9.55 Бокс. Ўзбекистон биринчилиги.
11.00 Белбоғли кураш. Ўзбекистон биринчилиги.
12.00 ФУТБОЛ. МАВСУМНИНГ ЭНГ ЯХШИ УЧРАШУВЛАРИ.
13.35 Волейбол. Мировая лига.
18.30 «Хабарлар» (рус тил)
18.55 Стендовая стрельба.
19.25 Велоспорт «Тур де Франс».
19.55 ФУТБОЛ. ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ. «БУНЁДКОР»—«НАСАФ».
21.50 «Хабарлар» (ўзб. тил)
22.10 ФУТБОЛ. ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ. «ПАХТАКОР»—«БУХОРО».
23.45 Биринчи Осиё ёшлар ўйинлари кундалиги.

8 ИЮЛЬ, ЧОРШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
07.00 «Иқлим».
07.05 «Изҳор».
07.10 ТелеТеатр: «Девона».
07.50 «Олтин мерос».
08.00 «Ахборот».
08.35 «Олам ва одам» дастури: «Экспедиция».
09.20 «Маънавият» дастури.
10.20 «Чорраҳа».
10.40 «Ягона оилада».
11.00 «Ахборот».
11.10 «ТВ - шифокор».
11.15 «Қирол Сежонг». Т/с.
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Риштон мўъжизалари».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Иқлим».
12.55 Миллий сериал: «Меҳробдан чаён».
13.35 «Эски альбом».
13.40 «Ака-ука Гримм эртаклари». М/с.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Рангин дунё».
14.40 «Эркин иқтисодиёт».
15.00 «Олам ва одам» дастури: «Олис келажакдаги ёввойи олам».
15.50 «Очун».
16.00 «Очиқ дарс». Ток-шоу.
16.40 «Икки дарё оралиғида».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Таълимга эътибор — келажакка эътибор».
17.35 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.00 «Олтин мерос».
18.05 Миллий сериал: «Меҳробдан чаён».
18.50 «Минг бир ривоят».
19.00 Тошкент — 2200. «Боқий Тошкент».
19.20 «ТВ — шифокор».
19.30 «Ахборот». /рус/.
20.05 «Қирол Сежонг». Т/с.
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.00 «Ахборот».
21.30 Эркин мавзу.
21.50 «Мураббий Картер». Б/ф. 1-қисм.
22.30 «Иқлим».
22.35 ТВ-анонс.
22.40 «Шаҳарлик фариштa». Т/с.
23.45 «Очиқ дарс». Ток-шоу.
00.25 «Очун».
00.40 «Рангин дунё».
01.00 «Ахборот». /рус/.
01.30 «Ёшлар майдони».
02.00 «Маънавият» дастури.
04.00 «Ахборот».
04.30 ТелеТеатр: «Девона».
05.10 «Икки дарё оралиғида».
05.30 «Истеъдод».

ЁШЛАР

06.55 «Yoshlar» саломи».
07.00 «Ёшлар майдони».
07.30 «Меҳмонжонлардан айланай». Т/с.
08.20 «Тасвир ва таассурот».
08.40 «Умр баҳори».
09.00 «Шерюрак». Т/с.
09.55 «18 ёшинг муборак!»
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.30 «Кавинтон Крос». Б/ф.
11.20 «Соғлик — бойлик».
11.40 «Ҳаёт завқи».
12.00 «Ёшлик баёзи».
12.10 Ҳаққуш». Т/с.
12.55 «Истиқлол шукуҳи».
13.30 «Тошкент таронаси».
13.40 «Сеҳрли қўллар».
14.20 «Олтин тупроқ».
15.00 «Ҳаётбахш наволар».
15.15 «Ранглар рақси». Ҳ/ф.
15.55 «Истиқлол шукуҳи».
16.50 «Афсона ва ҳақиқат».
17.50 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили: «Водий ҳаёти».
18.10 «Меҳмонжонлардан айланай». Т/с.
18.50 «Ватан меҳри».
19.30 «Ҳаққуш». Т/с.
20.20 «Автопатруль».
20.40 «Ўткан кунлар».
21.05 «Шерюрак». Т/с.
21.55 «Ватан меҳри».
22.30 Киноклассика: «Тақдир ҳазили ёки қушдек енгил бўлинг!» 1-қисм.

ТОШКЕНТ

7.25 «Салом, Тошкент!»
8.25 Бизнес-«Пойтахт».
8.30 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
9.20 «Карвонсарой».
9.30 «Пойтахт».
9.45 «Репортаж». /рус/.
9.55 «Ўйларим».
10.20 «Ҳимоя».
10.30 «Пойтахт». /рус/.
10.40 «Милагрос». Т/с /рус/.
11.15 «Тошкентда латифа».
11.25 «Ўжар қайнона». Б/ф.
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дунё» теледастури.
14.55 «Ягонамсан, Тошкентим!»
15.00 «Пойтахт».
15.20 «Кусто командаси». Ҳ/ф.
16.10 Ёзги таътил кунларида: «Қора тоғ». Б/ф.
17.35 «Ака-ука Гриммлар». М/ф.
17.45 «Карвонсарой».
18.15 «Саломат бўлинг!»
18.25 «Анонс».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
19.40 Бизнес-«Пойтахт».
19.45 «Дурдона».
20.00 «Пойтахт». /рус/.
20.25 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
21.10 Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига: «Менинг шаҳрим».
21.30 «Пойтахт».
22.20 «Скалолазка». Х/ф.

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тил)
9.30 «Хабарлар» (ўзб тил)
9.55 Бокс. Ўзбекистон биринчилиги.
11.00 Белбоғли кураш. Ўзбекистон биринчилиги.
11.35 ФУТБОЛ. МАВСУМНИНГ ЭНГ ЯХШИ УЧРАШУВЛАРИ.
13.15 «Аёл ифори».
18.10 «Спортклуб».
18.30 «Хабарлар» (рус тил)
18.55 «Футбол мундиал».
19.15 Велоспорт «Тур де Франс».
19.50 «Спортлото».
20.00 Теннис. Уимблдон турнири. Эркаклар. Финал.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тил)
21.55 ФУТБОЛ. МАВСУМНИНГ ЭНГ ЯХШИ УЧРАШУВЛАРИ.
23.30 Биринчи Осиё ёшлар ўйинлари кундалиги.

9 ИЮЛЬ, ПАЙШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
07.00 «Иқлим».
07.05 «Изҳор».
07.10 ТелеТеатр: «Девона».
07.50 «Олтин мерос».
08.00 «Ахборот».
08.35 «Олам ва одам» дастури: «Экспедиция».
09.20 «Маънавият» дастури.
10.20 «Цирк, цирк, цирк».
10.35 «Мулкдор».
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.10 «ТВ — шифокор».
11.15 «Қирол Сежонг». Т/с.
11.50 «Ахборот». /инглиз/.
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Иқлим».
12.55 Миллий сериал: «Меҳробдан чаён».
13.40 «Ака-ука Гримм эртаклари». М/с.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Одамлардан бири».
14.40 «Тараққиёт ва фаровонлик сари».
15.00 «Олам ва одам» дастури: «Олис келажакдаги ёввойи олам».
16.00 «Тезкор хабарлар».
16.10 «Юртим бўйлаб» дастури: «Афсонавий шаҳарда».
16.20 «Эъзоз».
16.40 «Икки дарё оралиғида».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Юрт меҳри».
18.00 «Олтин мерос».
18.05 Миллий сериал: «Меҳробдан чаён».
18.50 «Минг бир ривоят».
19.00 «Тарих кўзгуси».
19.20 «ТВ — шифокор».
19.30 «Ахборот». /рус/.
20.05 «Қирол Сежонг». Т/с.
20.45 «Соз сеҳри».
21.00 «Ахборот».
21.30 «Муқаддас қадамжолар».
21.50 «Мураббий Картер». Б/ф. 2-қисм.
22.40 «Шаҳарлик фариштa». Т/с.
23.45 «Тараннум».
00.30 «Очун».
00.40 «Тарих кўзгуси».
01.00 «Ахборот». /рус/.
01.30 «Ёшлар майдони».
02.00 «Маънавият» дастури.
04.00 «Ахборот».
04.35 ТелеТеатр: «Девона».
05.15 «Икки дарё оралиғида».
05.35 «Соз сеҳри».

ЁШЛАР

06.55 «Yoshlar» саломи».
07.00 «Ёшлар майдони».
07.30 «Меҳмонжонлардан айланай». Т/с.
08.10 «Рақслар гулдастаси».
08.20 «Тасвир ва таассурот».
08.40 «Бугундан эсдалик».
09.00 «Шерюрак». Т/с.
09.55 «18 ёшинг муборак!»
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.30 «Кавинтон Крос». Б/ф.
11.20 «Автопатруль».
11.40 «Уйимдаги фариштам».
12.00 «Ёшлик баёзи».
12.10 «Ҳаққуш». Т/с.
12.55 «Истиқлол шукуҳи».
13.30 «Тошкент таронаси».
13.40 «Мўйқалам сеҳри».
14.20 «Олтин тупроқ».
14.30 «Ёшлар майдони».
15.00 «Ҳаётбахш наволар».
15.15 «Увайсий». Ҳ/ф.
15.55 «Истиқлол шукуҳи».
16.10 «Даврнинг боласи».
16.20 «Китоб — офтоб».
16.30 «Айиқча Гами». М/ф.
16.50 «Афсона ва ҳақиқат».
17.40 «Зулфия издошлари».
17.50 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили: «Қишлоқ ва таълим».
18.10 «Меҳмонжонлардан айланай». Т/с.
18.50 «Ватан меҳри».
19.30 «Ҳаққуш». Т/с.
20.20 «Чемпион».
20.40 «Ўткан кунлар».
21.05 «Шерюрак». Т/с.
21.55 «Ватан меҳри».
22.30 Киноклассика: «Тақдир ҳазили ёки қушдек енгил бўлинг!» 2-қисм.

TV ДАСТУР

ТОШКЕНТ

7.25 «Салом, Тошкент!»
8.25 Бизнес-«Пойтахт».
8.30 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
9.20 «Карвонсарой».
9.30 «Пойтахт».
9.45 «Интервью». /рус/.
10.20 «Саломат бўлинг!»
10.30 «Пойтахт». /рус/.
10.40 «Милагрос». Т/ с/рус/.
11.15 «Тошкентда латифа».
11.20 «Имконият». Б/ф.
12.40 «Ягонамсан, Тошкентим!»
12.50 «Дурдона».
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дунё» теледастури.
14.50 «Камер оркестрининг концерти».
15.00 «Пойтахт».
15.20 «Кусто командаси». Х/ф.
16.10 Ёзги таътил кунларида: «Бембининг болалиги». Б/ф.
17.20 «Премьера».
17.35 «Ака-ука Гриммлар». М/ф.
17.45 «Карвонсарой».
18.15 2009 йил-Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили: «Юртим жамоли».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
19.40 Бизнес-«Пойтахт».
19.45 «Иқтисод-ревю». /рус/.
20.00 «Пойтахт». /рус/.
20.25 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
21.00 «Репортаж».
21.10 «Эътиқод».
21.30 «Пойтахт».
2.20 «Ангел мести». Х/ф.

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
7.50 «Тет-а-тет».
8.00 «Хабарлар» (рус тил)
8.20 «Малахов +».
9.05 «Фазовий футбол». Мультсериал.
9.30 «Хабарлар» (ўзб тил)
9.55 Бокс. Ўзбекистон биринчилиги.
11.00 Белбоғли кураш. Ўзбекистон биринчилиги.
11.35 ФУТБОЛ. МАВСУМНИНГ ЭНГ ЯХШИ УЧРАШУВЛАРИ.
13.10 Лёгкая атлетика.
18.00 «Халқ ўйинлари».
18.10 «Баркамол авлод».
18.30 «Хабарлар» (рус. тил).
18.55 «Спорт салтанати».
19.15 Велоспорт «Тур де Франс».
19.50 Спортивное кино: «Принцесса льда». Художественный фильм.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тил.).
21.55 ФУТБОЛ. МАВСУМНИНГ ЭНГ ЯХШИ УЧРАШУВЛАРИ.

10 ИЮЛЬ, ЖУМА

ЎЗБЕКИСТОН

06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
07.00 «Иқлим».
07.05 «Изҳор».
07.10 ТелеТеатр: «Ҳаёт эшик ортида».
08.00 «Ахборот».
08.35 «Олам ва одам» дастури: «Экспедиция».
09.20 «Маънавият» дастури.
10.40 «Таълимга эътибор - келажакка эътибор».
11.00 «Ахборот».
11.10 «ТВ — шифокор».
11.15 «Қирол Сежонг». Т/с.
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Гуллар жозибаси».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Иқлим».
12.55 Миллий сериал: «Меҳробдан чаён».
13.40 «Ака-ука Гримм эртаклари». М/с.
14.00 «Ахборот».
14.15 «Хонадон».
14.40 «Олам ва одам» дастури: «Олис келажакдаги ёввойи олам».
15.35 «Минг бир ривоят».
15.40 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
16.40 «Икки дарё оралигида».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Саломатлик дастури».
17.35 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.05 «Йўловчи». В/ф.
18.55 «Минг бир ривоят».
19.00 «Ҳидоят сари».
19.20 «ТВ — шифокор».
19.30 «Ахборот». /рус /.
20.05 «Қирол Сежонг». Т/с.
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.00 «Ахборот».
21.30 Тошкент — 2200. «Ватан пойтахти».
21.50 «Мураббий Картер». Б/ф. 3-қисм.
22.30 «Иқлим».
22.40 «Шаҳарлик фариштa». Т/с.
23.45 «Хонадон».
00.10 Тошкент — 2200. «Ватан пойтахти».
00.30 «Юртим бўйлаб» дастури: «Табиат билан суҳбат».
01.00 «Ахборот». /рус/.
01.30 «Ёшлар майдони».
02.00 «Маънавият» дастури.
04.00 «Ахборот».
04.35 ТелеТеатр: «Ҳаёт эшик ортида».
05.15 «Икки дарё оралигида».

ЁШЛАР

06.55 «Yoshlar» саломи».
07.00 «Ёшлар майдони».
07.30 «Меҳмонжонлардан айланай». Т/с.
08.20 «Тасвир ва таассурот».
08.40 «Умр баҳори».
09.00 «Шерюрак». Т/с.
09.55 «18 ёшинг муборак!»
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.30 «Кавинтон Крос». Б/ф.
11.20 «Чемпион».
11.40 «Яшаш сирлари».
12.00 «Ёшлик баёзи».
12.10 «Ҳаққуш». Т/с.
12.55 «Истиқлол шукуҳи».
13.20 «Миллий мультфильм».
13.30 «Тошкент таронаси».
13.40 «Бир само остида».
14.20 «Олтин тупроқ».
14.30 «Ёшлар майдони».
15.00 «Ҳаётбахш наволар».
15.10 «Тошкент—2200».
15.15 «Хонатлас афсонаси». Х/ф.
15.55 «Истиқлол шукуҳи».
16.20 «Қувноқ ўрмончалар».
16.30 «Айиқча Гами». М/ф.
16.50 «Афсона ва ҳақиқат».
17.40 «Ёшлар ва таълим».
17.50 «Келажак эгалари».
18.10 «Меҳмонжонлардан айланай». Т/с.
18.50 «Ватан меҳри».
19.30 «Ҳаққуш». Т/с.
20.40 «Ўткан кунлар».
21.05 «Шерюрак». Т/с.
21.55 «Ватан меҳри».
22.30 Киноклассика: «Ажойиб хаёлпараст».

ТОШКЕНТ

7.25 «Салом, Тошкент!»
8.25 Бизнес-«Пойтахт».
8.30 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
9.20 «Карвонсарой».
9.30 «Пойтахт».
9.40 «Маърифат фидоийлари».
10.20 «Репортаж».
10.30 «Пойтахт». /рус/.
10.40 «Милагрос». Т/с /рус/.
11.15 «Премьера».
11.30 «Тоҳир ва Зуҳра». Б/ф.
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дунё» теледастури.
14.50 «Тошкент—2200».
14.55 «Ягонамсан, Тошкентим!»
15.00 «Пойтахт».
15.20 «Кусто командаси». Б/ф.
16.10 «Иқтисод-ревю». /рус/.
16.20 Ёзги таътил кунларида: «Бембининг ёшлиги». Б/ф.
17.45 «Карвонсарой».
18.15 Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига: «Менинг шаҳрим».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
19.40 Бизнес-«Пойтахт».
20.00 «Пойтахт». /рус/.
20.25 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
21.00 «Интервью».
21.10 «Эртамиз эгалари».
21.30 «Пойтахт».
22.20 Индийское кино: «Предчувствие любви». Х/ф. 1-қисм.

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
7.50 «Халқ ўйинлари».
8.00 «Хабарлар» (рус тил)
8.20 «Малахов +».
9.05 «Соғлом оила».
9.30 «Хабарлар» (ўзб тил)
9.55 Профессионал бокс. Рейтинг жанглари.
11.05 Белбоғли кураш. Ўзбекистон биринчилиги.
11.40 ФУТБОЛ. МАВСУМНИНГ ЭНГ ЯХШИ УЧРАЩУВЛАРИ.
13.15 Лёгкая атлетика.
18.00 «Тет-а-тет».
18.10 «Баркамол авлод».
18.30 «Хабарлар» (рус тил)
18.55 Современное пятиборье. Кубок мира.
19.45 «ГОЛ».
20.50 Велоспорт «Тур де Франс».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тил)
21.55 ФУТБОЛ. МАВСУМНИНГ ЭНГ ЯХШИ УЧРАШУВЛАРИ.

11 ИЮЛЬ, ШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
07.00 «Иқлим».
07.10 ТелеТеатр: «Ҳаёт эшик ортида».
07.50 «Тонги наволар».
08.00 «Ахборот».
08.35 «Барток». М/ф.
09.35 «Мусиқа дунёси».
09.55 «Минг бир ривоят».
10.00 «Ҳидоят сари».
10.20 1. «Рангинкамон». 2. «Дидар».
11.00 «Оналар мактаби».
11.20 «Қирол Сежонг». Т/с.
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Иқлим».
13.05 «Чақмоқ чақнаган тунда». В/ф.
13.35 «Юртим бўйлаб» дастури: «Кулол меҳри».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Азизим».
14.50 «Сеҳргар қизча». Б/ф. Премьера.
16.25 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
16.40 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ўзбегим ҳаёти».
17.10 «Назм ва наво».
17.50 «Рангин дунё».
18.10 «Саломатлик сирлари».
18.30 «Очун».
18.40 «Очиқ дарс». Ток-шоу.
19.20 «ТВ — шифокор».
19.30 «Ахборот». /рус/.
20.05 «Қирол Сежонг». Т/с.
20.45 «Шарқ тароналари».
21.00 «Ахборот».
21.40 «КиноТеатр».
22.05 «Юлдуз билан учрашув». Б/ф.
23.55 «Очиқ дарс». Ток-шоу.
00.35 «КиноТеатр».
01.00 «Ахборот». /рус/.
01.30 «Ёшлар майдони».
02.00 Миллий кино: «Юлдузнигин бер, осмон».
03.25 «Назм ва наво».
04.00 «Ахборот».
04.35 ТелеТеатр: «Ҳаёт эшик ортида».
05.15 «Рангин дунё».

ЁШЛАР

06.55 «Yoshlar» саломи».
07.00 «Ёшлар майдони».
07.30 «Меҳмонжонлардан айланай». Т/с.
08.20 «Тасвир ва таассурот».
08.40 «Умр баҳори».
09.00 «Шерюрак». Т/с.
09.55 «18 ёшинг муборак!»
10.00 «Телекурьер-маркет».
10.20 «Саломат бўлинг!»
10.30 «Пойтахт». /рус/.
10.40 «Милагрос». Т/с /рус/.
11.15 «Эртамиз эгалари».
11.30 «Ягонамсан, Тошкентим!»
11.35 «Тошкент—2200».
11.40 «Зулматни тарк этиб». Б/ф.
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дунё» теледастури.
14.50 «Туризм ҳақида». /рус/.
15.20 «Тошкент—2200».
15.25 Республика ихтисослаштирилган саънат мактаб интернати қошидаги «Истеъдод» Дуторчилар ансамбли концерти.
15.35 «Мулоҳаза учун мавзу».
16.05 Ёзги таътил кунларида: «Сичқонча Переснинг саргузаштлари». Б/ф.
17.35 «Ака-ука Гриммлар». М/ф.
17.45 «Карвонсарой».
17.55 «Телекурьер-маркет».
18.15 «Истеъдод».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
19.40 Бизнес-«Пойтахт».
19.45 «Тошкентда латифа».
19.50 «Репортаж».
20.00 «Пойтахт». /рус/.
20.20 «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили». Давлат дастурининг ижроси юзасидан «Тошкент ва тошкентликлар».
21.00 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
21.30 «Пойтахт».
21.50 «Анонс».
21.55 «Телекурьер-маркет».
22.20 Индийское кино: «Предчувствие любви». Х/ф. 2-қисм.

СПОРТ

8.00 «Бодрое утро».
8.50 «Тет-а-тет».
9.00 «Хабарлар» (рус. тил)
9.25 Экстремал спорт мусобақаси: «Паҳлавонлар беллашуви».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тил)
10.25 «Пойга». Мультфильм.
12.20 «Военное дело».
12.40 «Файтер». Восточные единоборства.
13.10 «Рақибингиз гроссмейстер».
13.30 «Тақдир чизгилари».
14.05 ФУТБОЛ. МАВСУМНИНГ ЭНГ ЯХШИ УЧРАШУВЛАРИ.
18.00 «Соғлом оила».
18.30 «Хабарлар» (рус тил)
18.55 «Фоторевю».
19.15 Велоспорт «Тур де Франс».
19.45 «Аёл ифори».
20.25 Стрельба из лука. Кубок мира.
20.55 «Ринг».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тил)
21.55 ФУТБОЛ. МАВСУМНИНГ ЭНГ ЯХШИ УЧРАШУВЛАРИ.

12 ИЮЛЬ, ЯКШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
07.00 «Иқлим».
07.05 Миллий кино: «Робия».
07.55 «Тонги наволар».
08.00 «Ахборот».
08.30 «Бизнинг кутубхона».
08.40 «Стюарт Литтл». Б/ф.
10.00 «Саломатлик сирлари».
10.20 «Минг бир ҳунар».
10.35 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
11.20 «Ҳамон ёдимда...»
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Иқлим».
13.05 ТВ-анонс.
13.10 «Очиқ дастурхон».
13.40 Ҳинд киноси: «Муҳаббат тилсими».
15.50 ТВ-анонс.
15.55 «Немони излаб». М/ф.
17.35 «Ҳандалак». Ҳажвий кўрсатув.
17.55 Миллий кино: «Шум бола».
19.25, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома». /рус/.
20.00 ТВ-анонс.
20.05 Миллий сериал: «Денгиздан томчи».
20.35 «Кўнгил қўшиқ истайди».
20.50 ТВ-анонс.
21.00 «Таҳлилнома».
21.40 «Заковат».
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Хоним ва қароқчи». Б/ф.
00.05 «Минг бир ҳунар».
00.20 «Ҳамон ёдимда...»
01.00 «Таҳлилнома». /рус/.
01.30 ТВ-анонс.
01.35 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
02.20 «Заковат».
03.20 «Очиқ дастурхон».
03.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Она замин инъомлари».
04.00 «Таҳлилнома».
04.40 Миллий кино: «Бахт қадри».
05.50 Тонги наволар.

ЁШЛАР

06.55 «Yoshlar» саломи».
07.00 «Якшанба нонуштаси».
07.20 «Ватан меҳри».
07.30 «Табассум қил!»
08.00 Миллий кино: «Масхарабоз».
09.10 «Ҳаётбахш наволар».
09.20 «Кўзгу». Ҳажвия.
09.40 «Соғлик — бойлик».
10.00 «Ватанпарвар».
10.40 «Шерюрак». Т/с.
11.25 «Оила — меҳр булоғи».
11.30 «Қувноқ оёқчалар». М/ф.
13.20 «Тошкент таронаси».
13.30 «Ҳаққуш». Т/с.
14.15 «Истиқлол шукуҳи».
14.20 «Олтин тупроқ».
14.30 «Унутилмас оҳанглар».
15.00 «Yoshlar-FM».
15.20 «Ўзбегим матолари».
15.40 «Айланай...»
16.00 «Камолот».
16.10 «Жумонг». Т/с.
17.20 «Ватан меҳри».
17.30 Киноклассика: «Бор эканда, йўқ экан».
18.55 «Истиқлол шукуҳи».
19.00 «Давр». Ҳафта якуни.
19.30 «Рўзғор мактаби».
20.00 «Тараннум».
20.40 «18 ёшинг муборак!»
20.45 Ҳинд киноси: «Саробга айланган умидлар».

ТОШКЕНТ

7.25 «Салом, Тошкент!»
8.25 Бизнес-«Пойтахт».
8.30 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
9.20 «Карвонсарой».
9.30 «Пойтахт».
9.40 «Репортаж».
9.55 «Телекурьер-маркет».
10.15 «Истеъдод».
10.30 «Пойтахт». /рус/.
10.45 «Қайсарнинг қуюлиши». Б/ф.
12.15 «Тоғлар». Т/ф.
12.25 «Ягонамсан, Тошкентим!»
12.30 «Саргузаштлар ороли».
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.05 «Алдагани хотин яхши». Ўзбек Давлат Миллий академик драма театрининг спектакли.
15.45 «Ёрилтош». Б/ф.
16.15 «Карвонсарой».
16.30 «Тошкент—2200».
16.35 «Яраттанга шукур». Б/ф.
18.20 «Болаликка қайтиб».
18.40 «Нима учун?»
19.45 «Тошкентда латифа».
19.50 «Ягонамсан, Тошкентим!»
19.55 «Тошкент оқшомлари».
20.30 «Туризм ҳақида». /рус/.
21.00 «Кино SMS со звёздами»: «Звездная пыль». «Последний из Могикан». «Младенец на 30 млн».

СПОРТ

8.00 «Бодрое утро».
9.00 «Хабарлар» (рус тил)
9.20 «Қувноқ стартлар».
10.00 «Хабарлар» (ўзб тил)
10.25 ФУТБОЛ. МАВСУМНИНГ ЭНГ ЯХШИ УЧРАШУВЛАРИ.
12.00 «Аптека слушает».
12.40 «АВТОграф».
13.00 «Теннис устаси». Бадиий фильм.
14.25 ФУТБОЛ. МАВСУМНИНГ ЭНГ ЯХШИ УЧРАШУВЛАРИ.
18.00 «Тақдир чизгилари».
18.30 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
18.55 ФУТБОЛ. ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ. «БУНЁДКОР» — «ПАХТАКОР».
20.50 «Вилоят спорти». «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»га бағишланади.
21.50 «Талқин». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
22.25 «Профринг».
23.30 Велоспорт «Тур де Франс».
24.00 Тунингиз осуда бўлсин!»

Телевизионная программа предоставлена ООО «САДО».

ХОНАДОН

Пазандалик сирлари

ВЕНГЕРЧА ДИМЛАМА

Керакли масаллиқлар: 500 г лахм мол гўшти, 1 дона пиёз, 1 дона қизил булғор қалампири, 2 дона помидор, 1 ош қ. олма ёки узум сиркаси, 0,5 ст. помидор шарбати, зиравор ҳамда кўкатлар, таъбга кўра туз.

Гўшт булғор қалампири ўртача катталикда, тўртбурчак шаклда, пиёз думалоқ шаклда тўғралади. Ҳамма масаллиқларни чуқурроқ товага солиб, газ печига 10 дақиқага қўйилади.

Помидор устидан қайноқ сув қуйиб, усти терисидан тозаланади ҳамда майда тўғралиб, газ печидан олинган гўшт устига солинади. Устидан туз ва зираворлар сепилади. Сўнгра узум ёки олма сиркаси помидор шарбатига аралаштирилиб, товага, маҳсулот устига қуйилади. Товани қопқоғини ёпиб, 15-20 дақиқага яна газ печига қўйилади. Таомни дастурхонга тортишдан олдин кўкатлар билан безатилади.

ТВОРОГЛИ ЎРАМА

Керакли масаллиқлар: 2 дона тухум, 1,5 ст. шакар, 250 г творог, 300 г ун, 250 г сарёғ, таъбга кўра ванилин кукуни, 100 г қант упаси.

Тухумнинг оқини сариғидан ажратиб, сариғи шакарнинг ярми билан, шакар эриб кетгунга қадар аралаштирилади. Унга юмшатилган сарёғ, элакдан сизиб ўтказилган творог ҳамда унни солиб, хамир қорилади ва 1 соатга музлаткичга қўйилади. Сўнгра тухум оқи оз-оздан шакарнинг қолган қисми ва ванилин аралаштирган ҳолда кўпиртирилади.

Музлатилган хамирни 4 бўлакка бўлиб, 1 см қалинликда ёйилади. Ёйилган хамир устига тайёрлаб олинган кўпикли масса бир текисда суриб чиқилади ва ўралади. Ўрамалар 2-3 см қалинликда кесилиб, ёғланга газ печида 120° С иссиқликда пиширилади. Тайёр печенье устига қант упаси сепиб, безатилади.

Полезные советы

СЛАДКОЕ ЛЕКАРСТВО

Количество содержащихся в меде полезных веществ почти такое же, как в крови человека. благодаря этому продукт усваивается организмом на все 100%.

Из минералов в состав меда входят соли кальция, натрия, магния, железа, йода, фосфора и другие. Богат этот продукт витаминами B_2, PP, C, B_6 K и E, а также пантотеновой и фолиевой кислотой и биотином. А также биогенными стимуляторами, повышающими жизненный тонус.

● ВЫБИРАЙ НА ВКУС

Мед, особенно темных сортов, обладает сильным противомикробным эффектом. Но сорта светло-янтарного цвета ароматнее и вкуснее. Акациевый мед применяют при бессоннице, желудочно-кишечных и почечных заболеваниях, липовый – при недугах ЛОР-органов, бронхитах и даже астме, мед из полевых цветов – при головной боли и гинекологических проблемах. Впрочем, как утверждают пчеловоды, любой мед полезен – надо только выбрать сорт себе по вкусу.

● ПРИ ЛЮБЫХ НЕДУГАХ

Это уникальное природное вещество благотворно влияет на сердечно-сосудистую систему, ведь глюкоза – необходимый строительный материал для сердечной мышцы. Еще Авиценна рекомендовал при проблемах с сердцем пить мед с гранатовым соком. Для снижения давления полезна смесь из морковного сока, сока хрена, жидкого меда и сока лимона. При радикулите, ишиасе, люмбаго, межреберной невралгии, миозите помогают медовый массаж и аппликации.

Бронхиальная астма и другие заболевания лечатся гораздо успешнее, если сочетать прием лекарств с употреблением этого ароматного лакомства. Кроме того, мед повышает гемоглобин и снижает повышенную кислотность желудочного сока, следовательно, может употребляться при гастритах и язве. При гастрите с повышенной кислотностью мед лучше пить за 2 часа до еды, при пониженной кислотности – перед едой. При язвенной болезни желудка и 12-перстной кишки – за 2 часа до еды или через 3 часа после. Но во всех случаях в день надо принимать не более 120 граммов.

Bolajonlar, sizlar uchun!

PODSHO VA DONISHMAND CHOL

Qadim zamonda bir podsho o'tgan ekan. U ovni juda yaxshi ko'rar ekan. Qish kunlarining birida vazir-vuzarolari bilan birga ovga chiqibdi. Ular ov qilib yurib, daryo qirg'og'ida muzni yorib qarmoq tashlab o'tirgan cholni ko'rib qolishibdi. Podsho cholning salomiga alik olgach:

– Ha, ota! To'rtni uchga urmaganmidingiz, qishda baliq ovlab qolibsiz? – debdi.

– To'rtni uchga urishga urdim-a, o'ttiz ikki qo'ymadi-da, – deb javob beribdi chol. Vazirning hech narsa tushunmay hayron bo'lib turganini ko'rgan podsho uning bir ta'zirini bermoqchi bo'libdi va choldan:

– Bo'lmasa, shu kunlarda bir g'oz yuboraman, patini yulishni bilasizmi? – deb so'rabdi.

Chol podshoga aytganidan ham ziyoda qilib yula olishini aytibdi.

Ovdan qaytgach, vaziri:

– Shohim, bir qoshiq qonimdan kechsangiz, sizga bir savolim bor edi, – debdi.

Podsho uning qonidan kechgach, vaziri baliqchi bilan podsho o'rtasidagi gapning ma'nosini so'ragan ekan, podsho:

– Ey ahmoq, nodon odam, men seni bilmay vazir qilib yurgan ekanman. Senga uch kun muhlat beraman. Shu muhlat ichida sirli gapning ma'nosini topmasang, boshingni tanangdan judo qilaman, – deb saroydan haydab yuboribdi.

Vazir shaharning eng obro'li kishilaridan sirli suhbatning ma'nosini so'rabdi, lekin hech qaysisi bunga javob topolmabdi. Cholning oldiga borishga bo'yni yor bermabdi.

– Bir gadoy choldan borib so'raymi? – deb o'ylabdi vazir.

Muhlatning ikki kunini ko'p odamlardan so'rab, o'zi o'ylab javob topolmay o'tkazibdi. Uchinchi kuni o'limdan qo'rqqanidan bo'yniga arqon solganday cholning uyiga boribdi. Chol uni hurmat bilan kutib olibdi. Vazir cholni mensimay:

– Hoy chol, tunov kuni podsho bilan suhbatlashganingdagi sirli gapning ma'nosi nima? Men sendan shuni so'ragani keldim, – debdi.

Baliqchi chol ta'zim bilan:

– Hurmatli vazir, men sizning bu savolingizga javob bera olmayman. Agar aytib bersam, podsho oldida gunohkor bo'laman, – deb javob beribdi.

Vazir cholning so'zini eshitgach, hech narsa deya olmabdi. Cholga pul va'da qilsa ham biror ish chiqarolmabdi. Muhlatning oxirgi kuni ekanligi yodiga tushib, butun boyligining yarmini beraman, desa ham ko'nmabdi. Vazir do'q qilibdi, yalinibdi. Oxiri chol vazirga: "Hamma mol-dunyongni bersanggina aytaman", deb turib olibdi. Oxiri vazirga boshi azizlik qilib, cholning shartiga ko'nibdi.

– Hurmatli vazirim, podshoning to'rtni uchga urmabmidingiz degani: yilda to'rt fasl bor, shuning uch faslida, ya'ni bahor, yoz, kuzda yaxshilab mehnat qilib, qishda yeb yotsangiz bo'lmasmidi, degani. Mening o'ttiz ikki qo'ymadi deganim esa uch faslda topganlarimni o'ttiz ikki tish yeb bitirdi, deganim bo'ladi. Biz gaplashayotganda siz hayron bo'lib edingiz. Podsho buni sezdilar va siz tomonga imlab, g'oz yuboraman, patini yula olasizmi, dedilar. Men aytganlaridan ziyoda qilib yulaman, dedim. O'sha g'oz siz edingiz, mana mening oldimga keldingiz va bu sir evaziga mol-dunyongizni berdingiz.

Vazir juda xafa bo'lib, podsho huzuriga boribdi va sirli gapning ma'nosini yechib kelganini aytibdi. Podsho uni saroydan haydab yuboribdi va baliqchi donishmand cholni o'ziga vazir qilib olibdi.

БЕКАТ

СКАНВОРД



Ҳар ишда афзалдир
билим орттириш,
Билим орттиришга
астойдил тириш.

Абдураҳмон Жомий

ГАЗЕТАНИНГ 26-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: Аэродинамика. Риштон. Нодира. Блок. Селитра. Лимонад. Трио. Омонат. Бром. Коала. Афсунгар. Алп. Орган. Лаурі. Асар. Васл. Озон. Квант. Зое. Икки. Кибернетика.

БЎЙИГА: Акробатика. Рўшнолик. Диод. Авваламбор. Аккра. «Нола». Мангу. «Нисо». Токио. «Рено». Солсбери. Идора. Манти. Амал. Он. Урал. Кси. Ар. Гаров. Ле. Овоза. Купе. Канизак. Пирамида.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ГОРОСКОП

На этой неделе вам придется проявить гибкость ума и максимум сообразительности. Посмотрите философски на сложившуюся ситуацию. Не перестарайтесь с давлением на окружающих, а по мелочам можно и уступить. Тщательно проверяйте важную информацию, возможны подвохи и неточности.

У вас появится шанс сделать важные шаги к блестящей карьере. В своей сфере деятельности вы будете приняты с распростертыми объятьями. Обаяние и общительность помогут вам извлечь из сложившейся ситуации много полезного и перспективного. Интересные новости порадуют в середине недели.

Вы добьетесь значительного успеха в делах, связанных с учебой и повышением своего профессионального уровня, - если, конечно, найдете в себе силы ими заняться. Вас ждет получение ценной информации и, возможно, восстановление добрых отношений с соседями.

Вам необходимо быть внимательнее и осторожнее: следите за своей речью. Может возникнуть ситуация, когда вам будет нужно быстро овладеть новыми знаниями и профессиональными навыками - если у вас есть подозрения, что это могут быть за знания, лучше приступить к их приобретению загодя.

На этой неделе благоприятно строить планы на ближайшее будущее. С начальством лучше не спорить, даже если очень хочется, - постарайтесь избежать разговора и перенесите его на другой, более удачный в этом отношении день. Завершайте неотложные дела, а с новыми замыслами лучше повременить.

В начале недели возможен определенный сбой в планах, а заодно - в чувствах и настроении. Ваша обостренная проницательность будет способствовать деловым или профессиональным успехам. У вас появится возможность получить сразу несколько источников дохода.

У вас наступает успешный период в жизни, который принесет много света, успехов и тепла. Сориентироваться в деловых хлопотах вам поможет вовремя поступившая информация. Вам придется предугадать желания близких и по возможности их реализовать.

Если у вас есть интересные идеи и замечательные мысли, то они должны оказаться востребованными и жизнеспособными. Неделя принесет знакомства с интересными людьми. Работы накопилось очень много, и заменить вас, как всегда, некому, поэтому с отпуском придется немного подождать.

На этой неделе вы можете слишком увлечься построением стратегических планов, а лучше было бы заняться решением насущных проблем. Наступает время интенсивных переговоров и встреч. Убедитесь, что вас понимают правильно, чтобы избежать затруднений в будущем.

Наступает прекрасная, яркая, насыщенная неделя. У вас будет практически все получаться. Наступает благоприятное время для завершения важных дел. Могут быть успешными личные поездки. Лучше посвятить неделю напряженной работе, тогда многие ваши идеи воплотятся в жизнь.

Если вы хотите достичь успеха, то необходимо определиться с принципами и четко для себя выяснить, что вы хотите и на каких условиях. Постарайтесь не зацикливаться на мелочах и не стесняйтесь обращаться за помощью. В середине недели не стоит рисковать, а тем более - совершать опрометчивые поступки.

Вас ожидает хорошая неделя: будут внезапно возникать благоприятные возможности. Делайте все дела без суеты и спешки. Не ленитесь обратиться к прошлому опыту и здравому смыслу - принимать решения с нуля вас никто не заставляет. Необходимо проявить инициативу и смелость.

Табассум

«ХАВОТИР ОЛМА...»

Хотин:

– Дадаси, қаранг, кўйлагим қанчалар эскириб кетган! Келган меҳмонлар мени ошпаз деб ўйлашади-ку!

Эр:

– Хавотир олма, тайёрлаган овқатингдан татиб кўргач, бу фикрларидан қайтишади.

ҲУРМАТ БОР

Дорихонага кириб келган киши сотувчидан сўради:

– Оқарган соч учун сизда бирон нарса борми?

– Албатта, ундайлар учун бизда чуқур ҳурмат бор!

ҲЎЛ БЎЛМАЙДИ

– Бир вақтнинг ўзида ҳам сув остида, ҳам сув устида туриб, ҳеч қаери ҳўл бўлмайдиган нарса нима?

– Бошида идиш тўла сув кўтариб кўприкдан ўтаётган аёл.

КЕЙИН НИМА БЎЛДИ?

– Мен армияда хизмат қилиб юрган вақтимда севган қизимга ҳар куни икки марта хат ёзардим.

– Хўш, кейин нима бўлди? Армиядан қайтиб, унга уйландингми?

– Йўқ. У почтальонга эрга тегиб кетибди...

БАХТЛИ ОТА

– Сиз бугун ҳам ишга кечикиб келдингиз!

– Тўғри. Аммо мени табрикласангиз бўлади, мен ота бўлдим!

– Лекин кеча ҳам шундай дегандингиз.

– Тўғри айтасиз, чунки эгизак фарзандли бўлдим-да...

ДЕМАК, НИМАНИДИР БИЛАДИ...

Талаба имтиҳонга келиб, билет олди. Қараса, ундаги саволлар жавобини билмайди.

– Домла, бошқа билет олсам майлими?

Талаба иккинчи билетни ҳам олди. Яна нотаниш саволлар. Домладан илтимос қилиб, учинчи билетни ҳам олди. Бу гал ҳам ўша аҳвол. Тўртинчи билетни олишга ижозат сўраганида, домла унинг имтиҳон дафтарчасини олди-да, «уч» қўйиб берди. Буни кўриб, ассистент ҳайрон бўлди ва профессордан сабабини сўради.

– Изланаяптими, демак, ниманидир билади, – деб жавоб берди домла.

«ДОВЮРАК»

– Мен хўжайиннинг хонасига тўппа-тўғри кириб бордим-да, столга мушт уриб, маошимни оширишини талаб қилдим.

– Хўш, хўш, хўжайин-чи?

– У киши тушлик қилгани чиқиб кетган эдилар...

С. ПЎЛАТОВ тайёрлаган.

Рекорды Книги Гиннесса

Газета "Metro" - самая крупная и наиболее быстро растущая международная газета. Ежедневно 70 изданий "Metro" выходят в 93 крупнейших городах в 21 стране на 19 языках. Ежедневно газету читают более 18,5 миллионов человек.

Наименьший вес при рождении имели близнецы Мэри (453 г.) и Маргарет (538 г.), рожденные миссис Флоренс Стимсон из Кунис-Роуд, Великобритания, 16 августа 1931 г.

Самая старая двойня. 14 февраля 1803 г. в Эффингтоне, шт. Виргиния, США, родились Илай Шадрак Фиппс и Джон Мешак Фиппс. Первым в возрасте 108 лет скончался Илай.

57 кинофильмов за 123 часа и десять минут пришлось просмотреть Сурешу Жоакиму из Канады и Клаудии Вавра из Германии, чтобы стать победителями в конкурсе на самого упорного телезрителя и попасть в Книгу рекордов Гиннесса, сообщает Associated Press.

ДУНЁ НАФАСИ

ШАҲАР ЮНЕСКО РЎЙХАТИДАН ЧИҚАРИЛАДИМИ?



Санкт-Петербург Германиянинг Дрезден шаҳрига ўхшаб ЮНЕСКО мероси рўйхатидан чиқарилиши мумкин. Бу хусусда Интернет сайтида хабар тарқатилган.

«Газпром» ва шаҳар ҳукуматининг «Охта-центр» дея номланувчи 400 метр баландликдаги ишбилармонлар марказини бунёд этиш режаси амалга ошадиган бўлса, қадимий шаҳар билан худди шундай воқеа рўй бериши кутиляпти.

Эльба дарёсига қурилган транспорт кўприги эски шаҳар қисми манзарасини тўсиб қўйгани учун Дрезден рўйхатдан ўчирилганди. Санкт-Петербургда осмонўпар бино қурилиши ҳам ўз навбатида маданий ёдгорликлар панорамасига таъсир ўтказиши мумкинлиги таъкидланмоқда.

САМОЛЁТ ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ БИЛАН ПАРВОЗ ҚИЛАДИ



Швейцариялик Бертран Пикар қуёш энергияси ҳисобига парвоз қилиши мумкин бўлган самолётнинг моделини тақдим этди. Ихтирочининг таъкидлашича, бу учоқда қачонлардир дунё узра саёҳат қилса бўларкан.

Самолётнинг «Solar Impulse» деб номланувчи қанотлари 61 метрга тенг бўлиб, оғирлиги бир ярим тоннани ташкил этади.

Илгари ҳаво шарида парвоз қилган тадқиқотчи бу билан энергия манбаси янгиланиши имкониятини кўрсатмоқчи.

Таъкидлаш лозимки, ҳозиргача қуёш батареялари фақат учувчисиз бошқариладиган самолётларда синаб кўрилганди.

«Solar Impulse» енгил композит материаллардан тайёрланган бўлиб, юксак даражадаги фотоэлементлар ва батареялар билан жиҳозланган.

Самолётнинг синови унча баланд бўлмаган масофада амалга оширилиши кутиляпти. Қизиғи шундаки, планерга ўхшаш учиш аппарати билан тадқиқотчи 2012 йилда Атлантика океанини кесиб ўтмоқчи.

ХАКЕРЛИК ХУРУЖИГА ҚАРШИ



Буюк Британия ҳукумати хакерлик хуружига қарши Виртаул операциялар хавфсизлиги марказини ташкил этганини маълум қилди.

Маълум бўлишича, янги тузилма хавфсизлик органлари бўлинмаларини, хусусан, ҳукумат алоқаси бошқармаси маркази ҳамда Лондон полицияси компьютер бўлинмасини ўзига бирлаштирган.

Мазкур марказни мамлакат тарихида кибержавфсизлик бўйича биринчи вазир Лорд Уэст бошқаради. Айтиш лозимки, марказ ходимларининг аксарияти собиқ хакерлар, яъни ўсмирлардан иборат бўлиши кутиляпти.

УЯЛИ ТЕЛЕФОНЛАРГА USB КОННЕКТОРЛАРИ



Уяли телефон аппарати ишлаб чиқарадиган етук корхоналар Европа Иттифоқи (ЕИ) га аъзо мамлакатлари учун қувват берувчи мосламаларни бир хил қилиб тайёрлаш билан боғлиқ талабга рози бўлишди. Шунга кўра, 2010 йилдан ЕИ мамлакатларида сотиладиган телефонлар микро USB коннекторлари билан сотувга чиқарилади.

Еврокомиссиянинг фикрича, бундайин қарор уяли телефондан фойдаланишни яхшилаб, қувват берувчи мосламаларнинг ахлатга ташланишини камайтиради.

Айни пайтда Европада бундайин воситаларнинг 30 дан зиёд тури мавжуд. Мазкур лойиҳада иштирок этадиган 10 та компания Европа уяли телефон бозорининг 90 фоизини қамраб олган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА

Крушение самолета в Индийском океане

Самолет йеменских авиалиний, на борту которого находились 153 человека, во вторник потерпел крушение в Индийском океане вблизи Коморских островов, сообщил официальный представитель арабской республики. На месте крушения уже обнаружены тела погибших и обломки, сообщает Reuters. Выжил ли кто-нибудь, пока неизвестно.

Причиной катастрофы могла стать плохая погода.

Взрыв разрушил железнодорожный вокзал в Италии

Товарный состав из 14 вагонов сошел с рельсов у вокзала итальянского города Вьяреджо (север Тирренского побережья). При этом вспыхнули и взорвались две цистерны со сжиженным газом. Погибли 13 человек, 37 получили серьезные ранения.

Из-за взрыва близ вокзала, расположенного в историческом центре города, обрушились как минимум пять двухэтажных зданий. Огонь перекинулся на соседнюю с вокзалом улицу. Жители окрестных домов были эвакуированы.

В Шанхае опрокинулся 13-этажный дом

Почти построенный 13-этажный жилой дом в Китае рухнул, при этом не развалившись, сообщает РИА «Новости».

Эксперты предполагают, что фундамент дома был расположен на ненадежном грунте - на глинистом берегу реки.

После происшествия, в результате которого погиб один рабочий, со строительной площадки были эвакуированы остальные рабочие, расселены жители близлежащих домов.

Лондонское метро «оживили» афоризмами

Пассажиры лондонского метро теперь вместо стандартных сообщений о поломках или задержке поездов услышат афоризмы Жан-Поль Сартра, Альберта Энштейна, Фридриха Энгельса, Йоганна Гете, Махатмы Ганди и других великих мыслителей.

Идея «курса подземной философии» принадлежит художнику Джереми Деллеру, который внес свое предложение в рамках инициативы по содействию пропаганде исскуства в подземке. Деллер уверен, что трансляция афоризмов поднимет настроение во время поездок.

В последний день своей жизни М. Джексон танцевал

В последний день жизни Майкл Джексон танцевал три часа напролет и был в отличной форме, утверждает президент компании AEG Live, занимавшейся организацией запланированного концерта певца. «Он танцевал так же хорошо или даже лучше двадцатилетних танцоров, которых мы дали ему на подтанцовку, - цитирует продюсера Рэнди Филлипса AP. - Он приковывал к себе внимание. И я думал, что это шоу будет величайшим в истории. Он выглядел потрясающе».

В Китае появились новые электрические джипы

На дорогах Китая появились новые джипы - так называемые «электропаркетники» производства компании Zotye.

Эти автомобили работают на электрическом ходу и могут развивать скорость до 120 км/ч. Аккумулятор заряжается за 20 минут от 360-вольтовой сети. На одном заряде машины способны проехать расстояние до 300 километров.

(www.NEWSru.com)

ИҚТИСОДИЁТ

Рақамлар тараққиётдан сўзлар

КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК

Эртанги кунимизга халқимизда ишонч кучайиб бораётганининг муҳим омили шундаки, олдимизга қўйган мақсадларимиз, марра ва режаларимиз аниқ ва равшанлигида. Аниқроқ қилиб айтганда, бой имкониятларимиз ва салоҳиятимизга таяниб, бошлаган ва амалда ўзини оқлаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш ва босқичма-босқич давом эттириш, халқаро илғор тажриба ва ютуқлардан фойдаланиб, мамлакатимизни модернизация қилиш, иқтисодиётимизни барқарор ўсиш суръатлари билан ривожлантиришга эътибор қаратяпмиз. Биргина кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳаси мисолида ҳам бу фикрларимизни тасдиқлашимиз мумкин.

Дейлик, 2008 йилда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси барқарор ривожланди. Хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ юкини янада камайтириш, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг 10 фоиздан 8 фоизга, 2009 йилдан бошлаб эса 7 фоизга туширилиши, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаларининг камайтирилиши ва айни пайтда уни ҳисоблаш тартибларининг такомиллаштирилиши тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни изчил ривожлантириш учун рағбатлантирувчи омилларни яратди. Натижада сўнгги олти йил мобайнида фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони 1,9 баробар кўпайди ва 2008 йили қарийб 400 мингтани ташкил этди.

Жорий йилда эса кичик бизнесни янада қўллаб-қувватлаш вазифаси ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки кичик бизнес янги-янги иш ўринларини яратиб, бизнинг шароитимизда иш билан банд аҳоли даромадининг 70 фоиздан ортиғини ташкил этмоқда.

Шу сабабли Инқирозга қарши чоралар дастурида кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу чора-тадбирлар солиқ ва кредит имтиёзлари билан бир қаторда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай бизнес муҳитини яратиш мақсадида ислоҳотларни янада чуқурлаштиришни тақазо этади.

Жумладан, янги ташкил этилаётган кичик ва хусусий корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида Имтиёзли кредит жамғармасининг ресурс базасини икки баробар ошириш кўзда тутилган. Шу билан бирга, берилган имтиёзларнинг амал қилиш муддати узайтирилди, айланма маблағларни тўлдириш учун бериладиган кредитларнинг энг узоқ муддати 12 ойдан 18 ойга оширилди.

Жорий йилнинг 1 январидан саноат соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлов ставкаси 8 фоиздан 7 фоизга камайтирилди, молиявий, маиший ва бошқа хизматларни кўрсатаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловидан 3 йил муддатга озод этилди. Бунда микрофирмалар ва кичик корхоналар, нодавлат хўжалик юритувчи субъектларни оладиган дивидендларининг инвестицияларга, аввал олинган кредитлар учун ҳисоб-китоб қилишга йўналтириладиган қисми 5 йил муддатга солиқдан озод этилди.

Шунингдек, Инқирозга қарши чоралар дастурида 2009 йилда хўжалик юритувчи субъектларни текширишни яна 30 фоизга камайтириш кўзда тутилган.

«Кичик бизнес учун солиқ ва маъмурий юкни камайтириш, Инқирозга қарши чоралар дастурини, шунингдек, иқтисодиётни модернизация қилиш, уни ички бозорга йўналтириш ва мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлашни таъминлайдиган бошқа дастурларни амалга оширишга доир кўрилаётган чора-тадбирлар кичик бизнесни қўшимча равишда қўллаб-қувватлашни таъминлади» дейди давлатимиз раҳбари. Келинг, шу ўринда Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси томонидан тақдим этилган жорий йилнинг биринчи чораги бўйича бу борадаги кўрсаткичларга назар ташлайлик.

Жорий йилнинг биринчи чорагида 3769 янги кичик корхона рўйхатга олинди, чорак давомида уларнинг сони (фермер хўжаликлари ҳисобга олинмаганда) 1,8 фоиз кўпайди. Кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 36,2 фоиз (2008 йилнинг биринчи чорагида 35,1 фоиз), саноатда 14,1 фоиз (11,6 фоиз), бандликда 73,7 фоиз (72,5 фоиз), экспортда 13,8 фоиз (12,5 фоиз)-ни ташкил қилди. Кичик бизнесда саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш сурьатлари 111,4 фоизни ташкил қилди ва бу тармоқ бўйича ўртача кўрсаткичдан юқоридир.

И. ҚУРБОНОВ тайёрлади.



РУКОВОДСТВО К ДЕЙСТВИЮ

Как известно, мировой финансово-экономический кризис, охвативший ныне практически все страны мира, является одним из самых масштабных и глубоких за многие последние десятилетия Что делается в мире и нашей стране, чтобы противостоять глобальному кризису, какова должна быть позиция каждого человека – все эти вопросы волнуют сегодня миллионы людей.

Интересно, с большой пользой для дела, прошло в войсковой части, где заместителем командира по воспитательской работе офицер Ш. Амониллаев, выступление заместителя руководителя Республиканского центра **«Маънавият-тарғиботи»**, кандидата филологических наук профессора С. Олимова. Он глубоко и всесторонне раскрыл содержание книги Президента И. Каримова «Мировой финансово-экономический кризис, пути и меры по его преодолению в условиях Узбекистана», отметил злободневность, глубину и отличное знание автором поднятых проблем, основательность и фундаментальность каждого предложения, вывода и заключения. Рассказывая об основных положениях Антикризисной программы, лектор особо подчеркнул, что она проникнута духом оптимизма и уверенности в завтрашнем дне и является для всех, без преувеличения, руководством к действию.

Обращаясь к воинам, профессор С. Олимов призвал весь личный состав быть всегда на высоте, всемерно повышать бдительность и боевую готовность, крепить воинскую дисциплину, ибо в период кризиса, как правило, происходит оживление деструктивных сил, усиление активности разного рода террористических организаций. В завершении беседы были даны четкие и ясные ответы на все заданные вопросы.

В Караульных войсках повсеместно проходит изучение офицерами и военнослужащими по контракту книги Президента И. Каримова «Мировой финансово-экономический кризис, пути и меры по его преодолению в условиях Узбекистана». К этой работе на местах широко привлекаются лектора, профессорско-преподавательский состав высших учебных заведений, работники местных органов власти и общественных организаций

Конкретный, деловой и понятный разговор, безусловно, обогащает офицеров, военнослужащих по контракту хорошими знаниями, помогает им лучше разобраться во многих сложных вопросах, связанных с мировым кризисом.

Н. ЧУРСИНОВ, ветеран войск.

Вниманию организаций и предприятий!

КЭУ МО РУз. ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ

По объекту:

«Капитальный ремонт казармы под общежитие здания №16», по ул. Обводной 40 в г. Ташкенте

Стартовая стоимость объекта: 1 608 012 632 сум с учетом НДС.
1 340 010 527 сум без НДС.
Срок завершения строительства: 9 месяцев.

«Капитальный ремонт казармы под штаб здания №163» в г. Чирчике.

Стартовая стоимость объекта: 669 458 426 сум с учетом НДС.
557 957 021 сум без НДС.
Срок завершения строительства: 8 месяцев.
Заказчик: КЭУ МО РУз.
Финансирование осуществляется за счет госбюджетных средств.

Предприятия и организация, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: иметь лицензию на разрешение работ на оборонных объектах, оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и достаточное число специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладающих опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту облодающих гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к **Территориальному консалтинговому Центру по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по г. Ташкенту и Ташкентской области, по адресу: г. Ташкент, ул. Абая 6, комн. 700. тел: 244-12-17, 244-07-65 (тел., факс).**

Стоимость одного комплекта документов – сто тысяч сум.

Оферты принимаются организатором торгов по адресу: **г. Ташкент, ул. Абая 6, комн. 703. тел: 244-07-65, 244-12-17.**

Крайний срок предоставления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 10 дней после опубликования объявления по адресу: г. Ташкент, ул. Университетская 1.

ЁШЛАР

ИНТЕЛЛЕКТ, НАУЧНОЕ МИРОВОЗРЕНИЕ, ВЫСОКИЙ ПРОФЕССИОНАЛИЗМ – ТРЕБОВАНИЕ ВРЕМЕНИ

С первых дней становлении национальной армии Узбекистана перед руководством страны, Министерством обороны стоял вопрос «Как обновить основу, душу армии – корпус офицеров», от решения которого зависел успех необходимых и безотлагательных для Вооруженных Сил реформ. Поэтому в центре внимания проводимых реформ в военной сфере было реформирование системы военного образования.

Своевременно принятые решения по реформированию и совершенствованию системы подготовки офицерских кадров, которые были нацелены на обеспечение высокого профессионализма командиров всех уровней, стимулирования их всестороннего интеллектуального и духовного развития позволило укомплектовать Вооруженные Силы высококвалифицированными, беззаветно преданными Родине и воинскому долгу, современно мыслящими офицерами отвечающими самым высоким требованиям.

В настоящее время в военных училищах проводится целенаправленная работа по выполнению требований Президента Республики Узбекистан, Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами И. Каримова по коренному пересмотру деятельности высших военных образовательных учреждений, где основное внимание должно уделяться подготовке интеллектуально развитых, широко эрудированных и стратегически мыслящих офицерских кадров. Для реализации этих требований военные училища должны на деле стать ведущими военно-научными центрами Вооруженных Сил по освоению, апробации современных систем вооружения и техники, эффективных методов управления войсками и ведения боевых операций.

Для четкого представления будущей профессиональной деятельности офицера насущной необходимостью на сегодняшний день является разработка некой идеальной модели выпускника высшего военно-образовательного учреждения. Эта модель должна стать основой для формирования стратегических педагогических целей, в значительной мере определять конечный результат учебно-воспитательного процесса.

Какие же требования предъявляются к выпускнику ВВОУ?

Офицер в первую очередь должен быть гражданином – патриотом своей Родины, имеющим активную жизненную позицию, чувствовать себя не просто воином, а государственным человеком со всей полнотой ответственности за безопасность и мирную жизнь Узбекистана.

Выпускник ВВОУ должен обладать высокой духовностью, развитым чувством чести и долга, моральной и психологической готовностью к защите Родины;

Сегодняшний офицер должен обладать высокой политической культурой, уметь мыслить и оценивать, исходя из национальных интересов Республики Узбекистан происходящие в мире процессы, понимать место и роль Вооруженных Сил в обеспечении национальной безопасности.

Выпускник ВВОУ должен быть в первую очередь интеллектуальным, широко образованным, обладающим научным мировоззрением офицером, такой офицер будет в постоянном поиске знаний и способен без труда совершенствовать избранную военную специальность по прибытию в войска.

Выпускник ВВОУ должен иметь соответствующий уровень морально-психологических и нравственных качеств, обеспечивающих успешное исполнение должностных обязанностей в боевой и повседневной деятельности, а также в экстремальных ситуациях.

Офицер должен быть исключительно честным и искренним, потому что обучение и воспитание не может строится на лжи.

Офицер должен пропитаться чувством дисциплинированности, то есть сознанием того, что он обязан подчиняться старшим, и обязан командовать младшими, он должен быстро схватывать смысл приказа и научиться сам отдавать приказы твердо, кратко и ясно.

Как подчиненный он должен быть почтителен, сдержан, инициативен, как начальник – заботиться о подчиненных, быть человечным в общении с ними и в то же время не допускать панибратства и быть требовательным.

Наряду с духовно-нравственными, патриотическими качествами, интеллектуальными и мировоззренческими способностями офицер, безусловно, должен обладать и военно-профессиональными качествами, такими как глубокое знание военного дела. Он должен твердо владеть навыками организации грамотной эксплуатации и содержания вверенной боевой техники и всестороннего обеспечения современных боевых действий, уметь оперативно ориентироваться и самостоятельно действовать в сложных тактических условиях, принимать нестандартные решения и личным примером направлять подчиненных на решение служебно-боевых задач.

Конечно, здесь указан далеко не полный перечень требований, которыми должен обладать выпускник ВВОУ. Таковы лишь некоторые, на наш взгляд, черты новой идеальной модели выпускника.

Весь учебно-воспитательный процесс в Высших военно-образовательных учреждениях направлен на подготовку офицеров, отвечающих вышеуказанным требованиям. В военных училищах обучение и воспитание будущего офицера происходит в течение четырех (по инженерным специальностям пяти) лет. Все эти годы идет исключительно динамичный, активный, поступательный и интенсивный процесс формирования профессионально зрелой и духовно богатой личности будущего офицера, ориентированной на непрерывное саморазвитие.

Результаты защиты выпускных квалификационных работ и сдачи государственных экзаменов в Чирчикском ВТКИУ подтвердили, что организация и содержание учебно-воспитательного процесса, состояние учебно-материальной базы в основном позволяют добиваться необходимого качества военно-профессиональной подготовки выпускников.

Подполковник Алипаша АХМЕДОВ,
начальник кафедры гуманитарных и социально-экономических дисциплин Чирчикского ВТКИУ.

СЎЗАНАМ БОР ГУЛДЕК, БЎСТОНДЕК

Қадимий ҳунар турларини замонавийлик билан уйғунлаштириш эндиликда янгилик эмас. Бу борада кўплаб ишлар амалга оширилган. Қаҳрамонимиз Мадина Қосимбоева эса қўл меҳнати ҳеч қачон ўз аҳамияти ва қадрини йўқотмаслигини амалда исботлай олганлардандир. У профессионал дизайнер ва моҳир тадбиркор. Ёш бўлишига қарамай ажабланарли каштачиликни нафақат маҳаллий, ҳатто жаҳон миқёсида оммалаштиришга эришганлиги эса чиндан ҳам таҳсинга лойиқ.

Мадина Тошкентдаги Халқ амалий санъати коллежида таҳсил олиб юрганида устози Исматулла Маҳдунинг бигиз билан ипак матоларга йўрма чоклар тикканини кўриб завқланиб, каштачиликка қизиқиш уйғонган эди. Моҳир тикувчи бўлгач, кашта тикиш унинг севимли машғулотига айланди. Энди эса унда ҳунарини атрофидагиларга ўргатиш иштиёқи пайдо бўлди.

Бу ишини у қўни-қўшнилар, қариндошларга ўргатиш билан бошлади. Палак, сўзана, ёстиқчалар тикиш билан жиддий шуғулланди. Иши юришиб кетгач, каштачиликни кенгайтириш мақсадида, хусусий корхона ташкил этди. Бу ўз навбатида имкониятларини ошириб, янги ғояларга йўл очди. Каштачиликда ўрганганларини замонавий либосларнинг фасони ва безакларига уйғунлаштириб этник либослар коллекциясини яратди. Мадинанинг бу янги иши «Ташаббус», «Арт-салон», «Осиё рамзи»нинг махсус танловларида юқори баҳолади ва унга янги имкониятлар эшигини очди. 2008 йил унинг учун янада омадли бўлди. У Тошкент ва Самарқандда ўтказилган «Style.uz» мода ва дизайн ҳафталигида «Увайсий» номли коллекцияси билан ғолиб бўлиб, «Подиум-2008» совринини ҳам қўлга киритди.

– Ҳунарим ортидан эришган ютуқларимда фақат ўзимнинг эмас, шогирдларимнинг ҳам катта ҳиссаси бор,–дейди қаҳрамонимиз. – Шогирдларимнинг сони юздан ортиқ. Улар ичида уй бекалари, давлат идораларида ишлайдиган аёллар, талабалар, нуроний онахонлар ҳам бор. Уларни ҳам бу ерга қизиқиш ва иштиёқ етаклаб келган. Инсон қандай ишга қўл урмасин, унга меҳр билан ёндашса, албатта, юксак чўққиларни забт этади, деб ўйлайман. Бошида онам «Бошқа соҳани танлагин, ҳунармандчилик жуда қийин, уддалай олмайсанми, дейман қизим», деб норозилик билдириб, мени шаштимдан қайтармоқчи бўлганларида, унамаганман. Чунки сержило каштalar менинг ўзига оҳанрабодек тортаверарди.

Инсон бирор касб-ҳунарга қўл урар экан, аввало унинг тарихини ўрганиб боради. Мадина ҳам ўз соҳаси ҳақида шундай дейди:

– Қадимдан аждодларимиз ҳеч бир либосни безаксиз киймаган. Кундалик либослардан тортиб, матодан ишланган уй жиҳозларигача кашта солинган. Яъни тўн, яктак, дўппи, белбоғлар, оёқ кийимларига эркак, аёлнинг ёшига, либосининг турига қараб рамзий нақшлар билан кашта тикилган. Парда, ёстиқ ва уй ичкарисидаги девор чиройли кўриниши учун сўзаналарга жуда катта эътибор берилган. Сўзана – бу сидирга газламага гул шакли тикилиб тайёрланган, деворга безак учун осиладиган буюм ҳисобланади. У момоларимиз томонидан яратилган ҳунармандчиликнинг бир турига киради. Уни хонадон бекаларининг ўзлари тиккан. Бўйи етган қизлар келин бўлиб борадиган хонадонига атаб сўзана тайёрлаган. Сўзана чоклари чиройли ва сифатли чиққанига қараб, келинчакка баҳо берилган. Чунки сўзана келин сарпосидаги энг қимматбаҳо буюми ҳисобланган.

Каштачилик иши нимаси билан бунча қадрли экан, деб ўйлаётгандирсиз? Бунга сўзана устаси- чевар шундай жавоб беради:

– Кўргазмаларимнинг бирида бир хорижликнинг сўзанага икки-уч соатлаб қараб ўтиргани эътиборимни тортди. Ундан сабабини сўраганимда: «Бу гўзал матога қараб, қанча қўл меҳнати, кўз нури сингганини сарҳисоб қилолмай, қолдим», деганди. Дарҳақиқат, битта сўзана тикиш учун атлас ёки адрас матолар танланади ва уни тайёрлаш чевардан жуда катта ҳажмда қўл меҳнатини талаб қилади. Ундан кейин рассомнинг маҳорати билан газламага нақшлар чизилади. Сўнг ипак танланади. Ранглар ҳам сифатли бўлишига эътибор қаратилиб, улар асосан, ёнғоқ, исириқ, пиёз ва гуллардан олинади. Шунда ранглар ёркин, тез ўчмайдиган бўлади.

Энди тикишга ўтсак. Етти метрлик мато атрофида уч қиз иш олиб боради. Сўзананинг қаторларига сиғчиклаб назар ташланганда, чоклар бир-бирига ўхшамаслиги сезилади. Сўзананинг ўзига хос нусхалари бўлади. Нурота нусхаси ўзининг нафислиги билан ажралиб турса, Тошкент нусхаси анор тасвири билан фарқ қилади. Шаҳрисабз нусхаларида эса чорчироқ нақшлари ишлатилади. Бугунги кунда рассомимиз Гулчеҳра Исомова билан янги ҳовуз, сўлим боғлар тасвири ифодаланган нусхалар яратдик.

Пировардида лавҳамиз қаҳрамонига ўзбек миллий каштачилигининг янги қирраларини намоён этишини тилаб қоламиз.

Дилфуза РЎЗИЕВА.

ТОШКЕНТ – 2200 ЁШДА

ТАЪРИФИ ТИЛЛАРДА ДОСТОН

Жонажон пойтахтимиз Тошкент ўзининг кўркам жамоли, бетакрор манзаралари, замонавий иншоотлари билан бирга бой тарихи, буюк олиму фузалолари, мутафаккирлари билан ҳам жаҳоннинг энг номдор шаҳарлари қаторида туради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2008 йил 2 апрелда қабул қилинган "Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига асосан юртимизда мазкур байрамни кенг нишонлаш учун тайёргарлик ишлари қизғин давом этмоқда.

Айни пайтда ушбу қарор ижроси юзасидан пойтахтимизда кенг кўламли қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Жойларда Тошкент тарихини ўрганиш, бу заминда яшаб ўтган алломалар ижодий меросини тадқиқ этишга бағишланган турли учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилаётир. Жорий йилнинг апрель ойида ЮНЕСКОнинг Париж шаҳридаги бош қароргоҳида пойтахтимизнинг қутлуғ юбилейи кенг миқёсда нишонлангани ҳам Тошкентнинг бой тарихи ва буюк келажагига юксак эътироф ва эҳтиром ифодаси бўлди.

Тошкент азалдан дунёнинг турли бурчакларидан ташриф буюрган сайёҳларни, меҳмонларни ўзига мафтун этиб келган. Ўтмишда кўплаб тарихчилар, фозилу шоирлар бу шаҳар тарихи, унинг сўлим манзаралари, меҳмондўст ва бағрикенг инсонлари ҳақида қимматли маълумотлар битиб қолдирганлар.

"Тошкент" номи дастлаб буюк аллома Абу Райҳон Беруний нинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида тилга олинган. Тошкентнинг XIII-XIX асрлардаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига доир айрим маълумотлар ўша даврларда араб, форс ва туркий тилларда яратилган манбаларда, Марказий Осиё хонликларида ва Тошкентда бўлган сайёҳлар асарларида ҳам учрайди.

Шарқ мумтоз адабиётининг буюк намояндаларидан бири Абулқосим Фирдавсийнинг "Шоҳнома"сида ҳам Тошкент номига дуч келамиз. Асар қаҳрамонларидан бири Рустам ўз ғанимларини "Камони Чочий", яъни тошкентлик ҳунармандлар ясаган ўқ-ёй билан мағлуб этади. Шунинг ўзиёқ азалдан Тошкент ўзининг ҳунармандчилиги билан ҳам довруғ таратганидан далолат беради.

Буюк шоир ва саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг "Бобурнома" асарида Тошкентнинг тарихи, иқлими ва табиати, миллий ҳунармандчилиги, аҳолининг турмуш тарзи ҳақида бир қатор маълумотларни келтиради. "Тошкент вилояти Умаршайх Мирзо тасарруфида эдиким, китобларда Шош битирлар, баъзи Чоч битирларки, "Камони Чочий" андин иборатдур".

Ўтмишда Тошкентда яшаб ўтган маърифатпарварларнинг бу шаҳар тарихига бағишланган бир қатор асарлар ёзгани маълум. Жумладан, ҳофиз Кўҳакий номи билан машҳур бўлган, узоқ йиллар Ҳиндистонда, Бобурийлар саройида хизмат қилган Султон Муҳаммад Тошкандийнинг «Тарихи Тошканд» номли асар ёзгани ҳақида маълумотлар бор.

XIX асрнинг 60-йилларида ёзилган Абу Убайдуллоҳ Тошкандийнинг «Хулосат ул-аҳвол» асари ҳам шаҳар ижтимоий-сиёсий тарихига доир қимматли маълумотларни ўзида акс эттиргани билан эътиборга молик.

XIX асрда Тошкентда яшаб ўтган Муҳаммад Солиҳхўжанинг «Тарихи жадидайи Тошканд» (Тошкентнинг янги тарихи) асарини ушбу шаҳар ўтмишига бағишлаб ёзилган яхлит тарихий асар, дейиш мумкин. Унда Тошкент шаҳри ва унинг атрофидаги ҳудудларда юз берган тарихий воқеа-ҳодисалар қаламга олинган.

Тошкент азалдан илму ирфон маскани, маърифат бешикларидан бири бўлиб келган. Бу азим кент беназир алломалар, фозилу фузалоларни камол топтирган, ўзга юртлардан келган илм ва маърифат кишиларига қучоқ очган, уларни ўз фарзандидек бағрига олган.

Алишер Навоийнинг назарига тушган тарихчи ва шоир Зайниддин Восифий 1522 йилда Тошкентга келади ва умрининг охиригача шу ерда яшаб қолади. Унинг шу заминда яратилган "Бадоеъ-ул-вақоеъ" асарида Ватанимиз тарихи, ўрта асрларда яшаб ўтган шоиру фозиллар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади. Мазкур асарда муаллиф Тошкент таърифига алоҳида тўхталади. Асардан шоирнинг бу гўзал шаҳар мадҳига бағишланган қасидаси ҳам ўрин олган.

Тошканд мулкин бу кун таърифин этай,
Нукталар шодасин назмга битай.
Андоқ бир шаҳарки, жаннатмакондир,
Хижолатдин жаннат сийнаси қондир.
Бу кентни ким кўрса, асло жилмагай,
Жаннат неъматларин орзу қилмагай...

XIX асрда Хоразмда яшаб ўтган шоир ва бастакор Комил Хоразмий ҳам бир неча бор Тошкентга келган. Шаҳарнинг гўзал табиати, файзиёб боғ-роғлари, ажойиб манзаралари шоирга илҳом бахш этади. Унинг Тошкент ҳақидаги дилбар шеър ва ғазаллари бизгача етиб келган. У 1896 йилнинг куз ойларида бу шаҳарга келганида, шаҳарнинг кўрку таровати, фусункорлиги уни лол қолдиради.

Хушҳаволиқ мунда бўлса, онда айёми хазон,
Ё раб, эркандур нечук фасли баҳори Тошканд?

Яъни, куз фаслидаки, шаҳар шундай хушҳаво, чиройли бўлса, баҳорда қандай тароват касб этар экан, дея ўз ҳайратини шеърга солган.

Рус шеъриятининг атоқли вакилларидан бири, дилбар шоир Сергей Есенин ўтган асрнинг 20-йилларида Тошкентга келган, маълум муддат шу ерда яшаган, гўзал шеърлар битган. Айни пайтда шоир яшаган уй музейга айлантирилган.

Рус шеъриятининг машҳур намояндаларидан яна бири Евгений Евтушенко пойтахтимизда кўплаб маротаба меҳмон бўлган, бу ердаги бағрикенглик, меҳмондўстлик, бунёдкорлик ишлари шоирда мислсиз қувонч ва ҳайрат уйғотган. Бу туйғулар унинг шеърларига ҳам кўчган:

Мен Тошкент шаҳрини айланган чоғлар,
Нақ бутун мамлакат бўйлаб юраман.
Ўзбекча шивирлар бунда япроқлар,
Уларнинг тилини англаб тураман...

Озарбойжоннинг Оғдош шаҳрида туғилган Мақсуд Шайхзода тақдир тақозоси билан Тошкентга кўчиб келган ва шу юртнинг асл фарзандига айланган. У ўзининг гўзал шеърлари, достонлари, драматик асарлари, илмий изланишлари билан адабиётимиз ривожига беқиёс ҳисса қўшган. Унинг ижодида Тошкент мавзуси алоҳида ўрин тутади. Айниқса, "Тошкентнома" достонида шоирнинг жонажон шаҳарга бўлган жўшқин меҳри ва муҳаббати ўз ифодасини топган:

Тошкентда тўрт фасл – ёз,
Баҳор – шошган ички ёз,
Ёз – танти ва асл ёз,
Куз – кечиккан, кечки ёз...

Иккинчи жаҳон уруши йилларида кўплаб ёзувчи ва шоирлар Тошкентга кўчиб келади, шу ерда яшаб ижод қилади. Рус ёзувчилари Алексей Толстой, Константин Симонов, беларусь адиби Якуб Колас шулар жумласидандир.

Тошкент ҳамиша дўстлик, қардошлик ва ҳамжиҳатлик шаҳри бўлиб келган. У ҳақдаги илиқ, дўстона фикрларни Тошкентга меҳмон бўлиб келган, унинг ҳавосидан нафас олган кўплаб қардош халқлар адиблари ижодида учратиш мумкин.

"Бу шаҳарнинг тонги бору шоми йўқ. Чунки бу шаҳар бағрида яшаб, меҳнат қилган инсонлар ҳамиша зулматга, ноҳақликка қарши курашганлар, Тошкент уфқида зулмат пайдо бўлишига асло йўл бермаганлар. ҳа, Тошкент қадимий, тарихий кент, қаҳрамонлик шаҳри, абадият масканидир", деб ёзган эди таниқли тожик ёзувчиси Жалол Икромий.

Озарбойжон адабиётининг етук намояндаларидан бири Мирза Иброҳимов асарларида ҳам ана шундай самимий мисраларни учратиш мумкин: "Тошкент – мен учун азиз ва қадрдон шаҳар. Бу ерда ҳамма нарса: урф-одатлар, қиёфалар, жўшқин сўзлар, дўстларнинг мароқли суҳбатлари, шаҳарнинг гўзал сайргоҳларини кезиш қалбимга бир олам завқ, ҳузур-ҳаловат бахш этади".

Яна бир озарбойжон шоири Воқиф Маммадовнинг Тошкентни васф этиб битган туркум шеърларида шундай сатрлар бор:

Тупроққа эътиқод, ерга иймонни
Кўрмоқчи эдим мен, Тошкентда кўрдим.
Ҳалол дастурхонни, уйғоқ виждонни
Кўрмоқчи эдим мен, Тошкентда кўрдим.

Тошкент ҳақидаги меҳр-муҳаббатга, эҳтиромга йўғрилган сатрларни, самимий изҳорларни яна қанчадан-қанча машҳур шахслар, давлат ва жамоат, фан ва маданият арбоблари, шоир ва ёзувчиларнинг қалб дафтаридан топиш мумкин.

Бугун гўзал ва навқирон Тошкент ўзининг 2200 йиллик қутлуғ ёшини қарши олмоқда. Пойтахтимизнинг бугунги жамоли, кўрку таровати қалбларда чексиз қувонч, фахру ифтихор ҳисларини уйғотади. Ана шу улуғвор туйғулар бундан кейин ҳам ижод аҳли учун илҳом ва ижод манбаи бўлиб хизмат қилади.

Зотан, Ватанимиз пойтахти, бетимсол Тошкентимиз ҳар қанча таърифу тавсифга, эътироф ва эҳтиромга муносибдир.

Рустам ЖАББОРОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

ГОРДИМСЯ НАШЕЙ СТОЛИЦЕЙ

Как известно, недалек уже тот день, когда в нашей стране начнутся торжества, посвященные 2200-летнему юбилею древнего и всегда молодого города Ташкента, который на протяжении многих столетий играл важную роль в формировании и развитии нашей истории и национальных ценностей. Ташкент – это город мира, добра и дружбы, город большого человеческого мужества, особо проявившегося в период землетрясения 1966 года, город, объявленный в 2007 году столицей исламской культуры. А выражение «Ташкент – город хлебный» хорошо известно всем, особенно людям старшего поколения, ибо в трудные годы второй мировой войны он приютил тысячи обездоленных детей, женщин и стариков, вернул в воинский строй многие сотни раненых защитников страны.

В воинской части Караульных войск, где заместителем командира по воспитательной работе офицер Ш. Амониллаев, в соответствие с постановлением главы нашего государства от 2 апреля 2008 года «О подготовке и проведении 2200-летнего юбилея города Ташкента» проводится постоянная работа, чтобы воины, призванные из всех регионов страны, лучше узнали свою столицу, ее историю, культурные и достопримечательные места. В части регулярно организуются экскурсии личного состава по городу, посещения музеев и памятных исторических мест, выступления известных людей города, беседы и лекции о Ташкенте и его вкладе в развитие страны. Так, воины части, призванные на службу в начале этого года, посетили Государственный музей Темуридов, музей изобразительного искусства и истории Узбекистана, побывали в цирке, на концертах, посвященных 2200-летнему юбилею Ташкента, во дворцах «Истиклол» и «Ташсельмаш». С большим интересом слушали воины выступления о Ташкенте и вкладе его молодежи заместителя председателя организации «Камолот» Мирабадского района Махмудали Аскарова. Для лучшего знания города и ознакомления с его достопримечательностями используются любые поездки, в том числе и выезды на службу, когда офицеры и военнослужащие по контракту по ходу движения рассказывают об увиденном, советуют солдатам, где лучше побывать и что посмотреть во время городского увольнения.

- Я раньше никогда не был в Ташкенте, – рассказывает рядовой О. Саидов, призванный из Кургантепинского района Андижанской области, - хотя и не раз видел столицу нашей страны по телевизору и на картинках и, конечно, много слышал хороших отзывов. Рад, что служить выпало именно в Ташкенте. Многое увидел, восхищен красотой Ташкента, величием его зданий и уникальностью различных сооружений. Одно из своих увольнений я посвятил знакомству с площадью Мустакиллик и ташкентским метро.

- «А я родился и вырос в Самаркандской области, – включается в разговор рядовой Ж. Кубаев. – Был в Ташкенте в 2007 году и даже некоторое время работал в Шайхонтахурском районе. И должен сказать, что заметил огромные изменения, происшедшие во внешнем облике Ташкента всего за один год. Великолепно смотрятся обновленные Ташкентские куранты, впечатляет строительство огромного Дворца форумов рядом с гостиницей «Узбекистан» Изменения есть буквально на каждой улице.

- Я люблю свой Ташкент, – говорит майор А. Симонов, награжденный в 2004 году за успехи в службе медалью «Жасорат». – Это мой родной город: здесь я родился, окончил школу и затем Ташкентское высшее военно-техническое училище МВД. Вот уже более десяти лет служу офицером, а причем сейчас в части, где много лет назад был офицером и мой отец. Здесь я создал семью, родились и растут мои дети. Я радуюсь вместе со всеми, когда вижу, как с каждым днем становится краше древний Ташкент: появляются новые современные здания, благоустраиваются улицы и парки, открываются новые музеи и спортивные комплексы, восстанавливаются места, связанные с великими предками.

Воины этой части горды тем, что служат в столице нашей страны городе Ташкенте, и готовятся встречать его 2200-летний юбилей отличной службой, учебой и дисциплиной, своим высоким воинским мастерством.

Н. ЧУРСИНОВ, ветеран войск.

МАЪРИФАТ

ФАОЛ ЖУРНАЛИСТНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Инсон қайси бир соҳада фаолият юритмасин, касбини севмаса, ҳурмат қилмаса ва меҳрини бермаса муваффақиятга, камолотга эришиши осон кечмайди.

Маълумки, 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни республикамизда кенг нишонланди. Мазкур сана муносабати билан турли танловлар ўтказилиб, унинг ғолиб ва совриндорлари эълон қилинди. «Йилнинг энг фаол журналисти» танлови ҳам соҳа ходимларидан жамият олдидаги ўз масъулиятини ҳис этишни, касбига янада фидойилик ила ёндашишни талаб этади.

«Ватанпарвар» газетаси мухбири Жамшид Ниёзов мазкур танловнинг «Ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги мақолалари учун» номинациясида ғолибликни қўлга киритди.

– Бу менинг фаолиятимдаги илк муваффақиятим, – дейди танлов ғолиби. – Журналистика соҳасида билимларни талабалик йилларимда устозлардан эгаллаган бўлсам, амалиётда газета ижодкорларининг, ҳамкасбларимнинг катта ёрдамлари бор.

Дарҳақиқат, Ж.Ниёзов қисқа фурсат ичида интилувчанлиги, тиришқоқлилиги, соҳага бўлган меҳри туфайли ўз йўналишига, қаламига эга бўлиб бораётган ижодкорлардан. Унинг Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар, халқ ва армия якдиллиги, ҳарбий хизматчиларнинг машаққатли ва масъулиятли хизматлари ҳамда улар ва оила аъзоларининг ижтимоий муҳофазаси акс этган мақолалари бугун муштарийларимизга яхши таниш.

– Юрт ҳимоясига камарбаста бўлиб, Ватан тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида жонбозлик кўрсатаётган ҳарбийларимиз ҳақида мақола ёзиш менга завқ бағишлайди, – дейди журналист. – Касбим орқали ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга баҳоли-қудрат ҳисса қўшолсам, шундан бахтиёрман.

Ҳамкасбимизни қўлга киритган улкан ютуғи билан муборакбод этиб, қаламингиз ўткир, ижодингиз бардавом бўлсин, деб қоламиз.

Кичик сержант Фирдавс АҲРОРОВ.

НУР, ЗИЁГА ЙЎҒРИЛГАН МАСКАН

Кутубхонани маънавият сарчашмаси, қутлуғ зиё маскани, деб атаймиз. Нега шундайлиги ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Инсоннинг камолоти, маънавий етуклиги, ҳаёт мазмунини англаб етиши, ўзликни танишида китобларнинг, кутубхонанинг ўрни беқиёс. Зотан, ўқиш-изланиш орқали фикрларимиз теранлашади, мушоҳадаларимиз ўзгаради, илм аталмиш қутлуғ сарчашмадан қалб чанқоғимиз қонади. Бугун ҳарбий қисмлардаги зиё масканларига алоҳида эътибор қаратилаётганининг боиси ҳам шунда.

Қуролли Кучлар хизматчиси Муҳаббат Жуманова мудиралик қилаётган алоқачилар қисмида бўлганимизда, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга масъул бўлган Ватан ҳимоячиларининг маънавиятини юксалтириш, уларни китоб аталмиш бебаҳо хазинага ошно қилиш мақсадида кўпгина эзгу ишлар амалга оширилаётганига, посбонларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун барча шароитлар яратилганлигига гувоҳ бўлдик. Буни ҳарбий хизматчиларнинг фикрлари ҳам тасдиқлайди.

– Кутубхонамизда бўш вақтимизни мазмунли ўтказишимиз учун барча шароит мавжуд, – дейди лейтенант Руслан Мамин. – Қисм кутубхонаси офицерлар, сержантлар, Қуролли Кучлар ишчи-хизматчилари ҳамда муддатли ҳарбий хизматчиларнинг севимли масканига айланганининг сири шунда. Посбонлар тарихий, бадиий ва ҳарбий соҳага оид энг сара адабиётларни мутолаа қилишлари мумкин.

Кутубхона билан яқиндан танишар эканмиз, унинг чиндан ҳам катта фондга эга эканига гувоҳ бўлдик. «Мустақиллик – бахтим, саодатим» (Султонмурод Олим), «Қалбдаги шамлар» (Шукур Қурбон), «Ўзлик» (Азим Суюн), «Танланган асарлар» (Тоҳир Малик), «Кичкина шаҳзода» (А. Экзюпери), «Иқрорнома» (Л. Толстой) каби маънавият дурдоналарининг китоб жавонларидан ўрин олгани, очиғи, бизни қувонтирди. Бу посбонларнинг ҳар томонлама юксак салоҳиятли, баркамол шахслар бўлиб етишишлари йўлида қилинаётган ғамхўрликнинг бир кўринишидир.

Зиё масканида бир гуруҳ муддатли ҳарбий хизматчиларни учратиб, суҳбатга чорладик:

– Қисмимиз кутубхонасидан мунтазам фойдаланиб тураман, – дейди муддатли ҳарбий хизмат оддий аскари А. Дадаходжаев. – Бу ерда ҳарб илмига оид, шунингдек, тарихий, бадиий, илмий адабиётлар талайгина. Ҳар ким ўз қизиқишидан келиб чиқиб, бу китоблардан фойдаланади.

– Кутубхонамизда китоблардан ташқари кўплаб вақтли матбуот нашрлари ҳам мавжуд, –дейди оддий аскар С. Бобожонов. – Менга айниқса, «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози» газеталари манзур. Ушбу нашрлар орқали мамлакатимизда изчил давом этаётган ислоҳотлар, ўзгариш ва янгиланишлар тўғрисида мунтазам хабардор бўлиб борамиз. Шунингдек, илғор, намунали, ўз касбининг устаси бўлган Ватан ҳимоячилари тўғрисида ҳам айнан даврий нашрлар орқали билиб оламиз.

Кутубхонада муҳим тарихий саналар, таниқли адиб ва шоирларнинг таваллудлари муносабати билан посбонлар ўртасида тез-тез бадиий кечалар, интеллектуал ўйинлар, адабий учрашувлар ўтказиб турилади. Маълумки, ҳар йили анъанавий тарзда «Энг яхши китобхон» танлови ўтказиб келинмоқда. Қувонарлиси шундаки, қисм миқёсида энг яхши натижага эришиб, танловнинг округ босқичида иштирок этиб келаётган Ватан ҳимоячилари ҳамиша юқори ўринларга даъвогарлардан саналади. Бу каби тадбирлар посбонларни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий меросимиз, анъаналаримизга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

– Ҳарбий хизматчиларнинг китобга бўлган қизиқиши, интилишини кўриб ҳавас қиламан, – дейди мудира биз билан суҳбатда. – Уларнинг шарафли ва масъулиятли вазифаларидан ортиб, китобга, маънавиятимиз сарчашмаларига ҳамдам бўлаётганлиги чиндан-да таҳсинга сазовор. Бу эса ўз навбатида бизга янада масъулият юклайди. Шу боис кутубхонамизни янги адабиётлар билан бойитиш, ҳарбий хизматчиларнинг барча талаб ва истакларини қондириш, уларга кўнгилдагидек хизмат кўрсатишга ҳаракат қилиб келамиз. Қисмдаги фаол китобхонлар кўпчиликни ташкил қилади. Энг илғор ва фаол китобхонлар сифатида сержантлар Д. Мамадиев, А. Абдуходжаев, кичик сержантлар М. Жўраев, Ў. Мирзаев, Д. Рўзиев, шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар, оддий аскарлар С. Ўринов, А. Иллиқулов, муддатли ҳарбий хизмат оддий аскарлари С. Мансуров, А. Дадаходжаев, Ф. Эргашев, М. Аҳмедов, М Ҳотамовларнинг номларини алоҳида кўрсатиб ўтган бўлардим.

Китоблар инсон ақлу закоси меваси. Уларга ошно қалблар саодатга эришиши барчамизга аён. Шарафли касб эгаларининг ана шундай хазинадан баҳраманд эканлиги бизни жуда қувонтирди.

М. СОБИРҚУЛОВ.

Туҳфа

ЎЗГА ВАТАН ҚИЛМА ОРЗУ

Ватан–жаннат, ўзга жаннат қилма орзу,
Ҳар ерда бор, билиб қўйгин, тош-тарозу.
Оқ сут берган онасидан кечмайдилар,
Она юртни асрайдилар кечиб қор, сув.

Нафсига қул бўлганларга хитобим шул,
Бир заминда япроқ ёзар ҳаттоки гул.
Гадоларнинг қорни тўяр садақадан,
Ватанфуруш тиланчига бўлар мушкул...

ЎҒЛИМ БИЛАН СУҲБАТ

Ўғлим менга савол берар:
–Қачон катта бўламан?
Аскар либосин кийиб,
Мен ҳам кучга тўламан?

Севинч ёшим қалқиб кўзда,
Қучоқлайман боламни.
Шу ёшида асрамоқчи,
Ватан–уйим, даламни.

–Шошма, – дейман,– ўсиб, улғай.
Болажоним, вақт етар.
Ватанга қалқон бўлиш,
Сенга ҳам насиб этар.

Давлатмурод КАРИМОВ.

МЕН ЭНДИ КУРСАНТ БЎЛДИМ

Дўстим мени табрикла,
Ҳайдовчи курсант бўлдим,
Орзуимга эришиб,
Тақдирдан хурсанд бўлдим.

Спорт майдончасида,
Югураман, толмайман.
Дўстларим қаторидан
Ҳечам ортда қолмайман.

Муаллимлар ажойиб,
– Ҳар бир соҳа сир, – дейди
– Тушунмасанг уялма,
Мурожаат қил, бил, – дейди.

– Тоҳир, Нодир ва Жавлон,
Сафдан чиқинглар чаққон.
Амалий машғулотга,
Югур машина томон.

Насиб этса ҳадемай,
Ниятимга етаман.
Ватан ҳимоясига –
Армияга кетаман.

Омадимдан ўргилай,
Ҳайдовчи курсант бўлдим.
Шунақа ишлар дўстим,
Касбимдан хурсанд бўлдим.

Рамазон НАВРЎЗОВ,
Захирадаги майор.

ЁШ АСКАР ҚЎШИҒИ

Елкамга тақиб погон,
Қўлга қурол олдим мен.
Онтимни сақлаб ҳар он,
Унга содиқ қолгум мен.

Қуролу ҳарбий либос,
Ёвқур ботирларга хос.
Дўстим, тик тутиб қомат,
Бирга шахдам қадам бос!

Асрашдайин Ватанни,
Зиммамда олий бурч бор.
Халқим менга ишониб,
Буюрса – мен бахтиёр.

Чиниқиб, йиғиб қувват,
Бўлгум кучли, шиддаткор.
Жанг усули бу – санъат,
Ўрганаман устувор.

Кеча-кундуз олмай тин,
Юртим асрагум омон.
Ватан ҳурлиги учун
Керак бўлса бергум жон.

Жон фидо қилиш фақат
Ёвқур ботирларга хос,
Дўстим, тик тутиб қомат
Бирга шахдам қадам бос!

Атамурат ШАМУРАТОВ.

ЎЗБЕК ЭЛИМ

Бағри оташ – нур Ватанимсан,
Жавоҳирим – дур Ватанимсан.
Боболарим орзиқиб кутган
Ҳумо қушли ҳур Ватанимсан.

Истиқлолинг абадий ҳамроҳ,
Бошинг узра ҳилпирар байроқ.
Мангуликка йўлинг ёритар,
Ҳақ йўлида сен тутган маёқ.

Ўзбек деган номинг улуғвор,
Дунё танир аждодларинг бор.
Ўғил-қизинг зуккою доно,
Шул сабаб ҳам омад сенга ёр.

Азиз юртим, ўзбек диёрим,
Сен – ғурурим, сен – ифтихорим.
Оллоҳ назар солган маъвосан
Сенга фидо умрим, ашъорим.

Холиқул ҚАЙНАРОВ.

МАЪНАВИЯТ

Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик гуруҳи раҳбарлари учун ёрдам

ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ – МУҚАДДАС

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинган кунни муносиб нишонлаш тўғрисида тавсиялар

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинган кунни муносиб нишонлаш мақсадида ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирлар учун қуйидаги сингари мавзулар тавсия этилади: “Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби – Республика давлат мустақиллигининг рамзи”, “Гербимиз – фахримиз, ғуруримиз”, “Тенглар ичида тенглик сиёсати”, “Ватанимиз рамзлари – муқаддас”, “Юртимиз тимсоллари – муқаддас”, “Фахримиз, ғуруримиз тимсоли ”.

Маънавий-маърифий тадбир (суҳбат, амалий машғулот)дан кўзланган мақсад: ҳарбий хизматчиларни мустақил республикамизнинг давлат рамзлари, унинг қабул қилиниш тарихи билан таништириш, “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда яшаётган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербини ҳурмат қилишлари шарт” деган тамойилга амал қилган ҳолда ҳарбий хизматчиларимизнинг ижтимоий-сиёсий билимларини ошириш, улардаги Ватанга бўлган чексиз муҳаббат туйғуларини такомиллаштириш.

Маънавий-маърифий тадбирнинг сермазмун ўтиши учун соҳа мутахассислари (Масалан: Давлатимиз рамзлари қабул қилинишида бевосита иштирок этишган зиёлилар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Журналистлар ижодий уюшмаси вакиллари)ни таклиф этиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, тадбир сўнгида давлатимиз рамзларининг қабул қилиниш жараёни тасвирланган “Давлатимиз рамзлари” номли ҳужжатли фильмни намойиш этиш тавсия этилади.

Тадбирнинг ташкилий қисми: Маънавий-маърифий тадбир ўтказилаётган хонада, албатта, Давлат рамзлари, жумладан, гербнинг катталаштирилган тасвири бўлиши мақсадга мувофиқ. Тадбир бошида давлатимиз мадҳияси янграйди.

Давлат герби қабул қилинган кунни нишонлашга бағишланган тадбир очиқ деб эълон қилингач, сўз нотиққа берилади.

Нотиқ аввало герб, унинг маъноси, ўтмишда ва ҳозирда унга бўлган муносабат ҳақида сўз юритар экан, қуйидаги маълумотлардан фойдаланиши ўринли:

Илк давлатлар шаклланиши тарихи билан давлатчиликнинг ўзига хос рамзлари пайдо бўлган. Антик даврдаги давлат рамзлари содда элементлардан ташкил топиб, вақт ўтиши билан улар такомиллашган. Ҳар бир давлатнинг рамзида давлатнинг ўзига хослиги, куч-қудрати аниқ тимсоллар орқали ўз ифодасини топганлигини тушунтиришда герблар акс этган расмлардан фойдаланиши самара беради. Масалан: қадимги Рим давлат гербида бургут ёки қадимги туркий давлатлар рамзларида бўри, қадимги хитойликлар давлатида эса аждаҳо тасвири куч-қудрат рамзини ифодалаган.

Амир Темур салтанатида эса бош рамз сифатида қуёш танланган бўлиб, у Соҳибқирон тасаввурида Оллоҳ яратган энг улуғ мўъжиза ҳисобланган. Шунингдек, Соҳибқирон давлати тамғасида уч иқлим – Шимол, Жануб ва Ғарбда ҳокимликка ишора қилувчи уч ҳалқа ўз ифодасини топган. Умуман олганда, ўз мамлакатининг ҳудуди, бойликлари билан фахрланиш, ўз қудрати, миллий ғурури тамға ва рамзлар орқали акс эттирилган.

Республикамизда ҳам мустақилликка эришилгач, давлат рамзлари қабул қилинди. Дастлаб, 1991 йил 18 ноябрда Давлат байроғи, 1992 йил 2 июль куни Давлат герби ва 1992 йилнинг 10 декабрида Давлатимиз мадҳияси қабул қилинганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Гербимизга эзгулик ғоялари сингдирилган. Ундаги ризқ-рўз манбаи бўлган буғдой ва пахта, тоғлар ва дарёлар, гуллаб-яшнаган водийлар узра заррин нурларини сочаётган саховатли қуёш, республика ҳурлигининг рамзи бўлган саккиз қиррали юлдуз, бахт ва эрксеварлик рамзи бўлган ҳумо қуши тасвири туширилганлиги ҳақида сўзлаб берилади. Гербимизда тасвирланган элементларнинг барчасида халқимиз даҳосининг эзгулик ғоялари мужассам. (Бунда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасидан фойдаланилади).

1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги Қонуннинг 2-; 3-; 4-моддаларига алоҳида шарҳ бериш мақсадга мувофиқ. Мазкур ҳужжатда гербдан фойдаланишнинг йўл-йўриқлари кўрсатиб берилган. Қонуннинг 4–моддасида эса унинг Ўзбекистон Республикасининг қайси ташкилот ва муассасаларида доимий ўрнатилиши лозимлиги кўрсатилган.

Энг асосийси, Давлат рамзлари тарғиботида қонун жуда муҳим аҳамиятга эга эканлигига алоҳида урғу бериш лозим. Давлат рамзлари тўғрисидаги қонунларни билмай туриб, улардан фойдаланиш қатор хато ва камчиликларга йўл қўйилишига олиб келиши мисоллар орқали тушунтирилади.

Тадбир якунида тингловчиларнинг орттирган билимларини мустаҳкамлаш мақсадида қуйидаги саволларни бериш мумкин:

Герб сўзи қандай маънони англатади?

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қачон ва қаерда қабул қилинган?

Давлат герби тўғрисидаги қонун қачон тасдиқланган?

Қонуннинг қайси моддасида Давлат герби Давлат мустақиллигининг рамзи деб белгиланган?

Давлат герби қаерларга ўрнатилади?

Давлат гербида нималар акс эттирилган?

Давлат гербидаги ҳумо қуши тасвири нимани англатади? Ярим ой ва юлдузлар-чи?

Гербимиздаги қуёш, дарёлар, пахта чаноқлари тасвири ҳақида нима дея оласиз?

Маънавий-маърифий тадбирни ўтказиш жараёнида Юртбошимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” ва “Маънавий юксалиш йўлида” асарлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан тайёрланиб, чоп этилган С. Олим ва Ш. Жумаевнинг «Давлатимиз рамзлари» рисоласидан фойдаланиш тавсия этилади.

Мудофаа вазирлиги
Маънавият ва маърифат маркази
илмий-услубий бўлими.

«Ягонасан, муқаддас Ватан!»

СЎЗ ВА СОЗ СЕҲРИ

Мамлакатимизда ёшларни ҳар тарафлама баркамол этиб тарбиялаш, уларда Ватанга муҳаббат туйғусини кучайтириш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 7 апрелда қабул қилинган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида»ги қарори ҳам ушбу эзгу мақсадга хизмат қилмоқда.

Озод Ватанни фахр билан мадҳ этиш ҳар бир ижодкорнинг бурчи саналади. Мазкур ҳужжат ватандошларимизнинг юртга садоқатини, миллий қадрият ва анъаналаримизга меҳр-муҳаббатини ошириш учун ижод аҳлини янада кўпроқ изланишга ундайди.

Ёш авлоднинг маънавий камол топишида бой мазмунга эга қўшиқларнинг ўрни беқиёс. Зеро, сўз ва соз қалбларга йўл топиш қудратига эга. Санъатга меҳр қўйган инсоннинг қалби тоза бўлади.

Юртимиз истеъдодларга бой. “Ягонасан, муқаддас Ватан!” кўрик-танлови чекка, олис ҳудудлардаги ёш истеъдодларни ҳам аниқлаб, рағбатлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, танловнинг дастлабки саралаш босқичида Сурхондарё вилоятининг Бойсун, Сариосиё, Денов, Олтинсой каби туманларидаги тоғли қишлоқлардан қатор янги овозлар кашф этилди. Кўрик-танлов туфайли иқтидорли йигит-қизларнинг изланишини қўллаб-қувватлаш имконияти юзага келди. Туманларда ўтказилган танловларда энг иқтидорли ёшларнинг Ватан мадҳи, тинч-осойишта ҳаётимиз, гўзал табиатимиз ва юртимиз жамоли, мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқлар, миллий қадрият ва анъаналаримиз мадҳ этилган куй-қўшиқлари муносиб баҳоланди. Айни кунларда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамкорлигида ташкил этилган нуфузли танловнинг вилоят босқичини уюшқоқлик билан, байрамона руҳда ўтказишга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Бунинг учун таниқли шоирлар, тажрибали бастакор ва санъаткорлар, соҳа мутахассислари жалб этилди. Улар танловга тақдим этилаётган қўшиқларни саралаш, мазмун ва моҳиятини таҳлил қилиш баробарида ёш истеъдод соҳибларига қимматли маслаҳат ва тавсиялар бермоқда.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганига 18 йил тўлянти. Бу улуғвор тантанага гўзал Тошкент шаҳримизнинг 2200 йиллик тўйи ҳам қўшилмоқда. Бу қутлуғ саналарга бағишлаб қўшиқ ва қасидалар яратиш ижодкорлар зиммасига катта масъулият юклайди. Шу маънода «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг ташкил этилгани айни муддао бўлди. Шу кунларда шоир, бастакор ва хонандалар ҳамкорлигида қизғин ижодий изланишлар олиб борилмоқда. Бу жараёнда кўплаб янги, мазмундор қўшиқлар яратилиши ва хушовоз ёш хонандалар кашф этилиши шубҳасиз.

Шафоат РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Сурхондарё вилояти бўлими масъул котиби.
(ЎзА).

МУОМАЛА-ИНСОН ЗИЙНАТИ

Дунё нима билан гўзал? Мен бу саволга қисқа қилиб муомала билан чиройли, муомала билан абадий, муомала билан бутун, муомала билан тирик, деган бўлар эдим.

Дарҳақиқат, халқларни халқларга, яхшини яхшига, инсонни инсонга яқинлаштирувчи буюк кўприк, ер юзидаги миллатларни миллатларга боғлаб турувчи илоҳий куч бу - муомала маданиятидир.

Ҳаммамизга маълумки, одамзот ўз ҳаёти давомида қанчадан қанча маънавий бойлик орттиради. Айтишларича, йиллар давомида мисқоллаб йиғиладиган бу буюк хазина аслида кишининг тарбиясига боғлиқ бўлар экан. Инсон қанчалик тарбияли, яхши хулқли бўлса, бошқаларда ўзига нисбатан фақат ижобий фикр уйғотади, ҳурмат туйғусини шакллантиради. Масалан, дейлик кимнингдир муомаласидан ранжиган инсон биринчи бўлиб унга нисбатан «тарбияси йўқ» иборасини ишлатади. Демак, инсоннинг қанчалик тарбияли эканлиги унинг бошқалар билан бўлган муомаласида аён бўлади. Кимки, ширинсўз, очиқтабиат, хушхулқ бўлса, у инсон барчанинг наздида муомалали инсон ҳисобланади. Аслида сабр ҳам муомала, сукут ҳам муомала, кам гапирмоқ ҳам муомала, ҳаттоки суҳбатдошни эшита билмоқ ҳам муомала маданиятига киради. Инсоннинг муомаласи ҳатто юриш-туришида акс этади. Бир оғиз сўз суҳбатдошнинг кимлигини, қандай инсон эканлигини баён этади. Масалан, ўз яқинларингизга, фарзандларингизга «сиз» деб мурожаат қилаяпсиз. Бу қандай яхши. Яхши сўз – жон озиғи, деган нақл бежизга айтилмаган. Нима бўлибди «сен» ҳам, «сиз» ҳам бир оғиздан чиқади. Энг асосийси, шу орқали яқинларингизни ўзингизга янада яқинлаштириб, ўртадаги меҳрли ришталарни мустаҳкамлайсиз.

Автобусда кетаяпсиз, бир тасодиф ҳодиса туфайли дилингиз хуфтон бўлди. Қўлида ёш боласи бор аёлга жой сўраб олиб бердингиз, ёш қиздан. Қиз сизга хўмрайиб қаради, албатта. Қизнинг бундай норози қараши ҳар қандай кишининг руҳиятига таъсир қилмасдан қолмайди. Унинг совуқ муомаласи, совуқ қараши кун бўйи ишингиз унумсиз, хаёлингиз паришон бўлиб юришига сабаб бўлади.

Агар бу муомаланинг акси – табассумли, ширин, очиқ чеҳрали муомала бўлсачи? Дейлик, онангизнинг отангизга бўлган хушмуомаласи, ёки онангизнинг сиз – фарзандларига нисбатан «қизалоғим», «ширинтойим» деб мурожаат қилиши. Бундай гўзал лутфлар ҳар қандай инсонни аллалайди, ғайратингизни оширади. «Дунё бунчалар гўзал-а» деган фикрга борасиз, шундай пайтда.

Юқорида лутф деган сўзни ишлатдик. Бир эсланг-а? Яқинда кимдан лутф кўрдингизу ёки бошқачароқ ёндошадиган бўлсак, кимларга «лутф қилолдингиз». Шу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Чунки лутф инсон маънавий дунёсини бой, маданиятини эса юксак, лафзини ҳалол, фикрини теран қилади. Инсон муомаласининг энг таъсирчанлиги, лутфлилигидан билинади. Шундай экан, бу беш кунлик дунёда ўзимиздан фақат ва фақат яхши ном ва яхши амаллар қолдирайлик. Зеро, яхшиликнинг дебочаси аввало ширинсўзликда ва бағрикенгликдадир.

Лола ҲОЖИМУРОДОВА.

СПОРТ

Енгил атлетика

«ЛОНДОН – 2012» ЁЗГИ ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИ САРИ

Қозоғистонда енгил атлетика бўйича Г. Косанова хотирасига бағишланган анъанавий халқаро мусобақа бўлиб ўтди. Ўнга яқин мамлакатнинг кучли спортчилари қатнашган мазкур мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси негизини ташкил этувчи Марказий ҳарбий спорт клуби вакиллари муваффақиятли иштирок этишди.



Ўзбекистон терма жамоалари ва спортчиларининг Буюк Британия пойтахти Лондон шаҳрида ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги босқичма-босқич давом этаяпти. Бугунги кунда асосий эътибор мамлакатимиз терма жамоалари ва спортчиларининг 2009-2012 йиллардаги халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиши ва тайёргарлик кўриши учун шарт-шароитлар яратиб бериш, маҳоратларига сайқал берувчи турли мусобақаларда мунтазам қатнашишларини таъминлашга қаратилмоқда ва у ўз самарасини бераяпти. Газетамизнинг ўтган сонида енгил атлетикачиларимизнинг Қирғизистонда Олимпиада чемпиони Татьяна Колпакова совриниучун ўтказилган халқаро мусобақада муваффақиятли қатнашганлиги ва баъзи спортчиларимиз томонидан ҳатто мусобақа рекордлари янгиланган ҳақида ҳикоя қилган эдик. Қозоғистонда ўтказилган мусобақа ҳам юртимизда иқтидорли ёшлар, спортчиларнинг янги авлоди камол топаётганлигини кўрсатди. Жумладан, армиячи енгил атлетикачиларимиз халқаро мусобақанинг 8 та олтин медалини қўлга киритишди.

Бишкекда 4х100 метрлик эстафетада ғолиб чиққан қизларимиз 45,78 сония натижа билан, 10 минг метрга югуриш бўйича спортчимиз Андрей Петров 30 дақиқа 39 сония натижа билан мазкур анъанавий халқаро мусобақанинг рекордини янгилаган эди. Эстафетачи қизларимиз Қозоғистонда ҳам зафар қозонишди. Анастасия Прошкина, Лидия Шахворостова, Оксана Кошелева ва Юлия Жичкинадан иборат тўртлигимиз 4х100 метрлик эстафетада 45,96 сония натижа билан маррани биринчи бўлиб кесиб ўтди. Улар орасида спорт усталари Анастасия Прошкина ва Оксана Кошелева Марказий ҳарбий спорт клуби вакилларидир. 4х400 метрлик эстафетада ҳам бизнинг енгил атлетикачиларимиз – Зарина Тоирова, Анна Сидорова (МҲСК), Зарина Қодирова (МҲСК) ва Наталья Асанова муваффақият қозонди. Уларнинг маррага биринчи бўлиб етиб келиши учун 3 дақиқа 51,09 сониялик натижа кифоя қилди.

МҲСК аъзоси, спорт устаси Анна Сидорова 800 метрга югуриш бўйича ҳам халқаро мусобақанинг олтин медалини қўлга киритди. Зарина Қодирова эса 100 метрга тўсиқлар оша югуриш бўйича Бишкекдаги натижасини 0,10 сонияга яхшилаб, яъни 13, 77 сония натижа билан бронза медаллик бўлди. Ваҳоланки, айнан шу натижа билан бошқа бир спортчимиз, яъни Анастасия Прошкина Бишкекдаги халқаро мусобақада олтин медални, Зарина эса бундан-да ёмонроқ натижа билан кумуш медални қўлга киритган эди. Анастасия Қозоғистонда 13,79 сониялик натижа билан тўртинчи ўринни эгаллади. Эътибор беринг, атиги 0,2 сониялик фарқ унинг нафақат олтин медалсиз, балки совринсиз қолишига сабаб бўлмоқда. Бу ўз навбатида кетма-кет ўтказилган икки халқаро мусобақада ғолиблик учун кечган баҳсларнинг шиддатини, мусобақадан мусобақага спортчиларнинг маҳоратлари сайқалланаётганини кўрсатади. Демак, спортчилар учун бундай мусобақаларда тез-тез қатнашиб туриш фойдадан холи бўлмайди. Ўзбекистон терма жамоаларини «Лондон – 2012» ёзги Олимпия ўйинларига босқичма-босқич тайёрлаш дастурида ҳам бунга алоҳида урғу берилиб, спортчиларнинг турли мусобақаларда қатнашишини таъминлашга аҳамият қаратилган.

Ўзбекистон терма жамоасининг етакчи енгил атлетикачиларидан бири Екатерина Тунгускова Қозоғистон халқаро турнирининг иккита олтин медалини (1500 ва 3000 метрга югуриш бўйича) қўлга киритди. Шундай муваффақиятга Марказий ҳарбий спорт клуби вакили Александра Котлярова ҳам эришди. Александра узунликка сакраш бўйича 6 метр 28 сантиметр, уч ҳатлаб сакраш бўйича 13 метр 58 сантиметр натижа кўрсатди. Бишкекда у узунликка сакрашда 6 метр 24 сантиметр, уч ҳатлаб сакрашда 13 метр 54 сантиметр натижа билан қўш олтин медаллиқ бўлган эди. Бу спортчимизда ҳам мусобақадан мусобақага ўсиш яққол кўриниб турибди. Маҳорат бобидаги бундай ўсишни найза улоқтирувчимиз Лилия Дўсматова ҳам кўрсатди. Ўзбекистон чемпиони бир ҳафта олдинги халқаро мусобақадаги 52 метр 60 сантиметрлик натижасини 1 метр 20 сантиметрга яхшилади (53 метр 80 сантиметр) ва яна олтин медалга сазовор бўлди. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, найза улоқтирувчи қизларимиз мусобақада қатнашган бошқа мамлакат вакилларига ҳеч бир имконият қолдирмай, барча совринли ўринларни ўзаро баҳам кўришди. Анастасия Семибратова 47 метр 07 сантиметр натижа билан кумуш, Елена Смольянова 46 метр 77 сантиметр натижа билан бронза медалини қўлга киритди. Уларнинг барчаси МҲСК спортчиларидир.

Эркаклар ўртасидаги найза улоқтириш баҳсларида асосий спортчимиз, шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Иван Зайцев жароҳати туфайли мусобақада иштирок этолмади. Бу МҲСКнинг бошқа бир аъзоси – Игорь Девятовга қўл келди. У улоқтирган найза 66 метр 30 сантиметр узоқликка бориб тушди ва халқаро мусобақанинг олтин медали билан тақдирланди. Унинг клубдоши Иван Зайцев эса Бишкекда 69 метр 05 сантиметр натижа кўрсатган эди.

Босқон улоқтирувчимиз Татьяна Кузнецова халқаро мусобақада қўлга киритилган МҲСК ҳисобидаги олтин медалларни саккизтага етказди. У 51 метр 91 сантиметрлик натижа кўрсатиб, ғолиб чиқди. Бир ҳафта олдин унга 50 метр 44 сантиметрлик натижа халқаро мусобақа ғолибаси бўлиши учун етарли бўлган эди. Шунга қарамай спортчиларимиз маҳоратларини мунтазам ошириб боришга интилишаётгани қувонарли ҳол. Жумладан, армиячилар вакили бўлган енгил атлетикачиларимиз – Марат Ҳайдаров (баландликка сакраш) ва Ортиқ Рамазонов (марафон) халқаро мусобақада иккинчи ўринни эгаллаган бўлса-да, уларнинг шахсий натижасида жуда катта ўзгариш, олға силжиш кўзга ташланди. Эндигина 19 ёшни қаршилаган Марат Ҳайдаров 110 метрга тўсиқлар оша югуриш баҳсларида ҳам қатнашиб, жароҳат олганлиги туфайли турнирда иштирок этолмаган асосий спортчимиз Олег Норматовнинг йўқлигини билдирмасликка ҳаракат қилди. Марат мусобақада ғолиб чиқмаса-да, 15,00 сониялик натижа унга учинчи ўринни ҳадя этди. Шунингдек, ёш спортчиларимиздан Артём Дятлов 400 метрга тўсиқлар оша югуриш, Александра Бистригова уч ҳатлаб сакраш, Павел Холодов 800 метрга югуриш бўйича халқаро мусобақанинг бронза медалларини қўлга киритишди.

Марказий ҳарбий спорт клуби вакиллари Қозоғистонда ўтказилган халқаро мусобақанинг 8 та олтин, 3 та кумуш ва 6 та бронза, жами 17 медалига сазовор бўлишди.

Р. ЖУМАЕВ.

Шахмат

НАВБАТ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА

Пойтахтимизда ўн кун давом этган шахмат бўйича жаҳон кубоги ва жаҳон чемпионатига йўлланма берувчи минтақавий турнирлар якунланди. Қизғин кечган баҳслардан сўнг уч йўлланмадан иккитасига вакилларимиз сазовор бўлишди.

Эркаклар ўртасидаги турнирда Марказий Осиё мамлакатларининг 14 нафар шахматчиси қатнашди. Улар жаҳон кубогига бериладиган икки йўлланма учун ўзаро баҳс олиб боришди. Кетма-кет уч партияда ғалаба қозонган тожикистонлик гроссмейстер Фаррух Амонатов турнир бошиданоқ пешқадамликни ўз қўлига олди. Аввалига халқаро гроссмейстерларимиз Саидали Йўлдошев ва Марат Жумаевлар уни таъқиб этиб боришга тушишди. Кейинчалик яна бир гроссмейстеримиз Антон Филиппов пешқадамлар сафига қўшилди. Айниқса, сўнгги партияларда муваффақиятли дона сурган А.Филиппов турнирни 10 очко жамғариш билан якунлади. Бу уни жорий йилнинг 21 ноябридан 15 декабригача Россиянинг Ханти-Мантийск шаҳрида ўтказиладиган жаҳон кубоги баҳсларида қатнашиш ҳуқуқини берувчи йўлланма соҳибига айлантирди. Иккинчи йўлланмани турнирда Тожикистоннинг ягона вакили сифатида қатнашган Фаррух Амонатов қўлга киритди.

Аёллар ўртасидаги турнирда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистондан келган 11 нафар шахматчи ўзаро дона суриб, жаҳон чемпионатига берилувчи битта йўлланма учун баҳс олиб боришди. Дастлабки турда қозоғистонлик Мадина Давлатбоева билан дуранг ўйнаган мамлакатимиз чемпиони Нафиса Мўминова аввалига юртдошларимиз Ҳулкар Тоҳиржонова ва Нодира Нодиржоновалардан ортда борди. Мария Сергеева устидан эришилган ғалабадан сўнг у ўзини тутиб олди ва муваффақиятли дона суриб, 8 очко жамғарган ҳолда турнирни биринчи ўрин билан якунлади. Энди вакилимиз 1 – 12 сентябрь кунлари Хитойнинг Нинғбо шаҳрида ўтказиладиган жаҳон чемпионатида юртимиз спорт шарафини ҳимоя қилади.

Ж. РАСУЛОВ.

СПОРТ

Таэквандо

ВАКИЛЛАРИМИЗ КУЧЛИЛАР САФИДА

Озорбайжон пойтахти Боку шаҳрида таэквандо (WTF) бўйича аёллар ўртасида жаҳон кубоги учун баҳслар бўлиб ўтди. Унда 207 мамлакат спортчилари қатнашди. Биринчи марта жаҳоннинг энг кучли 24 мамлакати сафига кирган Ўзбекистон терма жамоасининг муваффақиятига МҲСК вакиллари ҳам муносиб улуш қўшишди.

Юртимизда бошқа спорт турлари қатори олимпия ўйинларига янгидан киритилган таэквандони ривожлантиришга ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Пекин Олимпиадасидан кейин спортчи ва мураббийлар малакасини ошириш учун Жаҳон таэквандо WTF федерацияси ҳамда Осиё таэквандо WTF федерациясидан юртимизга мутахассислар келиши ва семинарлар ўтказиши, пойтахтимизда икки марта Ўзбекистон очиқ чемпионати ўтказилиб, унда Жанубий Корея, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон спортчиларининг ҳам қатнашиши фикримизга яққол далил бўлади. Ўзбекистон таэквандо WTF ассоциацияси эндиликда Олимпиада ўйинларига тайёргарликни кучайтириб, ҳар бир мусобақани «Лондон – 2012» шиори остида ўтказиб келмоқда.

Ўзбекистон аёллар терма жамоаси Бокуда ўтказилган жаҳон кубоги баҳсларига янгиланган таркибда борди. Улар сафидан Марказий ҳарбий спорт клуби вакиллари – мамлакат чемпиони Фотима Алимова ва чемпионатнинг кумуш медали совриндори Венера Абдураззоқова ҳам ўрин олгани армиячилар мухлисларини қувонтиради, албатта. Улар ишончни оқлашди. Хусусан, Ирина Фан, Сайёра Зуҳриддинова, Фотима Алимова ва Венера Абдураззоқовадан иборат жамоамиз учта учрашув ўтказди. Аввалига хитойлик таэквандочилар 5:0 ҳисобида доғда қолдирилди. Сўнг Австралия ва Франция терма жамоалари бир хил – 4:1 ҳисобида мағлуб этилди. Натижада Ўзбекистон терма жамоаси ўз тарихидаги энг юқори поғонага кўтарилишга муваффақ бўлди. Вакилларимиз 207 мамлакат терма жамоалари орасида 17-ўринни эгаллади. Мутахассисларнинг эътироф этишича, бу таэквандода кескин бурилиш ва жуда яхши натижадир.

Энди терма жамоамиз Дания пойтахти Копенгаген шаҳрида октябрь ойида ўтказиладиган жаҳон чемпионатида иштирок этади.

Р. ЭРМУҲАММАД.

Восточные единоборства

ЗДОРОВАЯ НАЦИЯ – СИЛЬНАЯ СТРАНА



На состоявшейся на днях в Музее Олимпийской Славы пресс- конференции «Восточные единоборства Узбекистана – здоровая нация, сильная страна!», журналисты, пишущие на спортивные темы, узнали немало интересного как об истории восточных единоборств в Узбекистане, так и о деятельности Республиканского общественного фонда развития восточных единоборств и боевых искусств «ALFA-SPORT» и Центра развития восточных единоборств и боевых искусств.

Действующий в Узбекистане с 2004 года уникальный проект - Центр развития восточных единоборств и боевых искусств за короткий срок объединивший вокруг себя более 20 федераций восточных единоборств и боевых искусств Узбекистана, таких как кикбоксинг, шотокан каратэ-до, таэквондо ИТФ, рукопашный бой, муайтай, ушу, айкидо, универсальный бой, таэквондо ВТФ и других. Центр стал мощнейшей структурой, способной создавать самые благоприятные условия для десятков клубов и тысячи спортсменов.

Одна из интереснейших и перспективных наработок Центра - создание нашего, национального вида восточных единоборств - Узбек жанг санъати. Команда единомышленников во главе с обладателем 7 дана по таэквондо ИТФ Пулатом Усмановым, детально изучив наследие наших великих предков: Амира Темура, Пахлавона Махмуда, Джалолитдина Мангуберды, принцессы Тумарис воссоздали национальное боевое искусство, которое со временем займет подобающее ему место наряду с японским каратэ или китайским ушу. И хотя федерации узбек жанг санъати всего несколько месяцев, интерес к ней проявили эксперты из ряда стран Азии, представители Франции, Соединенных Штатов Америки.

Не секрет, что в эпоху рыночных отношений, немало даже самых интересных проектов не получали своего развития из-за сложностей в решении вопросов материально-технического оснащения федераций, финансировании различных соревнований, отсутствия спонсорской поддержки ведущих спортсменов, участвующих в международных турнирах, чемпионатах мира.

Для этих целей в 2007 году был создан Республиканский общественный Фонд развития восточных единоборств и боевых искусств. Как сообщили на пресс-конференции представители Фонда, сегодня на его средства издается иллюстрированный журнал «Файтер», регулярно выходят в эфир его радио и телевизионные версии, активно освещающие и пропагандирующие вопросы развития восточных единоборств.

При активной поддержке Фонда за период с 2008 по апрель 2009 г. в Узбекистане проведен целый ряд чемпионатов республики и мира, международных турниров, фестивалей восточных единоборств и боевых искусств, немало других, важных с точки зрения популяризации восточных единоборств, мероприятий. В целях создания нормальных условий для функционирования Центра развития восточных единоборств и боевых искусств Фондом была проделана огромная работа по привлечению средств спонсоров и меценатов спорта на сооружение и оснащение здания головного офиса и спортзала Центра.

Под его эгидой создан Совет ветеранов восточных единоборств и боевых искусств Узбекистана, оказана благотворительная помощь инвалидам и ветеранам войны Мирабадского района.

Начиная с апреля 2009 года Фондом организована шефская помощь дому «Мехрибонлик» № 24 Сабир Рахимовского района г. Ташкент по укреплению его материально-технической базы, оснащению современной оргтехникой, оборудованию спортзала, медицинского кабинета, организации работы спортивных секций восточных единоборств.

Завершая пресс-конференцию, представители Фонда подчеркнули, что за годы независимости спортсмены восточных единоборств внесли и продолжают вносить значительный вклад в копилку побед узбекских спортсменов на международной спортивной арене. Ими завоеваны множество медалей различного достоинства на чемпионатах Азии, Азиатских играх, чемпионатах мира и Олимпийских играх. Их успехи стали наглядным подтверждением эффективности проводимой в годы независимости политики воспитания молодежи в духе патриотизма, пропаганды здорового образа жизни.

Евгения БАЛТАЕВА,
пресс-секретарь Республиканского общественного фонда развития восточных единоборств и боевых искусств «ALFA-SPORT».
Фото **Владимира КАЛОШИНА.**

ҚАЙДНОМА

БОКС. Таниқли боксчимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев тўрт йиллик танаффусдан сўнг яна профессионал рингга қайтди. У дастлабки учрашувини пойтахтимиздаги «Намуна» спорт мажмуида россиялик боксчи Сергей Старковга қарши ўтказди. Олти раунд давом этган жангдан сўнг ҳакамлар бир овоздан Муҳаммадқодирнинг соф ғалаба қозонганлигини эътироф этишди. 35 ёшли спортчимиз профессионал рингдаги аввалги мавқеини яна қайта тиклашга умид билдирмоқда.

***

Москвада Россия, Молдова, Қозоғистон, Танзания ва Ўзбекистоннинг кучли спортчилари иштирокида профессионал бокс кечаси ўтказилди. Ҳамюртимиз Шерзод Ҳусанов ўрта вазнда WBO Asia Pacific бўйича чемпионлигини ҳимоя қилди. Темур Нергадзега қарши кечган жанг юртдошимиз учун осон бўлмади. Шерзоднинг устунлиги, Нергадзенинг хавфли қарши ҳужумлари остида кечган учрашувда ҳакамлар дуранг натижани қайд этишди. Бу боксчимизга WBO йўналишидаги чемпионлигини сақлаб қолиш имконини берди.

ЮНОН-РУМ КУРАШИ. Германиянинг Дортмунд шаҳрида ўтказилган юнон-рум кураши бўйича халқаро турнирда уч нафар полвонимиз совриндор бўлди. 52 кг. ва 60 кг. вазн тоифасида гиламга чиқишган Элдор Ҳафизов ва Элшод Рафутдинов турнирнинг кумуш, 55 кг. вазн тоифасида Санжарбек Юмашев бронза медалини қўлга киритди.

ЭРКИН КУРАШ. Қозоғистоннинг Экибастуз шаҳрида эркин кураш бўйича 8-халқаро турнир бўлиб ўтди. Алексей Сергеев совриниучун ногиронлар ўртасида ўтказиб келинадиган турнирга бу йил ўндан ортиқ мамлакатларнинг ўсмирлари – бўлғуси олимпиячилар жалб этилди. Унда МДҲ ва узоқ хорижий мамлакатларнинг 180 нафар полвонлари иштирок этди. Нуфузли мусобақада ҳамюртларимиз Саиджон Солихов (94 кг.) ва Асланбек Гадоев (120 кг.) ўз вазн тоифалари бўйича бронза медални қўлга киритишди.

ФУТБОЛ. 29 июнь куни ОФКнинг Куала-Лумпур шаҳридаги қароргоҳида Осиё чемпионлар лигаси (ОЧЛ) ва Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) кубоги учун ҳал қилувчи босқич баҳсларига қуръа ташланди. Унга кўра ОЧЛда қуйидаги жуфтликлар ярим финалга чиқиш учун ўзаро куч синашишади:

1. «Умм Салал» (Катар) – «Сеул» (Жанубий Корея)
2. «Кавасаки Фронтале» (Япония) – «Нагойа Грампус» (Япония)
3. **«Пахтакор»** (Ўзбекистон) – «Ал-Иттиҳод» (Саудия Арабистони)
4. **«Бунёдкор»** (Ўзбекистон) – «Поханг Стилерс» (Жанубий Корея).

Дастлабки учрашувлар номлари биринчи кўрсатилган жамоалар майдонида 23-24 сентябрь кунлари, жавоб учрашувлари 30 сентябрь куни ўтказилади. Ярим финалда 3-жуфтлик ғолиби – 2-жуфтлик ғолиби билан, 4-жуфтлик ғолиби – 1-жуфтлик ғолиби билан беллашади. Демак, агар жамоаларимиз муваффақиятли одимласа, фақат финалда бир-бирига қарама-қарши келиши мумкин. Финал учрашуви 7 ноябрь куни Японияниг Токио шаҳрида ўтказилади.

ОФК кубоги учун баҳсларда муваффақиятли қатнашаётган Фарғонанинг **«Нефтчи»** жамоаси қуръага кўра чорак финалда Гонконг чемпиони «Саут Чайна» жамоасига қарши тўп суради ган бўлди. Дастлабки учрашув 15 сентябрь куни Фарғонада ўтказилади.

***

Бангкокда аёллар терма жамоамиз Осиё чемпионатининг навбатдаги саралаш босқич баҳсларига киришади. 4 июль куни вакилларимиз Таиланд, 6 июль куни Эрон терма жамоаларига қарши майдонга тушади. Таиланд ва Эрон терма жамоалари ўртасидаги учрашув 8 июлга белгиланган. Терма жамоамиз мазкур учрашувларга тайёргарлик кўриш ва иқлимга мослашиш мақсадида 24 июндан 2 июлга қадар Вьетнам пойтахтида ўқув-машғулот йиғинини ўтказди.

ШАХМАТ. Екатеринбургда ўтказилган шахмат бўйича болалар ўртасидаги халқаро турнирда вакилларимиз муваффақият қозонди. Мураббий Жасур Мажидов бошчилик қилган Улуғбек Тиллаев, Жаҳонгир Воҳидов, Ортиқ Ниъматов, Сарвиноз Қурбонбоевадан иборат ёш шахматчиларимиз жамоавий ҳисобда 12 очко, якка тартибда жами 20,5 очко жамғарган ҳолда турнир ғолиби бўлди. Шунингдек, биринчи шахмат тахтасида дона суриб, 7 имкониятдан 5,5 очко жамғарган ёш шахматчимиз У. Тиллаев ва тўртинчи шахмат тахтасида 6 очко жамғарган С. Қурбонбоева ўз шахмат тахталари бўйича ҳам бош совринни қўлга киритишди. Урал шаҳридаги шахмат академияси тарбияланувчиларидан иборат Россиянинг биринчи терма жамоаси турнирда 11 (якка тартибда 19) очко жамғариб, жамоавий ҳисобда вакилларимиздан сўнг иккинчи ўринни эгаллади.

ВОЛЕЙБОЛ. Шу кунларда Хитойда волейбол бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш учрашувлари бўлиб ўтмоқда. Унда Янги Зеландия терма жамоасини мағлуб этиб, биринчи марта саралаш баҳсларининг учинчи босқичига йўл олган Ўзбекистон терма жамоаси ҳам иштирок этмоқда. Агар терма жамоамиз бу босқичдан ҳам муваффақиятли ўтса, илк марта жаҳон чемпионатининг финал босқич баҳсларида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади.

МАДАНИЯТ

ШУНҚОРЛАР БЕЛЛАШГАНДА

Қуролли Кучларимизда посбонлар маънавиятини янада юксалтириш, уларда юксак ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш борасида турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш яхши анъанага айланган. Мана, уч йилдирки Мудофаа вазирлиги тизимидаги ҳарбий қисмлар ва ўқув муассасалари посбонлари ўртасида «Балли, йигитлар» танлови ўтказиб келинмоқда. Мазкур танловнинг округлар миқёсидаги биринчи босқич беллашувлари ғолиблари – Тошкент ҳарбий округининг «Десантчи», Шарқий ҳарбий округининг «Шўх посбонлар» ҳамда кичик сержант Баҳодир Исроилов сардорлик қилган «Водий шунқорлари» жамоалари финалга бериладиган йўлланма учун ўзаро куч синашдилар. Тадбир Шарқий ҳарбий округ офицерлар уйида бўлиб ўтди. Шу куни офицерлар уйи кулги ва ҳазв ихлосмандлари билан тўлди.

Маълумки, танлов илк беллашувларидан бошлаб газетамиз саҳифаларида ёритиб келинади. Билимдонлик, топқирлик, қувноқ саҳна кўринишлари, маҳорат беллашуви бўлган «Балли, йигитлар!» танловини кузатар эканмиз унинг савияси йилдан-йилга ошиб бораётганлигига гувоҳ бўляпмиз. Бу гал ҳам жамоалар тўрт шарт бўйича ўзаро баҳслашдилар.

Шунқор посбонлар беллашуви қуръа ташлаш йўли билан бошланди. Биринчи шарт «Сиз биласизми, биз ким?» деб номланади. Шу ўринда эътиборингизни бир нарсага тортгим келди. Юқоридаги шарт албатта, таништирув эканлиги номидан ҳам кўриниб турибди. Бугун биз миллий армиямиз сафларига энг сара ўғлонлар олиниши ҳақида бот-бот гапирамиз, бу ҳақда туркум мақолалар оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилмоқда, албатта. Мазкур тадбир ҳам гўё бу ҳолатни аниқ-равшан намоён этди. Ёш посбонлардаги шарафли касбларига бўлган чексиз меҳр, ифтихор туйғулари уларнинг дастлабки чиқишларидаёқ ёркин акс этди. Дастлабки шарт бўйича «Десантчи» ва «Шўх посбонлар» жамоалари юқори балларни қўлга киритишди. Улардаги ижодкорлик, қўшиқ куйлаш маҳорати, енгил юморга йўғрилган нозик қочиримлар йиғилганларга янада кўтаринки кайфият бағишлагани шубҳасиз. Ҳар иккала жамоани танловга ёш офицерлар Дониёр Жамолов, Темурмалик Исроиловлар тайёрлашган. Посбонлар эришган муваффақият офицерларимизнинг юксак билими, юқори ташкилотчилик қобилияти, иқтидоридан дарак бериб турибди.

Иккинчи шарт кичкинтойлар томонидан таъриф бериладиган топишмоқларга жавоб топиш эди. Буни қарангки, мазкур шартда ҳам «Десантчи» ва «Шўх посбонлар» ҳозиржавоблик қилдилар.

Яна бир шарт «Интеллектуал маҳорат» деб аталади. Бу танлов иштирокчиларидан бирмунча «терлаш»ни талаб этгани рост. Махсус белгиланган рақамлар остидаги ҳарфлардан жуда қисқа дақиқалар ичида, энг кўп ва мураккаб сўзлар ясаш, албатта, унчалик осон шарт эмас. Бу борада «Водий шунқорлари» барчани ортда қолдириб кетди ва сўз бойликлари кўплиги билан ҳаммани ҳайратга солди. Бу жамоага кичик сержант Баҳодир Исроилов сардорлик қилди. Мазкур жамоа ҳақида сўз кетганида, уларнинг актёрлик маҳоратларига тўхталмаслик мумкин эмас. Улар шоир, улар қўшиқчи, улар актёр, улар Ватан ҳимоячилари, Ватаннинг шунқор ҳимоячилари. Шартлар орасида мазкур жамоа ҳаваскорларининг турли чиқишлари йиғилганларга олам-олам завқ-шавқ улашди.

Ниҳоят тўртинчи шарт «Армия кино саҳифаларида» деб номланади. Ушбу шартда жамоалардан тўрт нафардан вакил иштирок этди. Улар ўзлари тайёрлаб келган видеолавҳаларга аскарлар ва чақирилувчилар ҳаётида учрайдиган кулгили ҳодисаларни аралаштириб, овоз бердилар. Ҳазиллар, кулгили ҳодисалар орқали ҳам армия ҳаётини энг ёрқин акс эттирган жамоа яна «Десантчи»лар бўлишди.

Танлов ўз номи билан танлов. Ниҳоят ғолибларни ҳам аниқлаш фурсати етди. Учинчи ўрин «Шўх посбонлар» жамоасига насиб этди. Иккинчи ўринни «Водий шунқорлари» эгаллашди. Финалга йўлланмани биринчи ўринни олган «Десантчи» жамоаси қўлга киритди. Ғолибларни тақдирлаш жараёнида беллашув юзасидан ўз мулоҳазаларини баён этган капитан Василий Абдуллаев, жумладан шундай деди:

– Беллашув ниҳоятда қизиқарли кечди. Аскарларнинг интеллектуал салоҳияти таҳсинга сазовор. Мазкур тадбир аскарлар, сержантлар ва курсантларнинг хизматдан бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари, уларнинг дунёқарашларини шакллантириш, маънавий-интеллектуал савияларини янада юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга. Бўлиб ўтган тадбир танлов шартлари талабларига тўлиқ мос келганлиги, юқори савияда ташкиллаштирилганлиги, жамоаларнинг фаоллиги ва танлаган мавзулари савиясининг юксаклигини эътиборга олиб, финалга йўлланмани яна бир жамоага беришни лозим топдик. Бу жамоа ўзининг турфа чиқишлари билан томошабинлар меҳрини қозонган «Водий шунқорлари»дир.

Мазкур тадбир барчада катта таассуротлар қолдиргани шубҳасиз. Келинг, энди йиғилганларга кичик байрам шукуҳини бахш этган жамоаларнинг энг фаол иштирокчилари ҳақида сўз юритамиз.

Тадбир ҳақидаги таассуротларини оддий аскар Аҳрорбек Умаров шундай ўртоқлашади:

– Мен асли фарғоналикман, Олтиариқ туманининг Тинчлик маҳалласида улғайганман. Танловнинг водийда бўлиб ўтиши мени бир томондан қувонтирган бўлса, иккинчи томондан бирозгина ҳаяжонга ҳам солди. Чунки бу тадбирдан оила аъзоларим аллақачон хабардор бўлишган. Бизни пойтахтдан келишимизни бетоқат кутаётганларини яхши билардим. Ахир ота-онам, яқинларим кўз ўнгида жамоамизнинг ютқазиб қўйишини сира ҳам истамасдим. Ютиб чиққанимиздан беҳад хурсандман. Аҳилликда гап кўп экан. Командиримиз катта лейтенант Дониёр Жамоловдан миннатдорман. Айнан шу инсоннинг саъйи ҳаракатлари билан шарафли касбга янада меҳрим ошди. Ҳаётимни армия билан боғлашга аҳд қилдим.

Дарҳақиқат, шу куни Аҳрорбекнинг отаси, онаси, акаси, танловга келиб, уни қўллаб-қувватлаб турдишди. Аскар йигитнинг ибораси билан айтганда, яқинларининг иштироки унга катта руҳий мадад бўлди. Онаси Мавжуда опанинг юз-кўзларидаги қувонч таърифга сиғмайди. Аскар ўғли билан ёнма-ён турган йигитларга-да фарзандлари каби меҳр билан қараб туришларида оналаргагина хос чексиз ва самимий муҳаббат мужассам.

– Ўғлимнинг дўстлари ҳам фарзандларим-да, – дейди Мавжуда опа. – Шундай аҳил, алпкелбатли навқирон сафдошлари борлигидан яна ҳам қувондим. Командир ўғлимни айтмайсизми, (катта лейтенант Дониёр Жамоловни назарда тутмоқда) бирам ақлли, хушмуомала экан. Фарзандимнинг шундай одамлар билан ёнма-ён хизмат қилаётганидан хурсандман. Унинг офицер бўлиш орзуси ушалишини дуоларимда сўрашдан чарчамайман. Мен ўғилларимга ишонаман. Уларнинг ҳаммаси армия мактабини ўташган. Бугунги кунда турли касбларни эгаллашган. Аҳрорбек оиламизнинг кенжа фарзанди. У ҳам акалари каби бизнинг юзимизни ёруғ қилиб, эл-юртга керакли инсон бўлишига ишонаман.

Ҳа, бугун Қуролли Кучларимиз сафида ана шундай ўтюрак, билимдон ва зукко посбонлар кўп. Биз юқорида бир-икки оғиз сўз юритганимиз посбон ўғлонлар эса юзларнинг биридир. Буларнинг бари қалбимизда юксак ишонч ва фахр туйғуларини уйғотади. Муборак неъмат бўлмиш Мустақилликнинг ҳимояси кучли ва ишончли қўлларда эканлигига янада амин бўламиз. Зеро, мамлакат равнақи, юрт тараққиёти, буюк келажак ана шундай ёшларимиз билан боғлиқдир.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

ВАТАНПАРВАР

Муассис – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги | Учредитель – Министерство обороны Республики Узбекистан

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи майор А. САФАРОВ.
Шу сонга масъудлар: капитан Ҳ. МИРЗАЕВ, катта лейтенант Т. ЖУМАНАЗАРОВ.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган. ISSN 2010-5541.

Таҳририят манзили: 100140, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 1-уй.

«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

МУАССИС КЕНГАШИ: Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ – кенгаш раиси, Рустам НОДИРОВ, Раҳимжон НУРНАЗАРОВ, Олим ҚЎЧҚОРОВ, Алишер МУИНОВ, Нурмуҳаммад МУЛЛАБОЕВ, Шуҳрат ТЎХТАЕВ, Абдусаттор ЭРГАШЕВ, Курбон АМИНЖОНОВ, Олимжон ЗАНЖИРОВ.

Телефонлар: навбатчи – 260 39 57; Факс: 260 39 45.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида Р. Исаакаев ва З. Хошимов томонидан саҳифаланди.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Газета жума куни чиқади. | Адади 21700.
Нашр кўрсаткичи 114. | Буюртма № J-76-72.